

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“СИЁСИЙ КОНФЛИКТОЛОГИЯ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент-2018**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартағи 247-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчи:**

ф.ф.д. Мусаев О.Р.

**Тақризчи:**

с.ф.н., доц. Умаров Х.Ф.

*Ўқув-услубий мажмуда ЎзМУ Услубий кенгашининг 2017 йил 30 августадаги 1-сонли қарори билан нашрға тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>10</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>17</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>56</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>60</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>61</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>62</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>80</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафакат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. **“Сиёсий конфликтология”** модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Фалсафа фанини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш жараённида тингловчилар Европа, Америка қўшма штатлари. Осиё давлатларнинг фалсафа фанини ўқитиши жараёнининг ташкил этилиши, модуль-кредит тизими, фанларнинг тақсимланиши, талабаларнинг мустақил таълимнинг ташкил қилиниши, етакчи хорижий олигоҳларида чоп этилган дарсликлар, ўкув ва услубий қўлланмалар ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Жаҳон университетларида ва республикамиздаги фалсафа фанининг ютуқлари билан танишишади.

### Модулнинг мақсади ва ВАЗИФАЛАРИ

#### **“Сиёсий конфликтология” модулини ўқитишдан мақсад:**

олий ўкув юртларидағи фалсафа фани бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали фалсафа мутахассислиги йўналишидаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, фаннини ўқитиши самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашишлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, бу соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

#### **Модулнинг вазифалари**

##### **TINGLOVCHI:**

Сиёсий конфликтология фани тизимининг ривожланиш тенденциялари, истиқболли илмий-тадқиқот йўналишларини;

Сиёсий конфликтология фани соҳасида республикамиз ва хорижий мамлакатлар эришаётган ютуқларини;

Сиёсий конфликтология фанининг замонавий илмий муаммоларига оид тадқиқотларнинг долзарблиги, илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини;

“Сиёсий конфликтология” ҳақида тушунча ва у билан шуғулланувчи фан ёки фанлар тизимини;

Сиёсий конфликтология фани соҳасида замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш мезонларини билиши керак.

**ТИНГЛОВЧИ:**

ўзининг энг олий мақсадига эришиш йулида мақсадли фаолият олиб бориш;

жамият ҳаётидаги ижтимоий жараёнларга фалсафий тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиш, воқеаларга шахсий, ижодий танқидий баҳо бериш;

машғулотларни олиб боришда кузатиладиган ижобий ҳолатларни тақдирлаш ва салбий иллатларни бартараф этиш кўнимкамларига эга бўлиши лозим;

**ТИНГЛОВЧИ:**

ҳозирги замон фалсафа фани, унинг таркиби ва тизимидағи ўзгаришларни амалда қўллаш;

Сиёсий конфликтология фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқалари ва ички дифференциациясини ажратади олиш;

Сиёсий конфликтология фанининг фалсафа, мантиқ, этика ва эстетика, фуқаролик жамияти, миллий ғоя ва бошқа фанларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш малакаларига эга бўлиши зарур.

**ТИНГЛОВЧИ:**

мустақиллик йилларида Ўзбекистон ижтимоий –иқтисодий салоҳияти, таълим тизими, ўзаро муносабат жараёнларининг ривожланишида фалсафий тушунчаларни амалиётда қўллаш;

инсон ва жамият муносабатларининг моҳияти, унинг бир бутун жараён эканлигини талабаларга етказиш ва ижтимоий оқибатларининг прогнозини амалга ошириш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Сиёсий конфликтология” фанининг ривожланиш стратегияси ва илмий-назарий тараққиёти янги модул бўлганлиги туфайли дарс давомида модулни мазмуман бойитиши тингловчилар ўз тажрибалардан ва интернет тармоқларидан олган материалларни оммавийлаштирмоғи мақсадга мувоғиқ.**

Курсни ўқитиши жараёнида кичик гурухларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маъмумотлар билан таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун фалсафани ўқитишида ўзини ва илғор хорижий тажрибаларни солиштириш учун имкониятлар яратилади. Республикализнинг олийгоҳларида қўлланилиши мумкин бўлган усул, воситалар ва технологияларни танлаб олиш учун тингловчилардан амалий фаоллик табал этилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Сиёсий конфликтология” модули мазмуни ўқув режадаги илғор таълим технологиялари ва педагогик йўналишидаги (Каспий компетентлик ва креативлик, Замонавий педагогик технологиялар ва бошқ.), ахборот коммуникацион технологияларини ёритиб турувчи барча модуллари билан ҳамда фалсафа фани йўналиши ўқув модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртларда фалсафий фанларни ўқитиш самараси, ва республикамизда бу фанининг ривожланиши, уни ўқитишга оид замонавий билим ва кўникмалар ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилганда ошади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда “Сиёсий конфликтология” ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда фалсафа фани соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларида фалсафа фанининг мазмунини бойитишга ҳизмат қиласди.

### **“Сиёсий конфликтология” модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модулмавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси		Назарий	Амалий	Кўчма		
			Жами	жумладан					
1.	Сиёсий конфликтологиянинг умумий муоаммолари	4	4	2	2				
2.	Сиёсий низоларнинг динамик турлари ва ўзгариши. Сиёсий низоларнинг мафкуравий омили	4	4	2	2				
3.	Сиёсий конфликтларнинг психологик омили. Ижтимоий конфликтлар ва сиёсий инқилоблар	6	6	2	4				
4.	Сиёсий конфликтология ва халқаро муносабатларнинг муаммолари. Халқаро конфликтларнинг типологияси ва моҳияти.	6	6	2	4				

**НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙМАШГУЛОТЛАРМАЗМУНИ**

5.	Халқаро конфликтларни тинч йўл билан ҳал қилишда музокара жараёнининг роли. Халқаро ҳуқуқ ва халқаро конфликтлар.	8	6	2	4		2
	<b>Жами: 30 соат</b>	28	26	10	16		2

### **1- мавзу. Сиёсий конфликтологиянинг умумий муоаммолари.**

Конфликтология фанинг вужудга келиши. Конфликтологиянинг парадигмалари. Сиёсий конфликтологиянинг умумий муоаммолари. Сиёсий конфликт ижтимоий ҳодиса сифатида.

### **2-мавзу: Сиёсий низоларнинг динамик турлари ва ўзгариши. Сиёсий низоларнинг мафкуравий омили.**

Сиёсий низоларнинг динамикаси, турлари ва ўзгариши. Сиёсий низоларнинг мафкуравий омили. Этно – сиёсий конфликтлар. Эсколация тушунчаси ва унинг моҳияти.

### **3-мавзу: Сиёсий конфликтларнинг психологик омили. Ижтимоий конфликтлар ва сиёсий инқилоблар.**

Сиёсий конфликтларнинг психологик омили. Ижтимоий конфликтлар ва сиёсий инқилоблар. Сиёсий конфликтлар ва терроризм. Сиёсий конфликтларни ҳал қилиш технологиялари.

### **4-мавзу: Сиёсий конфликтология ва халқаро муносабатларнинг муаммолари. Халқаро конфликтларнинг типологияси ва моҳияти.**

Сиёсий конфликтология ва халқаро муносабатларнинг муаммолари. Халқаро конфликтларнинг типологияси ва моҳияти. Халқаро конфликтларнинг ривожланиши жараёни ва тузилиши. Қуролли конфликтлар ва халқаро хавфсизлик. Халқаро конфликтларни тартибга солишининг йўллари ва шакллари.

### **5-мавзу: Халқаро конфликтларни тинч йўл билан ҳал қилишда музокара жараёнининг роли. Халқаро ҳуқуқ ва халқаро конфликтлар.**

Халқаро конфликтларни тинч йўл билан ҳал қилишда музокара жараёнининг роли. Халқаро ҳуқуқ ва халқаро конфликтлар. Қуролли конфликтларни ҳуқуқий тартибга солиш. Конфликтларни ва инқирозларни ҳал этишда халқаро ташклотларнинг роли. Жаҳон сиёсатида барқарорлик ва тинчлик омили.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihalar echimi bўyicha daliillar va aсосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар echimini topish қобилиятини ривожлантириш).

## **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратирлан максимал балл-**0,8балл.**

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2016.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-23 жиллар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-104 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasи 07-12-2016.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -48 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
7. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
8. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
9. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геоэкономика, geopolитика, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
10. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;
11. Сурмин Ю. П. Теория систем и системный анализ: Учеб. пособие. — К.:МАУП, 2013.
12. ; Козырев Г.И. Введение в конфликтологию. Высш. учеб. заведений. М.: Гуманит. изд. Центр ВЛАДОС, 2000.;
13. Атоян А.Д. Конфликтология. Москва, 2005;
14. Зеркин Д.П. Основы конфликтологии. М., 2011;
15. Ратников В.П. Конфликтология. Вопросы и ответы. М., 2014.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

16. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
17. [www.edu.Uz](http://www.edu.Uz)
18. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
19. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
20. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)


## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна:** “Сиёсий конфликлар” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.




## **Тадқиқот объекти ва унинг ташқи мұхити ҳақидағи билимни когнитив (билимга оид, мақсадлы) структуралаш**

Базисли омилларни танлаш **PEST-тахлил** йүли билан үтказилади, тадқиқот объекти хулқ-авторини белгиловчы түртта ассоций омиллар (йұналишлар) гурухларга ажратилади (11-жадвал):

- Policy – сиёсат;
- Economy – иқтисод;
- Society – жамият (ижтимоий-маданий аспект);
- Technology – технология.

11-жадвал.

### **PEST - таҳлил омиллари**



Ҳар бир мураккаб объект учун унинг хулқ-атвори ва ривожланишини белгиловчи, аҳамиятли алоҳида тўплам мавжуддир.

**PEST-таҳлилни** тизимли таҳлил варианти сифатида кўриб чиқиш мумкин, яъни омиллар юқорида таъкидланган тўртта аспектга тегишилдири, умумий ҳолатда ўзаро мустаҳкам боғлиқдир ва жамиятнинг турли иерархияли (погонали) даражасини тизим сифатида характерлайди.

Ушбу тизимда детерминант алоқалар бор, улар иерархияли тизимнинг кўйи даражасидан юқори даражасига ҳамда қайта ва даражалараро алоқаларга йўналтирилган (фан ва технология иқтисодга таъсир қиласи, иқтисод эса сиёsatга таъсир этади). Омиллардан бирортасининг ўзгариши, ушбу алоқалар тизими орқали бошқаларининг барчасига таъсир этиши мумкин.

Бу ўзгаришлар объектнинг ривожланишига таҳдид қилиши ёки унинг муваффакиятли ривожланиши учун янги имкониятларни бериши мумкин.

**Кейинги қадам** – муаммонинг вазиятли таҳлили, **SWOT-таҳлилларидир** (12-жадвал):

- Strengths – кучли томонлари;
- Weaknesses – камчиликлари, заиф томонлари;
- Opportunities – имкониятлари;
- Threats – таҳдидлар.

## SWOT - таҳлил омиллари

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОБЪЕКТНИ ТАВСИФЛАШ



ТА  
Объектнинг  
ривожланиш  
имкониятлари  
ва таҳдидлар

иҷтимоий -  
иқтисодий  
объектнинг  
ривожланиши

ИЧКИ ОМИЛЛАР  
Объектнинг  
кучли ва  
зайф



ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОБЪЕКТНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҲИШ



ОБЪЕКТНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ИЧКИ ВА  
ТАШҚИ ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИР ЭТИШ  
ДАРАЖАСИ ҲАҚИДА ХУЛОСАЛАР



У ўрганилаётган объект ривожланишининг кучли ва заиф томонларини **имконият** ҳамда **таҳдид** билан ўзаро ҳамкорликдаги таҳлилни қамраб олади ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда унинг муаммоли соҳалари, танг жойлари, имконият ва хавфнинг долзарбилигини аниқлаш имконини беради.

**Имконият** – объектнинг муваффақиятли ривожланишига ёрдам қилувчи вазият сифатида белгиланади.

**Таҳдид** –вазият бўлиб, унда объектга зарар етиши, масалан, унинг фаолият кўрсатиш ҳолати бузилиши ёки у мавжуд устунлигидан маҳрум бўлиши мумкин.

Ўрганилаётган объектнинг кучли ва заиф томонларини хавф-хатар ҳамда имкониятлари билан мумкин бўлган биргаликдаги таҳлили асосида унинг **муаммоли майдони** шакллантирилади.

**Муаммо майдони** – моделлаштирилаётган объект ва атроф- муҳитдаги, бир-бири билан боғланган мавжудликдаги муаммолар мажмуасидир.

Бундай маълумотнинг бўлиши мақсадни (йўналтирилган) ривожлантириш ва амалга ошириш йўллари, ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши белгилаш учун асосдир.

Вазиятли таҳлилни ўтказиш асосидаги когнитив моделлаштириш ажратиб олинган муаммоли минтақадаги хавф-хатарни пасайтириш бўйича қарорларнинг муқобил вариантларини тайёрлашга йўл беради, моделлаштирилаётган объектнинг ҳолатига оғир таъсир этиши мумкин бўлган воқеаларни прогноз қилиш имконини яратади.

### **“Бумеранг” технологияси**

**Мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

#### **Амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақика давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади. .
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гурух аъзоларини ўқилган

маълумот ҳакқида фикр алмашиниш имконятини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.

3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гурухларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларининг хар бири ўқиган маълумот ҳакқида фикр алмашиниш имконятини беради. Бу вазифа учун 10 дақиқа вақт берилади.

4. Барча дастлаб шаклланган гурухларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмашинган маълумот юзасидан бошқа гурухларга бериш учун савол шакллантиради.

5. Ҳар бир гурухдан 1 киши савол беради, ва тўғри жавоб учун 1-3 гача балл қўйилади.

6. Тренер-ўқитувчи барча гурухлар тўплаган балларни умумлаштириб, голиб гуруҳни эълон қиласди.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**“Бумеранг” технологияси асосида вазифа:** Олинганди материални мазмунини тушуниб олишга харакат килинг, сўнг гуруҳда мухокама қилинг

<b>I- гурухга вазифа</b>	<p>Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштирса, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскрипти тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиш керак. Videotasmanning бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга оширса бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида;</li><li>- “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб;</li><li>- “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириши орқали</li></ul>
<b>2- гурухга вазифа</b>	<p>Слайд-шоу. Фотолентадан шуниси билан фарқ қиласди, унда суратлар фотофильм режимида мустақил равишда варагланади. Суратлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз билан биргаликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эфектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинганди суратлар ёки архив кадрлари, ҳужатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиши учун керак.</p>

<p><b>3- гүрухга вазифа</b></p>	<p>Аудиослайд-шоу – замонавий сабаб журналистиканиң мультимедия визуаллык яратылган фотоиллюстрациялаштиришининг синтетик варианти бўлиб, мустақил жсанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдимоти учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзиб олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта наширётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида мусиқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, ташқи шовқин, овозли эфект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган суратлар, ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, карикатуранлар ва ҳ.к. олиниши мумкин.</p>
<p><b>4-гүрухга вазифа</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишда, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишида уларнинг масштабини кўрсатишда актуалдир.</li> <li>- Интерактив фото – шундай фотографияки, унга маҳсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.</li> </ul>

### III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1- 1-МАВЗУ: Сиёсий конфликтологиянинг умумий муроаммолари.

##### **РЕЖА:**

- 1.1. “Сиёсий конфликтлар” тушунчасининг мазмун-моҳияти.
- 1.2. Конфликтларни бошқариш ва назорат қилиш технологиялари
- 1.3. Конфликтларни ҳал қилиш босқичлари

**Таянч иборалар:** Сиёсат, сиёсий жараён, сиёсат таркиби, сиёсат шакли, элиталар, гурухлар, манфаатлар, мафкуралар.

##### **1.1. “Сиёсий конфликтлар” тушунчасининг мазмун-моҳияти**

Конфликтлар, зиддиятлар, қарама-қаршиликлар сиёсий жараёнлардаги ўзгаришларнинг манбаи деб тан олинган. Бироқ ҳокимият учун курашдаги тарангликларни камайтириш, сиёсий жараёнлардаги бекарорликнинг олдини олиш зарурати сиёсатда конфликтларни бошқариш ва назорат қилиш технологияларини Кўллашни тақозо этади.

Конфликтлар сиёсат субъектлари ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқади. Жамиятнинг турли ижтимоий қатламлардан ташкил топганлиги, уларнинг дунёҚарали, қадриятларининг бир-бирига мос келмаслиги натижасида конфликтлар юзага келади. **Конфликт** раҚобатнинг бир кўриниши бўлиб, унда ҳокимият билан боғлиқ ваколатлар ва ресурсларга эгалик Қилиш истагида бўлган икки ёки ундан ортиқ томонлар (шахс, гурух, давлат) бир-бири билан раҚобат Қилади.

Сиёсат субъектлари конфликтларнинг олдини олиш, уларни назорат қилиш истагида унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади. Конфликтларни чуҚур ўрганган конфликтолог-олимларнинг фикрича, конфликтлар Қуйидаги таркибий Қисмлардан иборат бўлади:

- **конфликт манбаи,** баҳслашаётган томонлар ўртасидаги келишмовчиликнинг асл моҳияти;
- конфликтнинг келиб чиҚишига туртки бўлган **сабаблар**, томонларнинг ўз маҚсад-манфаатларини ҳимоя Қилиш билан боғлиқ фаол ҳаракатига сабаб бўлган омиллар;
- ҳокимият ваколатлари ва ресурслари учун курашаётган **томонлар**;
- раҚобатлашаётган субъектларнинг Гоялари, маҚсадлари, уларнинг **Қарашлари ва позициялари**;
- томонларнинг бир-бирига таъсир кўрсатишда кўллаган **воситалари, ресурслари**;
- раҚобатлашаётган томонларнинг муносабатларини ўзида ифода этган **конфликтнинг табиати**.

Конфликтларнинг таркибий Қисмларини бир-биридан ажратиб ўрганиш уларнинг асл моҳиятини чуҚурроҚ тушуниш имконини беради. Олимларнинг фикрича, конфликтлар - томонларнинг раҚобатли ўзаро таъсири бўлиб, улар ўз кўриниши, кўлами ва шиддати билан бир-биридан фарҚ Қилади. Конфликт турларига **яширин** (латент) конфликтларни киритиш мумкин. Бунда субъектларнинг бир-бирига қарама-қаршилиги уларнинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлмайди. Қарама-Қаршиликнинг латент шакли шуни кўрсатадики, сиёсий жараёнлардаги турли манфаатлар тўқнашуви ва сиёсий кучлар ўртасидаги раҚобат доимо ошкора конфликт билан тугамайди.

Лекин **ошкора** конфликтларда томонлар раҚиб устидан Ғалаба Қозониш йўлида барча куч ва имкониятларини сафарбар этади. Уларнинг ўзаро раҚобати бошҚа сиёсат субъектларининг манфаатлариغا ҳам дахл Қилиши мумкин. Аввалига икки томон раҚобатлашиб, кейинчалик уларнинг баҳсига бошҚа субъектлар ҳам қўшилса, улар конфликтнинг иштирокчилариға айланади. Айрим ҳолларда конфликт ва баҳсларни ҳал Қилиш маҚсадида ташҚаридан бошҚа субъектлар, ҳакамлар ҳам жалб Қилинади. Натижада, конфликт янада мураккаблашади.

Конфликтни бошҚариш ва ҳал этиш технологиялари конфликтнинг туб моҳиятини ўрганишни таҚозо этади. РаҚобатлашаётган томонларнинг кўплиги, кишиларнинг Қадриятларида тафовутлар мавжудлиги, томонлар конфликтдан фаҚат Ғолиб ёки мағлуб бўлиб чиҚиши мумкин деб ҳисоблашлари, конфликт бошҚа субъектларнинг ҳам манфаатлариға зиён етказиши конфликтни жадаллаштирувчи омил ҳисобланади. Томонлар ўртасидаги Қарама-Қаршилик энг юҚори чўҚҚига етганда, конфликтни бошҚариш ва ҳал Қилиш имконияти Қолмаганда, у **инҚирозга** айланади. ИнҚироз конфликтни келтириб чиҚарганлар учун ҳам, бошҚалар учун ҳам оғир оқибатга олиб келади. РаҚобат Қуролли тўқнашувга айланиб кетиши, ҳалқаро муносабатларда вужудга келган инҚироз эса глобал тус олиши мумкин.

Ҳозирги кунда бир қанча омиллар кескин сиёсий курашларни келтириб чиҚаради. Шулардан бири - сиёсат субъектлари ўртасида ваколатлар ва ресурслар таҚсимланиши билан боғлиқ тафовутдир. Масалан, элита ва контэрэлитанинг маҚомидаги фарҚ, ҳокимият идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари муносабатларидағи таранглик, давлатлараро муносабатдаги келишмовчиликлар конфликт келтириб чиҚаради. Бундай конфликтни ҳал Қилиш учун раҚобатлашаётган томонларнинг позицияларини ўзгартириш, ҳокимият идораларининг уларга доир фаолиятини Қайта қўриб чиҚиши талаб этилади.

Кишиларнинг манфаати, дунёҚараси, Қадриятлари, позициялари ўртасидаги фарҚ - конфликтни келтириб чиҚарувчи яна бир омилдир. Бундай конфликтлар, одатда, давлатнинг бошҚарув шаклини ўзгартириш, сиёсий тизимни модернизациялаш арафасида турган давлатларда юзага келади. Бу ҳолатда турли Ғоя, маслак ва мағкураларнинг тўқнашуви ҳам конфликтларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай конфликтларни ҳал Қилиш мураккаб. Зеро, ўтиш даврида либерал ёхуд консерватив Ғояларнинг тарафдорлари

ўртасидаги қарама-қаршилик мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига дахлдор бўлади.

Сўнгги вақтларда олимлар томонидан «инсоний талабларнинг Қондирилиши» назарияси илгари суримоқда. Унга кўра, инсонларнинг ҳаётй талаблари Қондирилмаслиги оқибатида конфликт пайдо бўлади. Бу Ўоя тарафдорлари Қуйидагиларга эътиборсизлик конфликтларга сабаб бўлиши мумкин, деб биладилар: инсоннинг моддий аҳволи, хавфсизлигининг таъминланганлиги, ахлоқий етуклик даражаси ва ҳоказо. Фуқароларнинг бу талабларини Қондириш учун давлат ўз фаолиятини муентазам равишда такомиллаштириши лозим.

Инсоннинг ўзгалар манфаати ва Қарашларини нотўғри тушуниши оқибатида ҳам конфликт келиб чиқиши мумкин. Бунда инсон нафақат бирорнинг нуқтаи назарини тушунмайди, балки уни ўзича талқин Қиласи. Натижада, киши ўз рақиби фаолиятининг фақат салбий жиҳатларини кўради. Шу сабабли, баъзан йўқ жойдан ҳам конфликтлар чиқиши, мавжуд конфликтлар эса чуқурлашиб кетиши мумкин. Афсуски, сўнгги вақтларда конфликтни келтириб чиқарувчи омиллар глобаллашув, ахборотлашув, урбанизация, миграция сингари жараёнлар туфайли яна ҳам кўпайди.

Конфликтларни назорат қилиш ва бошқариш технологияларини танлашда унинг турини аниқлаш талаб этилади. Сиёсий фанда конфликтлар Қуйидагича туркумланади. Содир бўлган **худудига кўра**, ички ва ташқи сиёсий конфликтлар ажратилади. Булар ҳам, ўз навбатида, турли зиддият ва келишмовчиликларга ажратилади. Масалан, ҳалқаро конфликтларнинг «уруш арафасида кучлар нисбати» (давлатни ён босишига мажбур Қилиш мақсадида унга бошқа давлат томонидан айб қўйилиши); «душманлик кайфиятини оқлаш» (бир давлатнинг рақиб давлатга нисбатан амалга ошираётган иғвогарлик фаолиятини оқлашга уриниш) каби кўринишлари мавжуд.

Меъёрий тартибга солиниши нуқтаи назаридан, конфликтлар **институтлашган ва институтлашмаган** турларга бўлинади. Бунда турли ижтимоий гурухлар, тузилмалар, шахсларнинг мавжуд сиёсий ўйин Коидаларига Қанчалик амал Қилиши эътиборга олинади.

Сиёсий конфликтни **сифат кўрсаткичларига кўра** фарқлашда муаммони ҳал Қилишга Қанчалик кўп инсонлар жалб Қилинганлиги, уларнинг воқеалар ривожига Қай даражада таъсир кўрсата олишларига эътибор берилади. Бу турдаги конфликтлар ҳам ўз навбатида туркумланади: кишилар онгига чуқур ўрнашган ва чуқур ўрнашмаган; «натижаси нолга тенг конфликтлар» (томонлардан бирортаси албатта Ғолиб ёки мағлуб бўлиши шарт); «натижаси нолга тенг бўлмаган конфликтлар» (ўзаро келишув имкониятининг мавжудлиги); «манфий кўрсаткичли конфликтлар» (конфликтнинг барча иштирокчилари мағлуб бўлади); «антагонистик» (конфликтни ҳал Қилиш учун томонлардан бири албатта, йўқ Қилиниши шарт, деб ҳисобланади) ва «антагонистик бўлмаган конфликтлар».

**Жадаллигига кўра** конфликтлар эскаллашган (томонлар бир-бирига Қарши куч ва Қурол ишлатади) ва жадаллиги паст конфликтлар (ошкора душманлик кайфиятининг йўқлиги) ажратилади. Бундан ташқари,

конфликтларни **ошкоралигига** кўра ҳам фарқлаш мумкин. РаҚобат Қилаётган субъектларнинг ҳаракатлари ҳаммага маълум бўлганида ошкора конфликт, томонлар бир-бири билан раҚобат Қилаётганида яширин воситаларни Қўллашга ҳаракат қилганида яширин конфликт ҳақида гап кетади.

**Давомийлигига** кўра узоҚ ваҚт давом этадиган ва ҚисҚа ваҚт давом этадиган конфликтлар кузатилади. Баъзан конфликт жуда ҚисҚа ваҚт давом этиб, тез орада ҳал Қилинади (масалан, бирор вазирнинг ахлоҚсиз ҳаракатлари учун ишдан олиниши), айrim ҳолларда эса конфликтлар бир неча авлод умри давомида кечади (Исройл-Фаластин можароси).

Давлат бошҚаруви тузилишига кўра, вертикал (маҳаллий ва марказий ҳокимият ўртасидаги) конфликт ва горизонтал (бир элита таркибиға кирган кишилар, бир партия аъзолари ўртасидаги) конфликтларни ажратиш мумкин.

## **1.2. Конфликтларни бошқариш ва назорат қилиш технологиялари**

Сиёсий воқелик конфликт иштирокчилари ва унга жалб этилганлар конфликтни бошқаришга, уни назорат қилишга ҳаракат қилишлари ҳақида гувоҳлик беради. Аслида, конфликтни назорат қилиш уч босқичда амалга оширилади:

- конфликтни келтириб чиқарувчи сабабларнинг олдини олиш, воҚеалар ривожини кузатиб бориш;
- конфликтни жадаллаштирувчи омилларни аниҚлаш ва уларни бартараф этишга йўналтирилган ҳаракатларни белгилаш;
- конфликтда куч ишлатилишининг олдини олиш, зиддиятларнинг ҳал қилиниши Қийин бўлган конфликтга айланиб кетишига йўл қўймаслик, конфликт натижасида юзага келиши мумкин бўлган инҚироз ва фалокатлардан жамиятни омон сақлаш.

Конфликтни бошҚариш унинг обьектларига маҚсадли таъсир кўрсатишни назарда тутади. Бироқ бу жараён конфликтни шунчаки йўналтириб туриш билан чекланмай, маҚсадга эришиш йўлида анчагина меҳнат қилишни, кўп ресурсларни талаб Қилади.

Конфликтни бошҚариш маҚсадида рақобатлашаётган томонларга таъсир кўрсатиш субъект танлаган моделга боҒлиҚдир. Конфликтологияга доир адабиётларда «инженерларча ёндашув» модели алоҳида ажратилади. Унга кўра, конфликт вазиятнинг шунчаки ўзгариши бўлиб, бу жараёнга айrim «тузатишлар» киритиш мумкин. Бунинг учун конфликт иштирокчилари ва унинг структурасига таъсир кўрсатилади.

Конфликтни бошҚаришга «инсонпарвар ёндашув» тарафдорлари раҚобатлашаётган томонларни бир-бирига яҚинлаштириш, улар ўртасида келишувга эришиш, бу жараёнга четдан холис кузатувчиларни жалб этиш лозимлигини уҚтирадилар. Конфликтни бошҚаришнинг бошҚа моделларида бошҚарув субъекти ҳал Қилувчи роль ўйнаши зарурлиги таъкидланади. Яъни, томонлар бошҚарув субъекти Қабул Қилганadolatli Қарорга бўйсунишлари талаб этилади. Амалиётда кўпинча бу моделлар уйГунлаштирилиб, шу тариқа

конфликтларни бошқариш ва уларни назорат Қилиш технологиялари ишлаб чиқлади.

Таъкидлаш жоизки, конфликтларни бошқариш технологиялари мақсадига кўра фарқ Қилади. Бундай технологиялар орасидан Қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- конфликт туғдириш (конфликтли вазиятдан усталик билан фойдаланиб Қолиш мақсадида рақибига қарши узлуксиз равища можаролар қўзгаш, мавжуд зиддиятларни кескинлаштириш);
- конфликтни Кўллаб-Қувватлаш, яъни томонлар ўртасидаги қарама-қаршиликдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш мақсадида бундай носоғлом вазиятни сақлаб Қолишга интилиш;
- конфликтдан огоҳ Қилиш, яъни конфликтнинг очиқдан-очиқ кураш ва кескин тўқнашувларга айланиб кетишига йўл Қўймаслик;
- конфликтларни юмшатиш, яъни давлатга, халқга, ўзига зиёни тегмаслиги учун кескинликни буткул ёки Қисман юмшатиш;
- конфликтни ҳал этиш, яъни конфликт янада авж олиб кетмаслиги учун вазиятни ўзгартириш, уни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш;
- масъулиятни соқит этиш, яъни конфликтни ҳал этиш мажбуриятини бошқа субъектларга юклатиш (масалан, маҳаллий даражадаги конфликтни ҳал этишни марказий давлат идораларига юклаш).

Мазкур технологиилар ичida конфликтни юмшатиш ва уни ҳал Қилиш технологиялари кенг тарқалган. Бу технологиилар ёрдамида яширин кечеётган конфликтга ошкора тус берилади. Чунки юзага келган вазиятни тўла тасаввур Қилиш, кутилмаган конфликтлар чиқиб Қолишининг олдини олиш учун барча жараёнларни назорат Қилиш даркор. Конфликтни ҳал этишда қуйидаги тамойилларга таянилади: босқичма-босқичлик; кескин муносабатларни доимий юмшатиб боришга интилиш; қарама-қарши томонлар ўртасида коммуникатив алоқани йўлга Қўйиш; томонларни ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришга ундаш.

Конфликтолог-олим Р.Даль конфликтларни самарали ҳал Қилиш учун: музокара ўтказиш ва келишувга эришишга йўналтирилган доимий институтларни ташкил Қилиш лозимлигини; томонлар ўзларининг контрагентлари ҳақида маълумотга эга бўлиши зарурлигини; конфликтни тинч йўл билан ҳал қилиш учун музокараларга четдан холис кишиларни жалб Қилиш зарурлигини уқтиради.

Конфликтни ҳал Қилиш стратегиясини ишлаб чиқида уларни келтириб чиқарган ташқи ва ички омилларни ҳам эътиборга олиш зарур. Бунда, хусусан, қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этади:

- сиёсий тизимнинг «очиқлик даражаси» (давлат билан жамият тузилмалари ўртасида зарурий мулоқот ўрнатилганлиги даражаси);
- конфликтга киришган гурӯҳ аъзоларининг ички жипслиги ва ўзаро муносабатлари;
- турли ижтимоий қатлам вакилларининг конфликтга жалб этилганлик даражаси;

- раҚобатлашаётган тарафларнинг ҳис-туйғуларга берилганини, ўз хатти-харакатларини назорат Қила олиш даражаси.

Конфликтни бир томоннинг ҳаракати билан бартараф этиш ёхуд ҳал қилиш мумкин эмас. Конфликт икки ёқлама ҳаракатни тақозо этади. Яъни, конфликт ҳал этилгач, унинг шартларини ҳар икки томон истисносиз Қабул Қилиши шарт. Шундагина, қарама-қарши томонлар ўртасида яхши алоҚалар йўлга қўйилади.

### **1.3. Конфликтларни ҳал қилиш босқичлари**

Конфликтни самарали ҳал қилиш учун уларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш босқичларини белгилаб олиш зарур. Чунки ҳар бир босқичда ўзига хос вазифаларни бажариш талаб этилади. Албатта, конфликтни ҳал қилиш босқичларини ажратишнинг ягона мезони бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли томонларнинг хатти-харакати, конфликт чиҚан ваҚт ва зиддиятларнинг табиатига Қараб конфликт босқичлари ажратилади.

Масалан, россиялик олима М.М.Лебедева Қуролли конфликтни ҳал этишнинг Қуйидаги босқичларини ажратади: куч ишлатишни тўхтатиш босқичи; музокараларни бошлишга тайёргарлик кўриш босқичи; музокара босқичи; мажбуриятларни бажариш босқичи. Бошқа олимлар конфликтни ҳал этиш жараёнларини институтлашув, гурухлар тузилишининг легитимлашуви ва соддалашув босқичларига ажратадилар (А.Чумиков). Институтлашув жараёнида томонлар ўзаро келишиб оладилар. Натижада, улар келишилган ягона меъёрларга амал Қила бошлайдилар, бу эса конфликт жараёнида воқеалар ривожини олдиндан қўра билиш имконини беради. Иккинчи босқичда бу меъёрлар давлат идоралари ва жамоатчиликка ошкор этилади. Учинчи босқичда эса раҚобатлашаётган гурухлар ўз гурухи номидан иш кўриш учун бир вакил танлайди. Учинчи босқичда конфликт анча юмшаб, уни ҳал Қилиш имкониятлари кенгаяди. Албатта, конфликтни бу тарзда босқичларга ажратишда уни ҳал этишнинг асосий жиҳатларига ургу берилади.

Конфликтнинг **пайдо бўлиш, ривожланиш ва тугалланиш** босқичларини ҳам ажратиш мумкин. Конфликтнинг пайдо бўлиш босқичида фикрлари, қарашлари бир-бирига тўғри келмаётган томонлар ўртасидаги муносабат кескинлашиб, улар ўзаро раҚобат Қила бошлайдилар. Бу ҳолатда воқеалар ривожи Қандай кечиши мумкинлигини аниқ билиб бўлмайди. Конфликтни назорат Қилиш ва бошқаришга интилаётган субъект бу босқичда конфликт келиб чиҚишининг асл сабабини аниқлаши лозим. Конфликтга киришган томонлар келишмовчиликнинг асл сабабларини яширишлари туфайли вазиятни чуҚур таҳлил Қилиш бироз Қийинлашади.

Конфликтни бошқарувчи субъект зиддиятли вазиятнинг асл сабабини излар экан, сабабни баҳонадан ажратиб олиши зарур. Зоро, конфликтнинг асл сабабини аниқлаш сиёсий кескинлик манбанини аниқлаш имконини беради. Француз конфликтологи Ж.Фаве айтганидек, бу ҳолда ҳокимият уч йўлдан бирини танлайди: конфликтни эътиборга олмай, унинг авж олиб кетишига йўл Қўяди, ёки ахолининг кўнглини қолдирмаслик ниятида

конфликтнинг асл сабабини яширади, ёхуд конфликтни зудлик билан ҳал Қилишга киришади. Бунда субъект конфликт кечишининг тахминий сценарийсини тузиб чиҚиши, томонлар Қандай ҳаракат Қилишлари мумкинлигини чамалаб қўриши, музокараларни Қандай олиб бориш зарурлиги ҳаҚида ўйлаб қўриши талаб этилади.

Вазиятнинг бошланғич таҳлили давомида кўп нарса маълум бўлади: субъект ҳар икки томонга бирдек муносабатда бўладими ёки улардан бирортасига ён босадими, вазиятни юмшатишга ҳаракат Қиладими ёки аксинчами, деган саволларга жавоб топилади. Субъект қарама-қарши томонлар амал Қилиши шарт бўлган меъёр ва Қоидаларни ишлаб чиҚиши зарур. Конфликтларни бошҚаришга интилаётган субъект, аввало, раҚиб томонларни Қонун доирасида ҳаракат қилишга мажбур этиши лозим. Конфликтни бундай институтлаштириш натижасида унинг ижтимоий хавфи анча пасаяди. Субъект конфликтларни бошҚаришга интилар экан, томонларнинг ҳаракатларини мунтазам равишда чеклаб бориши лозим.

Ҳокимият идоралари конфликтларни ҳал Қилишга техник жиҳатдан ҳам тайёргарлик қўришлари лозим. Яъни, улар таклиф Қилинаётган эксперталарнинг малакасини текшириб қўришлари, ахборот-таҳлил марказлари билан ўрнатилган алоҚанинг ишончлилигини синаб қўришлари, конфликтга жалб Қилинган тузилмаларнинг ўзаро алоҚаларини йўлга Қўйишлари зарур. Бу вазифаларни ҳал қилишда ҳокимият ресурслари ва имижи билан ҳисоблашиш даркор.

Конфликтларнинг **ривожланиши** босҚичида ҳокимият вакиллари ўз ҳаракатлари доирасини кенгайтириб бориши талаб этилади. Бу босҚичда раҚобатлашаётган томонлар ва уларнинг тарафдорлари мавжуд барча имкониятларини ишга соладилар. Айнан шу босҚичда конфликтга сабаб бўлган можаро кенгайиб ёки торайиб кетиши, унинг иштирокчилари сони ортиши ёхуд камайиши, конфликтнинг жадаллиги Қай даражада эканлиги, четдан воситачига эҳтиёж бор-йўқлиги маълум бўлади. Шундай Қилиб, конфликтни назорат Қилиш учун кузатиб борилиши зарур омиллар сони ортади.

Конфликтни бошҚаришга Қарор Қилган субъект ошкора ва сир тутилган ахборотлардан хабардор бўлиши шарт. Бунда ёлғон ахборотларга қарши курашиш талаб этилади. Чунки конфликт иштирокчилари асл маҚсадларини яширади. Ваҳоланки, нотўғри ахборотларга таянган ҳолда иш ташкил этиш ҳокимият идораларини мақсаддан чалғитади, конфликтни самарали ҳал қилишга ҳалақит беради.

Ахборот олиш имкониятлари ортиб борган сари ҳокимият идоралари конфликт иштирокчиларининг асл Қиёфаси ва жамиятда шаклланган имижи ўртасидаги фарҚни яҚҚол кўради. Конфликтни бошҚараётган субъект томонларнинг позиция ва тактикаларини ҳам қиёслаб қўриши фойдадан холи эмас. Конфликтни келтириб чиҚарган барча макро- ва микро- омилларни ўрганиш натижасида унинг жадаллиги даражаси, авж олиш ёки сўниб боришга мойиллиги аниҚланади. Таҳлил асосида Қилинажак ишлар белгилаб олинади.

Лекин субъект илож қадар куч ишлатиш чораларини Кўлламаслиги мақсадга мувофиқ. Чунки куч ишлатилгани сари конфликтнинг давомийлиги ортиб бораверади. Шу сабабли субъект қарама-қарши томонларни бир-бирига яҚинлаштиришга, уларни музокара йўли билан келиштиришга чорлаши лозим.

Тажрибанинг кўрсатишича, конфликт иштирокчилари ҳиссиётга берилгани сари зиддиятлар ҳам ортиб бораверади. АйниҚса, Қадриятлар, ғоялар тўқнашуви натижасида келиб чиҚҚан конфликтда бу нарса яҚҚол кузатилади. Бундай конфликт иштирокчилари Ғалаба ёки мағлубиятни ўзининг шахсий Ғалабаси ёки мағлубияти сифатида қабул қиласди.

Конфликтнинг **яқуний** босқичи конфликтнинг ҳал қилиниши билан тугайди. Конфликт иштирокчиларини яраштириш учун зиддиятларни юмшатиш, конфликтга сабаб бўлган омилларни бартараф этиш талаб этилади. Бу жараёнда конфликт ўз-ўзидан сўниб Қолиши ҳам мумкинлигини ҳисобга олиш зарур. Бунга баҳс мавзуси долзарблигининг йўҚолиши, сиёсий субъектларнинг чарчаши, ресурсларнинг тугаши сабаб бўлиши мумкин.

Конфликт поёнига етганини томонларнинг ваҚтинча ёки тамомила ярашганларида кўриш мумкин. Бундай натижага Қуйидаги усуllар билан эришиш мумкин:

- томонларнинг ўзаро келишуви, бир-бирига ён босиши, конфликт даврида бир-бирларни тушуниб, хурмат Қилиши, томонларни яраштириш учун Қабул Қилинган янги Қарорларга бўйсуниши;
- мажбурлаш, бошқача айтганда, маъмурий усул ёрдамида томонлардан бирини раҚибига ён босишига ундаш. Одатда, бу усул томонлардан бири иккинчисидан заифроҚ, ресурслари нисбатан камроҚ, мавқеи пастроқ бўлганида қўлланади. Бунда раҚибни буткул мағлуб этиш йўли билан тинчликка эришилади.

Конфликтни ҳал Қилишнинг кенг тарқалган усули - **томонлар манфаатини ҳисобга олган ҳолда, музокаралар орқали уларнинг келишувига эришишdir**. Мутахассисларнинг фикрича, музокара натижасида келишувга эришиш учун томонлар ярашишга тайёр бўлиши керак. Музокара жараёни «ён бериш - яҚинлашиш» доирасида амалга оширилади. Музокара давомида иштирокчилар бир-бирининг фикрлари, давъолари, шартларини эшитишади. Айнан музокара жараёнида томонлар конфликтни ҳал Қилишнинг энг мақбул усулини топиши мумкин. Шунингдек, музокара давомида томонлар ўз қарашларини жамоатчиликка маълум Қиласди, натижада «орқадан пичоҚ санчиш» каби усуllарга барҳам берилади.

Музокаранинг муваффақиятли яқунланиши кўп жиҳатдан томонларнинг стратегияси ва тактикасига боғлиқ бўлса-да, ҳозирги вақтда музокара олиб боришининг Қатор тамойиллари ишлаб чиҚилган. Мутахассисларнинг фикрича, музокара ижобий тугаши ва томонларнинг манфаати Қондирилиши учун:

- конфликтни келтириб чиқарган муаммоларни бартараф этиш;
- томонлар ўз принципларига эмас, балки мавжуд зиддиятларни ҳал қилишга эътибор беришлари;

- муаммони ҳал Қилишнинг муқобил варианларини ишлаб чиҚиш;
- кучлар нисбатини объектив баҳолаш;
- партиявий ва мағкуравий позицияларда бироз чекиниш талаб этилади.

Музокара давомида раҚибга дўҚ-пўписа, даҒдаҒа Қилиш конфликтни янада кучайтириб юбориши мумкин. Музокарани бошлишдан аввал томонлар унда кўтариладиган масалаларни, музокарани Қаерда ўтказиш мумкинлигини ва кимларни таклиф Қилиш лозимлигини келишиб олишлари мақсадга мувофиқ. Конфликтни ҳал Қилиш жараёнида томонларнинг тинчлик йўлида Қилган ҳаракатларини эътиборга олиш мухим. Тажриба шуни кўрсатадики, музокара жараёнинг оммавий ахборот воситаларини таклиф Қилиш ижобий натижага бермайди, чунки, бундай сұхбат давомида томонлар кескинроқ фикрлар билдиришади.

Музокара тугагач, унинг натижаларини жамоатчиликка тўғри етказиш лозим. Акс ҳолда кишилар ярашувни мағлубият деб тушунишлари ва конфликт қайтадан авж олиб кетиши мумкин. Музокара олиб бориш технологиясини яхши ўзлаштирган субъектларнинг конфликтни назорат Қилиш, уни самарали бошқариш, сиёсий соҳадаги қарама-қаршиликларнинг олдини олиш имкониятлари кўпаяди.

## **2-МАВЗУ: Сиёсий низоларнинг динамик турлари ва ўзгариши. Сиёсий низоларнинг мафкуравий омили**

### **РЕЖА:**

- 2.1. Сиёсий низоларнинг динамикаси, турлари ва ўзгариши.*
- 2.2. Сиёсий низоларнинг мафкуравий омили.*
- 2.3. Этносиёсий конфликтлар*
- 2.4. Конфликтнинг юзага келиш, ривожланиши ва якунловчи босқичлари*

**Таянч иборалар:** Сиёсий низолар, динамика, мафкура, этносиёсат, конфликтлар.

### **2.1. Сиёсий низоларнинг динамикаси, турлари ва ўзгариши**

Сиёсий конфликтлар манбаларини назариётчилар ёки бўлмаса ижтимоий омилларда кўрадилар. Ноижтимоий омилларга бир турдаги ҳайвонлар орасидаги душманлик ва инсон агрессивлиги орасидаги ўхшашликка асосланувчи сиёсий кескинлик шаклларининг турлича талқини киритилади. Бироқ, замонавий фанлар кишилар юқори даражада айнан конфликтларга майли бор деган назарияларни тасдиқламадилар.

Ижтимоий конфликтнинг тўғри тушинилиши биринчи навбатда унинг асоси бўлган ижтимоий қарама-қаршилик моҳиятини англашни талаб қиласди.

Ижтимоий омилларнинг етакчи ролини тан олиш сиёсий конфликтлар табиатини аниқ очиб беради. Бундай таърифни беришда сиёсий конфронтация асосида ётган уч асосий сабаб кўрсатилади. Биринчи навбатда – бу сиёсат субъектлари мақомлари, уларнинг белгиланган вазифалари ва функциялари, ҳокимиётдаги манфаат ва эҳтиёжлари, ресурсларнинг етишмаслиги белгилаб берувчи ижтимоий муносабатларнинг турли шакллари ва аспектларини келтириш мумкин. Сиёсий конфликтларнинг ушбу объектив манбалари ҳукмрон қатлам ва контролита, муайян кучлар манфаатларини ифода этувчи ва давлат бюджети қисми учун кураш олиб борадиган босим кўрсатувчи турли гурухлар, шунингдек, ҳокимиёт тизимининг барча сиёсий субъектлари орасида юзага келади.

Бундай турдаги конфликтларнинг ташқи танглигини пасайтириш одатда, нисбатан осон кечади. Бироқ, турли шаклда сиёсий ўйинга жалб этилган томонларнинг конфликтоген диспозицияси манбаларини фақат ислоҳотлар орқали бартараф этиш мумкин.

Сиёсий конфликтларнинг иккинчи асосий манбаига кишиларнинг (гурухлар ва уюшмалар) асосий қадриятлар ва сиёсий ғоялар, тарихий ва долзарб воқеаларга баҳолар, шунингдек, сиёсий жараёнлардаги субъектив

аҳамият касб этувчи бошқа тасаввурлардаги конфликтларни киритиш мумкин. Бундай конфликтлар, одатда, жамиятнинг янги сиёсий тизими шаклланаётган, ижтимоий инқироздан чиқиши йўллари изланадаётган, давлатчиликни ислоҳ қилиш йўллари борасида турлича фикрлар тўқнашувчи мамлакатларда юзага келади. Бундай конфликтларни ҳал этишда муросага келиш ғоятда мураккаб.

Сиёсий фанларда сиёсий конфликтларнинг учинчи асосий манбасига ижтимоий ва сиёсий тизимларда ўз ўрнини англашга қўмак берувчи, ижтимоий, этник, диний ва бошқа умумийлик ва уюшмаларга фуқароларнинг мансублиги қаралади. Конфликтларнинг бундай тури, биринчи навбатда, кишилар ўзларини янги давлат фуқаролари сифатида англаб етишларида, ҳокимият билан муносабатларда ўзларига ёт бўлган ноанъанавий меъёрларга кўнишилари лозим бўлган бекарор жамиятларга хос.

**Сиёсий конфликтлар турлари.** Сиёсий жараёнларда кечётган ўзгаришлар хусусиятлари, бошқарув тизими эволюцияси суръати ва ўйналишлари устун бўлган сиёсий конфликтлар турига бевосита боғлиқ. Сиёсий фанларда конфликтларни қуидаги асосларбўйича таснифлаштириш қабул қилинган:

- *намоён бўлиш соҳаси ва нуқтаи назаридан*. Бунда асосан турли инқироз ва қарама қаршиликларнинг қатор кўринишларига ажратиладиган ташқи ва ички сиёсий конфликтлар кўрсатилади. Масалан, ҳалқаро конфликтлар орасида қуидаги турлар – бир давлатнинг иккинчи давлатга нисбатан рақиб курашишга қараганда ён босиши умидида талаб ва даъволарни илгари сурувчи «уруш арафасида мувозанатлаш» (Д. Даллес); юзага келган вазиятдан фойдаланган ҳолда душманга нисбатан номувофиқ талабларни илгари суриш орқали эҳтимолдаги душманга қарши иғвогарона фаолиятини амалга оширишни назарда тутувчи «душманликни оқлаш» (Р. Лебоу).

Сиёсий конфликтларнинг ўзига хослиги шундаки, унда сиёсий кучлар жамият ёки ҳалқаро майдонда сиёсий таъсир учун кураш олиб борадилар. Умуман, сиёсий конфликтларни ички сиёсий ва ташқи сиёсий (давлатлараро) турлари фарқланади. Давлат ва жамиятдаги сиёсий ҳаётнинг моҳияти шундаки, унда ўзининг сиёсий манфаатларини амалга оширишга курашуви кишилар (синфлар, сиёсий гурӯхлар, партиялар, миллий ва диний ташкилотлар, ҳ.к.) курашадилар. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ўзида маълум бир сиёсий кучларни манфаатларини ҳимоя қилишга, мустаҳкамлашга ва эришилган натижаларни ҳимоя қилишга, ривожлантиришга, сиёсий мувозанатни таъминлашга қаратилган ҳокимиятий муносабатлардан иборат бўлади.

Конфликтлар доирасини тадқиқ этиш чоғида қайсиdir турга мануб бўлган конфликтларни яна бир-биридан фарқ қилувчи (баъзан эса бир-бирини тўлдирувчи) классификацияларга ажратиш мумкин.<sup>1</sup> Шулардан миллатлараро конфликтларга таалуқли бўлган айrim қарашларини келтириб ўтмоқчимиз:

**“Бошқарилиши қийин бўлган ҳис-ҳаяжонли” конфликтлар.** Гап

<sup>1</sup> Глухова А. В. Политические конфликты : основания, типология динамика (теретико-методологический анализ).М.,2000 С 57.

қирғин ва түрлөлөнлөр тусидаги конфликтлар ҳақида бормоқда. Бундай конфликтлар учун тартибсиз ҳолатлар “ташаббускор” лари мақсадларининг баъзи ҳолларда ноаниқлиги ва бошқалар у ёқда турсин “ташаббускор”лар учун ҳам содир бўлаётган воқеаларнинг ўзлари кутмаган даражадаги оқибатлари характерлидир. Бундай конфликтларда ташқи омиллар кўпинча ҳаракатлантирувчи қуч сифатида намоён бўлади. Бироқ улар конфликт содир бўлаётган жойда қатнашмасдан ташқи субъектлигича қолаверади. Бундай ҳолатларга 1989 йилда содир бўлган Фарғона воқеаларини, 1991 йил 16-17 январда талабалар шаҳарчасилаги нохушликларни, ёки бўлмаса Қирғизистон, Украина ва Грузияларда бўлиб ўтган турли ҳил ранглар билан ном олган “инқилоблар” (чунки биз буларни ҳақиқий инқилоб деб айта олмаймиз) ни мисол келтиришимиз мумкин.

## **2.2. Сиёсий низоларнинг мафкуравий омили.**

*“Мафкуравий” конфликтлар.* Бундай конфликтлар муайян тарихий шароитга эга бўлган сиёсий, миллий ва диний ҳаракатларнинг амалий фаолиятлари билан боғлиқ. Одатда маълум бир давлат ёки минтақадаги миллий талаблар стихияли тарзда эмас, балки ижобийми ёки салбий, бўлишидан қатъий назар муайян мафкуравий асослардан кейин шаклланади. Шунинг учун мафкуравий ҳарактердаги бундай конфликтлар муддати кўпинча узок муддатгача кескин тарзда давом этади. Ўша кескинликларнинг орқасида маъмурий-худудий бўлинишига оид тортишувга, давлат ёки маъмурий мақомини олиш масаласи ва шу каби муаммолар туради. Узок вақтлардан бери давом этиб келинаётган курдлар, Кашмир, Яқин Шарқдаги муаммолар бундай конфликтларга мисол бўла олади.

Ноаниқ чегарлар, давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларда, шунингдек, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаолиятида учраб турадиган конфликтлар ушбу конфликтлар қамровига киради.

Мазкур бўлим охирида яна бир бор таъкидлашни лозим топдикки, конфликтлар типологияси бир қарашда умумий хulosалардек кўринади. Негаки маълум бир конфликтнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта типларга мансуб бўлиши табиий эканлигини унутмаслик керакки, конфликтларни типларга ажратишдан мақсад бу содир бўлиб ўтган ёки бўлаётган воқеа-ҳодисани тадқиқ этишнинг бошланғич нуқтасини топишдан иборатdir. қолаверса, назарий ва амалий жиҳатдан конфликтлар типологияси ўрганиш конфликтларни бартараф этишдаги бошланғич омил эканлигига қараб унинг юзага келиниши, ривожланиб бориши ва муҳтасар ҳолатидан баҳс этишимиз мумкин.

Конфликтларнинг яна бир қизиқарли типологиясини Игель универитети профессори Роберт Даљ берган. Унинг фикрича конфликтлар қўйидагича бўлинади:

- 1) биполяр (икки томонлама) ва мультиполляр (кўп томонлама)-конфликтга киришга томонлар миқдорига кўра
- 2) коммулятив ва кесишувчи-конфликт иштирокчилари ўхшашликлари ва фарқларидан келиб чиқиб
- 3) иштирокчи қарама-қаршилиги даражасидан келиб чиқиб кутублашув

ёки бўлиниб кетишига олиб борувчи конфліктлар

Шу асосида америкалик конфліктолог Роберт Даљ қўйидаги жадвални ишлаб чиқади:

Конфліктлар	қарама-қарши жуфтликлар	қарама-қаршиликлар даражаси	
		қуий	юқори
Кумулятив (кучайтирувчи)	Доимий биполяр (икки томонлама)	Мўътадил биполярлик	қутубланиш
Кесишувчи	Ўзгарувчи	Мўътадил кесишувчи конфліктлар	Мўътадил сегментация (бўлак, қисм)

Қутубланиш деганда Р.Даљ жамиятнинг икки, бир-бирига қарама-қарши гурухга ажralиб кетиши ва улар ўртасидаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини назарда тутади.

Сегментация-жамиятнинг ўзаро низовлашувчи қатор, қатlam ва гурухларга бўлиниб кетиши назарда тутилади.<sup>2</sup>

Талабалар инобатга олишлари зарурки, у ёки бу хусусиятларга эга бўлган конфліктлар муайян сиёсий жараёнларда турлича, масалан айrim ҳолларда мусобақалашиш ва ҳамкорликдан тортиб, то қарама қаршилик, муросасизлик, антогонистик шаклларида бўлиши мумкин.

### 2.3. Этносиёсий зиддиятлар.

Бугун миллатлараро зиддиятларни ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан ҳал этиш жаҳон ҳалқларини, айниқса полиэтник давлатларни безовта қилаётган глобал муаммолардан биридир. Жумладан, Англияда Ольстер, Францияда Корсика, Испанияда Каталония, Италияда Жанубий Тиролия, Бельгияда Фламандия, Хитойда Уйғур автоном тумани ва Тибет, Болгарияда турклар, Туркияда курдлар миллий низоларга, сиёсий-ижтимоий тўқнашувларга сабаб бўлиб келади. Собиқ СССРнинг тарқалиши билан унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил давлатларда, айниқса тоталитар тузум тазиёки остида бўлган Югославия, Руминия, Венгрия, Чехословакияда миллатлараро тўқнашувлар авж олди. Ҳаттоки, энг ривожланган АҚШдек давлатда ҳам миллий-этник муаммолар мутлақ ҳал этилмаган. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, “этник ўзликни англашнинг ўсиши яна узоқ вақт давомида ҳозирги дунё сиёсий тараққиётининг динамикасини белгилаб беради”.<sup>i</sup>

<sup>2</sup> Конфликты и консенсус . 1996 № 3-4 стр. 1324

Миллатлараро зиддиятлар бу – миллий-этник жамоалар ёки улар вакиллари ўртасидаги зиддиятлардир. Миллатлараро зиддиятлар ўзининг типологик хусусиятига қўра энг аввало ижтимоий характерга эга. Унинг субъекти бўлиб аниқ бир қўпмиллатли давлатда, ижтимоий тизимда манфаатлари бир бирига зид келиб қолган турли этник жамолар ҳисобланади. Айни вақтда миллатлараро зиддиятлар сиёсий аҳамият касб этади. Чунки, ҳеч бир миллат ёки этник гурух ўзининг сиёсий ташкилоти ва ўз давлатчилигисиз шаклланмайди ҳамда ривожланмайди. Шунинг учун ҳар қандай миллатлараро зиддиятларнинг орқасида маълум бир сиёсий кучлар ёки давлатлар манфаатлари ётади. Ҳозирги кунда дунёда миллатлараро зиддиятлар тобора ижтимоийлашиб бормоқда ва у миллий, ижтимоий-сиёсий зиддиятлар сифатида намоён бўлмоқда. Бугунги кунда дунёning турли нукталарида юз берадиган миллатлараро зиддиятлар заминида қўпмиллатли давлатларда кичик этник жамоа ҳисобланаётган миллатларнинг аввало, ўз мустақил давлатчилигини шакллантириш ёки этник ватандошлари билан бирлашишга бўлган интилиш ётибди. Бунга мисол қилиб этник зиддиятлар кучайиб кетиши натижасида парчаланиб кетган собиқ Югославияни ёки Россия, Туркия, Грузия, Азарбайжон каби давлатларни келтириш мумкин.

Олимлар миллат, этник гурух каби тушунчаларга турли хил ёндашадилар. Айримлар этник гурухлар ўзаро қўшилиб, ривожланиб секинаста миллатлар шаклланган деган фикни илгари сурадилар. Айрим олимлар эса бир этник гурухнинг парчаланиши натижасида миллатлар вужудга келган деган фикрни билдирадилар. Америка миллати англосакслар, испанлар, немислар, яхудийлар каби кўплаб этник гурух вакилларидан шаклланган. Лекин, тарихда унинг аксини ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, араблар ва турклар кўплаб ҳозирги Осиё ва яқин шарқдаги миллатларнинг, славянлар эса рус, украин, белорус, серб, хорват, поляк каби миллатларнинг шаклланишига асос бўлган. Демак, тарихий шарт-шароитдан келиб чиқиб этник гурухлар бирикиши натижасида ҳам миллатлар шаклланиши ёки катта бир этник гурухнинг парчаланиб кетиши натижасида ўзига хос ижтимоий жараёнлар асосида ҳам миллатлар шаклланиши мумкин экан.

Миллат ва этнос тушунчалари бир биридан кескин фарқ қилсада, шаклланиш жараёнлари, белгилари, ўзаро алоқалари қисман бир бирига ўхшайди. Этнос бу – бир географик иқлим шароитида яшаган кишилар жамоасидир. Масалан, Кавказликлар, Осиёликлар ва ҳ.к. Миллат эса бу – ижтимоий-тарихий вазият туфайли маълум бир ҳудудда узоқ вақт бирга яшаган ва ўз сиёсий давлатчилигини шакллентириши натижасида, турмуш тарзи, урф-одатлари, қадриятлари, тили, маданияти, эътиқоди умумий бир бўлган одамларнинг катта жамоасидир. Қисқа қилиб айтганда миллат - бу кишиларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий жамоасидир.

Миллий – этник зиддиятлар ўзининг узоқ тарихига эга. Унинг кичик кўриниши қадимги даврдаги қабила ва уруғлар ўртасидаги зиддиятлар бўлиб у унчалик даражада ҳалокатли эмас дейиш мумкин. Ҳозирги пайтдаги миллий-этник низолар нисбатан инсоният ва унинг келажаги учун анча хатарлироқдир.

Чунки ҳозирда ўртача энг кичик миллат беш юз миндан бошланади ва энг катталари миллиардан ошиб кетади ҳамда улар ўзига хос замонавий қирғин қуролларга эга эканлигини инобатга олсак унинг қай даражада эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Унданда даҳшатлиси миллий-этник зиддиятларни ўз ичига олуви динлараро ва конфесиялараро зиддиятлардир. Ушбу зиддиятлар бошқаларига нисбатан кенг қўламлиги, шафқатсизлиги, кўп қурбонлар бўлиши, узоқ вақт давом этиши мумкинлиги билан бошқаларидан кескин ажралиб туради. Масалан, ўтмишда христианнланинг мусулмонлар устига “Салб юриши”, Котоликлар ва протестанлар ўртасидаги ўзаро урушлар ва ҳ.к. Замонавий миллий-этник зиддиятлар яъни миллий этник харакатларнинг намоён бўлиши 19 аср ва 20 аср бошларига тўғри келади. Европада у миллий давлатларларнинг шаклланиши ва ҳозирги миллатларнинг вужудга келиши билан боғлиқдир. Осиёда ҳалқларнинг мустамлакачилардан озод бўлиш учун кураши шаклида (Хиндистон, Эрон, Афғонистон), Америкада ҳам Испания ва Англияга қарамлигидан қутилиш кўринишида намоён бўлган. 19 асрда вужудга келган кўпгина миллий – этник зиддиятлар бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Масалан, Курдистон миллий ҳаракати. Улар 1 жаҳон уруши якунларига бағишланган Версаль конференциясида миллий мустақиллик талаби билан чиққан эдилар. Лекин ҳозиргача у нарса амалга ошгани йўқ бўлсада, ўртада миллий-этник низолар кучайиб бормоқда. XX аср бошларида инглизлар томонидан Фаластин худудида ташкил этилган “Еврейлар миллий худуди” натижасида араблар ва еврейлар ўртасида ўзаро зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди ва у ҳозиргача давом этмоқда. Бошланишида ушбу зиддият этник характерга эга эди. Чунки, уларнинг ҳеч бири миллат даражасига эга эмас эди. Зиддият бу аввалиа этномиллий манфаатларнинг тўқнаш келганлиги бўлиб, ҳозирги пайтда кўпроқ худудий даъволарга ва шу асосда ўз миллий давлатчилигини шакллантиришга бўлаётган курашлар натижасида юзага келаётган муаммоларга бориб тақалмоқда.

Этно-миллий зиддиятлар қўпкиррали масалалардан бири бўлганлиги сабабли илмий адабиётларда муаллифлар турли хил нуқтаи-назарларни илгари сурғанлар. Хатто уларнинг айримлари бир бирига қарама қарши фикрлардан иборатдир. Уларда муаллифлар ўзларининг дунёқарашларидан келиб чиқиб миллатларнинг табиатига ва уларнинг мавжудлигига ўзларича баҳо берганлар. Масалан, бир пайтлар миллий ҳаракатнинг раҳбарларидан бири бўлган Ливия раҳбари М.Каддафи “Миллий бирликни ташкил этувчи ва сақлаб турувчи асос бу – миллий ўзликни англашдир”<sup>ii</sup> деб ёзган эди. Шу билан бирга дейди у ҳар бир миллат ягона бир динга эътиқод қилиши лозим акс ҳолда миллатлараро муносабатларда зиддиятлар келиб чиқиши муқаррар. Битта динга эътиқод қилувчи бир нечта миллатлар бир давлатда яшashi мумкин, агар жамиятда диний жиҳатлар миллийликдан юқори даражага қўйилса. Мабодо бир динга эътиқод қилувчи бир неча миллатлар бир давлат худудида яшаб келган бўлсаю, кейинчалик миллий жиҳатларга жамиятда эътибор кучайса, бу миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин ва у ҳар бир миллатнинг алоҳида давлат тузишга бўлган миллий ҳаракатларини

кучайишига олиб келади. Дарҳақиқат миллат бирлигининг асосини кўпроқ миллий ўзликни англаш ва ягона динга эътиқод ташкил этади.

Миллатлараро зиддиятлар табиати бир жамиятда яшаётган турли хил миллатларнинг ўзаро ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий, ижтимоий-маданий ва ўзаро кўпқиррали алоқаларининг қай даражада йўлга кўйилганлигига боғлиқ. Бир сўз билан айтганда миллатлараро зиддиятлар кўпроқ ўзаро миллий манфаатларнинг тўқнашувидан келиб чиқади. Миллатлараро муносабатлардаги зиддиятлар ўзаро алоқаларнинг йўқолишига, у эса миллий биқиқликка олиб келиши мумкин. Бизга маълумки миллий тараққиёт бошқа бир миллатлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик асосида ривожланади. Фақатгина ягона динга эътиқод қилувчи, маълум бир ижтимоий маконда узоқ йиллардан бери истиқомат қилувчи турли хил миллатлар ўртасидаги зиддияларга барҳам бериш ва ўзаро яқинлаштириш имкониятлари кенгроқ бўлади. Бунга Евropa Иттифоқига кирувчи давлат ҳалқларини мисол қилиб келтириш мумкин. Миллатлараро муносабатлардаги зиддиятли ҳолатлар кўпроқ бир миллат манфаатларининг иккинчиси томонидан камситилиши ҳисобига ўзиникини юқорига кўтаришга бўлган амалий ҳаракатлар натижасида вужудга келади. Бир жамиятда яшовчи турли хил миллатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, ҳукуқий, маданий, диний каби соҳалардаги вужудга келган ҳар қандай нотенглик ўзаро зиддиятларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Миллий манфаатларнинг камситилиши фақатгина ижтимоий соҳадагина эмас балки кундалик ҳаётнинг турли хил соҳаларида бўлиши мумкин. Турли хил миллатлар ўртасида хатто кичик бир англашилмовчилик орқали бўлсада юзага келган зиддият аста секинлик билан кенгайиб катта масштабга айланиб кетиши эҳтимоли мавжуд. Бунга манба бўлиб узоқ ўтмишдаги ноҳақликлар, яъни миллат яшаб турган ҳудуднинг босиб олиниши, натижада миллий қадриятларининг емирилиши ва унинг ўрнига бегона қадриятларнинг кириб келиши, улар айби билан экологик ифлосланиш, тилининг камситилиши каби омиллар ҳизмат қилиши мумкин. Умумий қилиб айтганда бир давлатда истиқомат қилаётган турли хил миллатлар ўртасида зиддиятлар бошланғич манбаси қандай бўлишлигидан қатъий-назар охир оқибат у миллатларнинг алоҳида ўз миллий давлатчилигини шакллантиришга қаратилган миллий, ижтимоий-сиёсий ҳаракатига айланиш эҳтимоли вужудга келади. Тарихда этник гуруҳлар ўзаро интеграциялашиб миллий жамоаларга бирикиб ягона сиёсий давлатлатчилигини ташкил этган ҳалқларни учратиш мумкин. Ушбу омил ўз навбатида миллий-маданий алоҳидалик муаммоларини келтириб чиқаради.

Кўпмиллатли жамиятни ташкил этувчи бир биридан айрим жиҳатлари билан ёки кескин фарқ қилувчи этник гуруҳлар, яъни жамиятдаги маҳаллий миллатлар ёки озчиликни ташкил этувчи майда миллатлар, турли хил миллий гуруҳлар, миллий ташкилотлар, элита кабилар миллатлараро зиддиятларнинг субъекти ҳисобланади. Улар ичida зиддиятларни келтириб чиқарувчи асосий омил сифатида миллий ҳаракатларни келтириш мумкин. Миллий ҳаракатлар миллатлараро муносабатлардаги зиддиятларнинг ўз фойдасига ҳал этишга қаратилган интилишлар натижасида шаклланиши ва ривожланиши мумкин.

Аввало миллий ҳаракатларга этник жамоаларнинг фаол қисмлари асос соладилар. Кейинчалик ўз позицияларини мустаҳкамлаш ва мақсадига эришиш учун аста-секин этник жамоаси вакилларини кенгроқ жалб этадилар. Кейинчалик янада каттароқ кучга эга бўлиш учун конфесиядошларини, диндошларини жалб этиши мумкин. Жумладан, Ҳиндистонда шундай ҳолат кузатилган эди. Яъни мусулмонлар, хинdlар ва синхлар ўртасидаги зиддиятлардир. Дастроб улар ўзаро бирикишиб инглизларга қарши мустакиллик учун курашдилар ва ўз мақсадига эришдилар. Шундан сўнг улар ўртасида манфаатлар тўқнашуви вужудга келиб зиддиятга айланди. Натижада ўзаро зиддиятлар давлатнинг парчаланишига олиб келди. Шу билан ҳам миллатлараро зиддиятлар барҳам топганича йўқ. Балки у янада ривожланиб бормоқда. Хатто, бир бири устидан ҳукмронликка эришиш учун халқ аҳволининг оғирлигига қарамасдан асосий маблағни қурол-яроғ ишлаб чиқаришга йўналтириб келди ва охир оқибат ядро қуролига ҳам эга бўлишди.

Миллий ҳаракатларнинг маънавий асоси бу – миллий ўзликни сақлаб қолиш ва англаш учун шакллантириладиган миллий ғоялардир. Миллий ўзликни англаш кўпчилик ҳолларда миллатчиликни ўзида мужассамлаштиради. Ўзида миллатчилик белгиларини намоён қилувчи миллий ғоя аниқ бир миллатнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига ҳизмат қилади. Ўтмишга назар ташласак миллатчиликнинг турли хил кўринишларини кузатиш мумкин. Масалан, Ҳиндистонда миллатчилик уч диний жамоа кўринишида намоён бўлган. Унга Ҳиндистон раҳбари бўлган Ж.Неру шундай баҳо берган: “Ҳиндистондаги “ҳақиқий” миллатчилик бошқаларидан шу жиҳати билан фарқ қиласиди, унда кичик жамоанинг манфаатлари ва позицияси эмас, балки кўпчилик ҳинд аҳолисининг руҳий ҳолати ва ҳулқ-атвори намоён бўлди”.<sup>iii</sup>

Коммунистик партия раҳбарлигига собиқ Иттифоқда ҳам миллатлараро зиддиятларни олдини олиш ва уларни яқинлаштириб қўшиб юбориш учун турли хил йўл ҳамда усуллардан кенг фойдаланилган. Жумладан, турли миллат ва элат вакилларининг яқинлашишига асосий тўсиқлардан бири бўлган динни инкор этиш учун унга қарши курашиш ва уни одамлар онгидан чиқариб ташлаш учун кенг қамровли аттеистик тарғиботни йўлга қўйдилар. Миллий худудий чегараланишни амалга оширедилар. Жаҳон афгор оммасини чалғитиши мақсадида гўёки миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга кенг эркинлик берувчи, ҳоҳлаган пайтда референдум йўли билан ўз мустақил миллий давлатчилигини шакллантиришга имкон берувчи 15 та республикадан иборат СССР деган давлатни ташкил этдилар. Собиқ Иттифоқда миллатларни ўзаро яқинлаштириш ва охир оқибат қўшиб юбориб ягона бир миллатни шакллантириш учун байналмиллалик тамойилидан унумли фойдаланилди.

Ўтган асрнинг 80 йиллари охири ва 90 йилларнинг бошида Иттифоқда юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммолар республикалар билан Марказ ўртасидаги, миллатлараро муносабатларда рус халқи, Россия халқлари ва маҳаллий миллатлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашишида намоён бўла бошлади. Унда миллатлар бир бирларини айблай бошладилар. Яъни

руслар бошқа миллатларни боқаётганлигини, улар ўз ўрнида Россияни боқаётганларини очиқчасига эътироф эта бошладилар. Мамлакатда иқтисодий инқироз, демократиянинг йўқлиги, миллий манфаатларнинг доимий равишда камситилганлигини бўрттириш ва республиканинг тезроқ мустақиллигига ва жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашишига эришиш учун айрим республикадаги миллий ҳаракатлар раҳбарлари тарихий омиллардан ҳам фойдаланишга уриндилар. Масалан, Болтиқбўйи республикалари миллий ҳаракат раҳбарлари кўпчиликка маълум бўлган “Молотов – Риббентроп пакти”ни Москва билан Берлин ўртасидаги Болтиқбўйи давлатларини босиб олиш бўйича ўзаро келишув деб баҳоладилар ва Россияни, рус халқини, қолаверса, рус тилида сўзлашувчи аҳоли вакилларига душман сифатида қарай бошладилар. Натижадада болтиқбўйи давлатларида мамлакат аҳолиси иккига ажралиб қолди. Биринчиси мустақил давлатда барча хуқуқ ва эркинликларга эга маҳаллий миллат, иккинчиси, фуқароликка ва бошқа хуқуқларга эга бўлмаган рус тилида сўзлашувчи аҳоли вакилларидан иборатдир. Бу жараён ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Ушбу омил давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳам салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Ваҳоланки, у мамлакатлар аҳолисининг сезиларли қисмини рус тилида сўзлашувчи аҳоли вакиллари ташкил этади. Жумладан, Эстония аҳолисининг қарийб 30 фоизга яқини айнан руслар ва рус тилида сўзлашувчи турли миллат ва элат вакилларидан иборатдир.

Бизнингча, болтиқбўйи республикаларида ва бошқа ҳудудларда миллатчилик рухида рўй берган миллий ҳаракатлар муаммолага қўйидагича ёндашиш асосида кескинлашган десак хато бўлмайди.

Биринчидан, собиқ Иттифоқдаги миллатлараро муносабатларга бутунлай нотўғри баҳо бериш ва ўз ўтмишини идеаллаштириш.

Иккинчидан, миллий-этник турфа хилликни мутлоқлаштириш орқали умумиттифоқдаги интеграцион жараёнларни кам сонли миллатларни йўқ қилишга қаратилган миллий сиёsat деб тушуниш.

Учунчидан, миллий ўзликни англаш ва миллий маданият тушунчаларини хаддан ташқари бўртириш билан бирга байналмиллаликнинг яратувчанлик аҳамиятини инкор этиш.

Тўртинчидан, рус халқини жамиятда юзага келган барча муаммолар, йўл қўйилган камчиликлар, миллатлараро муносабатлардаги нотенгликнинг асосий сабабчиси деб билиш ва бошқалар.

Ўзбекистонда ҳалқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданияти айниқса 80-йиллар охирлари ва истиқлолнинг дастлабки йилларида ёрқин намоён бўлди. Тоталитар тузум амалга оширган ғайримиллий сиёsat, қатоғонлар, сталинизмнинг шаклланганлиги машъум оқибатлари учун айрим миллий-этник ҳудудларда рус халқини айблаш пайдо бўлганида ўзбек ҳалқи рус халқининг ҳеч қандай айби йўқлигини рўй-рост айтди. Келтирилган кулфатларда рус халқининг ҳам бошқа миллат, ҳалқлардан кам зиён кўрмаганлигининг таъкид этиши ўзбек халқининг юксак сиёсий маданиятга эгалигини кўрсатади. Бу ўз навбатида мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришнинг муҳим шарти ҳам бўлди. Ўзбекистон

ўзининг этно-ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқди ва уни изчил давом эттироқда. Мазкур сиёсат негизида миллий ва умуминсоний қадриятлар, манфаатлар уйғунлиги ётади. Шу билан бирга у титул миллатнинг ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун маъсуллигини ҳам эътироф этади.

#### **2.4. Конфликтнинг юзага келиш, ривожланиш ва якунловчи босқичлари**

Конфликтнинг юзага келиш босқичи конфликтга мойил сиёсий субъектлар позициялари мос келмагандан, қарама-қарши томонлар орасида муайян баҳс ва рақобат предметини ифода этувчи кескинлик муҳити пайдо бўлган тақдирда юзага келади.

Конфликт йўналишини назорат қилишга уринган субъектнинг асосий вазифаси унинг асосий сабабларини, яъни иштирокчиларнинг асл мақсадларини очишдан иборат. Бунинг мураккаб томонларидан бири – ҳар бир томоннинг ракиб томонга нисбатан бўлган асосий сабабларини сир тутиши, яширишга интилиши билан белгиланади. Конфликтотен муносабатларнинг асосий сабабларини излаш мобайнида бошқариш субъекти воқеалар бошланишига туртки бўлувчи сабабдан ажратади.

Вазиятнинг дастлабки баҳоланишидан ҳокимият органлари рақобатлашаётган томонлар приаритетини сақлашга уринишлари ёки бирор бир томонни қўллаб қувватлаш орқали кескинликни камайтириш ёхуд юксалтиришга «ҳисса» қўшишлари, маълум бўлади. Бироқ, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳокимият рақобатлашаётган томонлар муносабатларининг меъёр ва қоидаларини белгилаб қўйиши орқали конфликтнинг институционаллашишига ва бу орқали уни назорат этишига уриниши лозим бўлади. Конфликтнинг институционаллашиши нафақат жамиятнинг ҳимояланишига ва давлат хавфсизлигининг таъминланишига, балки айни пайтнинг ўзида конфликтнинг ўз-ўзидан тугашига олиб келади.

Конфликтларни бартараф этишнинг стратегик ва тактик мақсадларини белгилаш орқали ҳокимият «техник» жиҳатдан: жалб этилаётган эксперт ва аналитиклар, ҳамда давлат бошқарувига жалб этилаётган мутахассисларнинг юксак малакали эканлиги; коммуникациялар ва жорий воқеалар ҳақидаги хабарларни таҳлил қилувчи марказларнинг ишончлилиги, уларнинг моддий жиҳатдан таъминланганлиги; конфликтларни бошқаришга жалб этилган ҳокимиятнинг турли қатламлари ва босқичлари орасида алоқаларни яхшилаш; ҳокимият институтлари тизимини воқеаларни самарали назорат қилишига мослаштириш; қатый равишда қуч ишлатиш механизmlари тайёрлигини текшириб кўриш каби тайёргарлик ишларини кўриши лозим. Мазкур чоралар мажмуи юқори қатлам қўлида мужассамлашган захираларга мос келиши, ҳамда ҳокимият имиджини, яъни аҳоли орасида конфликтлар устидан давлат назорат ўрнатганлигини таъминлаши керак бўлади. Шунингдек, мутахасислар томонидан конфликтларнинг бартараф этиш стратегиялари ва услублари бўйича бир қатор фойдали маслаҳатлар беришади. Конфликтларни бартараф этиш кўп босқичли жараён бўлиб, у ўзида вазиятни таҳлили ва баҳоси, конфликтларни бартараф этиш усулини танлаш, фаолият режасини

шакллантириш, уни амалга ошириш, ўзининг фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш кабиларни қамраб олади.

### **3-МАВЗУ: Сиёсий конфликтларнинг психологик омили. Ижтимоий конфликтлар ва сиёсий инқилоблар.**

#### **РЕЖА:**

- 3.1. Сиёсий конфликтларнинг психологик омили*
- 3.2. Ижтимоий конфликтлар ва сиёсий инқилоблар*
- 3.3. Сиёсий конфликтларни ҳал қилиши технологиялари.*

**Таянч иборалар:** феноменология, антропология, диний мифология, дин психологияси, дин социологияси, дин – ижтимоий ҳодиса.

#### **3.1. Сиёсий конфликтларнинг психологик омили**

Сиёсий конфликтлар мураккаб ижтимоий психологик ҳодиса ҳисобланиб, уларни турли жиҳатларига кўра таснифлаш мумкин.

Амалий нуқтаи назарга кўра конфликт классификацияси муҳимдир, чунки уларни ҳал этиш йўлларини баҳолашга қўмаклашади.

2.1. жадвалдаги ихтилофлар классификацияси умумий бўлиб, ихтилофлар турлари хилма-хил хусусиятларига кўра ажратилган.

Классификация асоси	Ихтилоф турлари	Умумий тавсиф
Ихтилофнинг намоён бўлиши соҳалари	Иқтисодий, мафкуравий, сиёсий турмуш, оиласи турмуш	Асосида иқтисодий қарама - қаршиликлар ётади. Асосида қарашлардаги иқтисодий қарама - қаршиликлар ётади. Асосида ижтимоий соҳадаги иқтисодий қарама - қаршиликлар ётади. Асосида оиласи турмуш муносабатлардаги иқтисодий қарама - қаршиликлар ётади.
Ихтилоф узоқ муддатлилиги ва кескинлиги	Қисқа мудали ихтилофлар	Шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари асосида юзага келади, томонларнинг

даражаси	<p>Ўткир узоқ муддатли ихтилофлар.</p> <p>Суст ифодаланган ва суст давом этувчи ихтилофлар.</p> <p>Суст ифодаланган ва тез давом этувчи ихтилофлар.</p>	<p>агрессивлиги Билан фарқланади. Чукур қарама - қаршиликлар мавжудлигига юзага келади.</p> <p>Ўткир бўлмаган қарама - қаршиликлар билан ёки томонлардан бирининг поссивлиги билан боғлиқ.</p> <p>Юзаги сабаблар билан боғлиқ бўлиб, эпизодик хусусиятга эга.</p>
Ихтилофли муносабатлар субъектлари	<p>Ички шахсий ихтилоф.</p> <p>Шахслараро ихтилоф. «Шахс-гуруҳ» ихтилофлари.</p> <p>Гурухлараро ихтилофлар.</p>	<p>Шахснинг қарама-қарши йўналган мотивларининг тўқнашуви билан боғлиқ.</p> <p>Икки шахс ихтилоф субъектлариридир.</p> <p>Бир томондан шахс, бошқа томондан гуруҳ.</p> <p>Кичик ижтимоий гурухлар – ихтилофлар субъектлари.</p>
Ижтимоий оқибатлар	<p>Конструктиви.</p> <p>Деструктив ихтилоф.</p>	<p>Бундай ихтилофлар асосида объектив қарама - қаршиликлар ётади.</p> <p>Асосида субъектив сабаблар ётади.</p>
Ихтилоф предмети	<p>Предметли конфликтлар</p> <p>Предметсиз конфликтлар</p>	<p>Аниқ предметга эга</p> <p>Предметга эга эмас ёки ихтилоф субъектлари учун ҳаётйи мухим предметга эга.</p>

### 3.2. Ижтимоий конфликтлар ва сиёсий инқилоблар.

Ижтимоий конфликт бу қарама - қарши йўналган мотивлар асосида ижтимоий муносабатларининг қарashi билан ҳарактерланадиган улар ўртасидаги муносабатдир.

Конфликт моҳиятини аниқлаш учун унинг асосий хусусиятларини ажратиш ҳамда унинг юзага келиши учун зарур шарт-шароитларни белгилаш мухим ҳисобланади. Бу ерда икки хусусиятини ажратамиз.

1. Конфликт доимо қарама - қарши йўналган мотивлар ва фикрлар асосида юзага келади. Бундай мотивлар ихтилофлар юзага келишининг зарурий шарт-шароитидир.
2. Конфликт – бу бир бирига зиён етказиш билан ҳарактерланадиган ижтимоий муносабатлар субъектларининг курашидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб конфликтлар юзага келишининг зарурий ва етарли шарт – шароитларини белгилаш мумкин. Бундай шарт-шароит

сифатида ижтимоий муносабатлар субъектларида қарама-қарши йўналган мотивлар ёки фикрлар мавжудлиги ҳамда улар ўртасидаги кураш ҳолати намоён бўлади.

Конфликт тузилишини схема тарзида кўрсатиш мумкин. (2.1-жадвал)

Конфликтларнинг асосий таркибий қисмларини белгилаш.

Конфликт томонлари –бу конфликт ҳолатида бўлган ҳамда конфликтдагиларни қўллаб-кувватловчи ижтимоий муносабатлар субъектиdir.

Конфликт предмети бу – шуки, у туфайли конфликт вазага келади?

Конфликтли вазият қиёфаси бу, ихтилофли муносабатлар субъектларининг онгida конфликт предметининг акс этиши.

Конфликт мотивлари – бу ижтимоий муносабатлар субъектларини ихтилофга ундейдиган ички кучлар ҳисобланади.

Конфликт томонлар позициялари – ихтилоф ёки музокара жараёни мобайнида бир-бирларининг баёноти.

### **3.3. Сиёсий конфликтларни ҳал қилиш технологиялари.**

Сиёсий конфликтлар юзага келишининг объектив асоси бу, ижтимоий соҳадаги қарама-қаршиликлардир. Ижтимоий соҳанинг асосий жиҳатлари:

- а) меҳнат, турмуш, дам олиш шарт-шароитларининг мажмуи;
- б) маданий имтиёз ва хизматлар имконининг даражаси;
- в) ҳаётни таъминлаш ва хавфсизлик кафолатлари;
- г) сиёсий кўчишлар ва ўз-ўзини англаш имкониятлари.

Сиёсий ихтилофлар чамбарчас равища давлатнинг иқтисодиёти ва сиёсати билан боғлиқ бўлиб, у ёки бу ижтимоий гурухларга мансуб бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва кафолатларининг тузилиши натижаси сифатида вужадга келади. Фуқароларнинг норозилиги. Мавжуд вазият билан қониқмасликлари кабилар сиёсий ихтилофлар намоён бўлишининг асосий шаклиdir.

Бу борада сиёсий ихтилофлар субъектларнинг фаол кураши кузатиладиган бошқа ихтилофлардан фарқ қиласи. Лекин, шуни таъкидлаш жоизки фуқароларнинг сиёсий соҳадагинорозиликлари сиёсий тусга, йўналишга айланиши эга бўлиши мумкин.

Сиёсий ихтилофлар – фуқаролар манфаатларининг поймол этилиши ҳамда уларнинг ижтимоий соҳадаги ҳуқуқ ва кафолатларининг бузилиши билан белгиланган фуқароларнинг ҳукумат билан курашининг ўзига хос шаклиdir.

Сиёсий ихтилофларни бошқариш мураккаб ва зиддиятли жараёнdir. Унинг асосий вазифаси бундай ихтилофларни башорат қилиш ва превентив олдини олишдан иборатdir. Сиёсий ихтилофни бошқаришдаги асосий рол ахборот – таҳлилий фаолият асосида илмий асосланган ижтимоий сиёсатни олиб борадиган сиёсий башқарув органларига тегишли. Энди умумийликдан хусусий масалага ўтадиган бўлсак.

Замонавий фан инсониятнинг тарихий ўтмишининг қаерига қарамасин, у конфликтни жамият тараққиётининг доимий йўлдоши эканлигига тўқнашади ва қаерда инсонлар бор экан, шу ерда конфликтлар ҳам кўз очади.

Илмий адабиётлардан конфликт тушунчаси турли хил маъно касб этади ва шу асосида турлича ёндошилади. Айнан шунинг учун ҳам “конфликт” тушунчасининг талқини ҳилма-хилдир. Айтиш мумкинки, барча инсоний ҳаёт фаолиятида конфликт содир бўлиши мумкин, ҳатто алоҳида шахс ҳам ўзида ички ҳолатида конфликтни, яъни конфликтли ҳислар ва эҳтиёжлар, ҳохиш билан меъёрларнинг тўғри келмаслик орасидаги курашларни таъкиқ этади. Қадимги грек донишманди ва файласуфи Гераклитнинг фикрича, “Адоват асосида дунё иморати ва ягона умум қонуният фалаккиётда ҳукмдор-бу “уруш”- барчанинг отаси ва барчанинг ҳукмдори”<sup>3</sup> деб ўткан фикрлари бежиз эмас.

Сиёсат субъектлари орасидаги муносабатлардан бири конфликт бўлиб, у ҳаётнинг ажралмас, таркибий қисмидир. Конфликт (лот. *conflictus* – «тўқнашув» маъносини англатади) – ижтимоий субъектларнинг қарама-қарши бўлган манфаатлари, позициялари, қадриятлари ва қарашларини амалга ошириш билан боғлиқ кураши сифатида қаралади<sup>4</sup>.

Сиёсатда ички қарама-қаршилиқ, конфликтлилик ғояси XIX асрдан бери фанга кириб кела бошлади. А.Токвиль, Г.Зиммель, К.Боулдинг, Л.Козер, А.Бентли ва бошқа назариётчилар конфликтни сиёсатнинг етакчи манбааси сифатида қараганлар.

Бошқа айрим тадқиқотчилар, масалан Э.Дюргейм, М.Бебер, Д.Дьюи ва бошқалар сиёсатни англашда конфликтни иккиласми ўринни эгаллаши, ҳамда унинг асосий ижтимоий қадриятларга бўйсундирилганлиги ҳақида фикр билдирадилар. Уларнинг фикрича идеал ва социомаданий қадриятлар бирлиги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва бошқарув режими барқарорлигини таъминлашга имконият яратиб беради. Шу муносабат билан аксарият тадқиқотчилар конфликтларни сиёсий жараёнлар аномалияси<sup>5</sup> сифатида қарашади. Сиёсат олдига эса, ўз навбатида, конфликтларга тўскинлик қилиш учун «ижтимоий бирдамлик» (Э.Дюргейм) ёки жамиятга «педагогик таъсир кўрсатиш»ни (Д.Дьюи) қўллаб-куватлаш мақсади қўйилади.

Ғарб социологияси ва сиёсатшунослигига ижтимоий конфликт ҳақидаги таълимотлар Э.Дюргейм, Г.Зиммел, Л.Гумплович, М.Вебер, В.Парето, Г.Моска асарларида илк бора ишлаб чиқилган. Г.Зиммел «Конфликт концепцияси» атамасини биринчи бўлиб илмий муомалага киритган<sup>6</sup>. У маданиятлар шаклининг юзага келиши ва алмашишини, маданиятлар мазмунни ва шакли орасида, «объектив» ва субъектив маданиятлар конфликтларни таҳлил қилиб, уларда конфликтларнинг доимий хусусияти мавжудлигини айтиб ўтади.

<sup>3</sup> А.В.Гутарёв Античная социальная утопия вопросы истории и теории Москва 1989г. стр.75.

<sup>4</sup> Краткий политический словарь // Абаренков В.П., Аверкин А.Г., Агешин Ю.А. и др.; Сост. и общ. ред. Л.А.Оникова, Н.В.Шишлина. – 3-е изд., доп. – М.: Политиздат, 1983. – С. 150

<sup>5</sup> Аномалия (гр. *anomalia*) – «меъёрдан оғиш, четга чиқиши», «ғалатилик» маъноларини англатади

<sup>6</sup> Современная западная социология. Словарь. М.: Издательство политической литературы, 1990. – С. 106

Адабиётларда берилган қатор таърифларда, «конфликт» тушунчаси, биринчи навбатда, қарама қаршилик ёки унинг асосий жиҳатларидан бири – томонларнинг кураши билан боғлайдилар. Масалан, америкалик конфликтолог Л.Козер, «конфликт – қадриятлар ва муайян мақом, ҳокимият ва ресурсларга дъзвогарлик учун бўлган кураш», деб таърифлайди. Америкалик бошқа конфликтолог К.Боулдинг эса, «конфликт – манфаатлар қарама қаршилиги ва тўқнашувининг англаб етилишини билдиради».

Р.Дарендорф «конфликт» деганда барча тузилмавий-яратувчанлик муносабатлари қарама-қаршилиги ни тушунади. Россияда чоп этилган «Краткий словарь по социологии»да, «конфликт – кишилар, ижтимоий гурухлар, ижтимоий институтлар, ва умуман жамият муносабати тизимидағи қарама қаршиликларнинг юқори босқичи», деб изоҳланади<sup>7</sup>. Шундай қилиб, «конфликт» тушунчаси фалсафий «қарама-қаршилик» тушунчаси билан бевосита боғлиқлигини кузатиш мумкин.

Конфликт назарияси янги йўналиш сифатида АҚШда тузилмавий функционализмдан (Т.Парсонс) фарқли равища юзага келди. Конфликтология фан сифатида биринчи маротаба Л.Козернинг «Ижтимоий конфликт функциялари», К.Болдингнинг «Конфликтнинг умумий назарияси», Р.Дарендорфнинг «Саноатлашган жамиятда синфлар ва синфий конфликтлар» каби асарларда илк маротаба илгари сурилган.

Конфликтларга бағишлиланган асарларнинг деярли барчасида унинг муҳим белгиларидан бири **манфаатларнинг қарама-қаршилиги** эканлиги таъкидланади. Жамиятнинг функционалистик модели тарафдорлари, «конфликтлар қарама-қарши гурухларнинг манфаат ва эҳтиёжларини ўзаро таъсири ва қониқтирилиши орқали уйғунликка эришиши мумкин бўлади», деган фикрни илгари сурадилар.

Ўз навбатида манфаатлар қадриятлар, мақсадлар, йўналишлар билан бевосита боғлиқ бўлади. Америкалик сиёsatшунос Д.Аптер, «конфликтларни таҳлил қилишда қадриятлар конфликтларини қандай қилиб манфаатлар конфликтларига ўзгартириш мумкинлиги энг муҳим масала ҳисобланади», деб таъкидлайди.

Америкалик тадқиқотчилар Р.Фишер ва У.Юри конфликтларни ҳал этиш йўлларини муҳокама этиб, «...позициялар ҳақида эмас, балки манфаатлар ҳақида фикр юритинг», «оқилона қарорга келиш учун позицияларни эмас, балки манфаатларни уйғунлаштириш зарур», деб айтадилар<sup>8</sup>. Фикрларини давом эттиар эканлар, улар «қарама-қарши позициялар ортида зиддиятлар билан бирга алоҳида ва ўзаро мақбул манфаатлар мавжуд бўлади», деб айтадилар<sup>9</sup>.

Шундай қилиб, манфаатлар – ижтимоий конфликтни таҳлил қилишда муҳим тушунча ҳисобланади.

Конфликтга нисбатан келтирилган таърифларда мақсад тушунчasi ётади. Шу боис айрим сиёsatшунослар конфликтларни мақсадлар тўқнашуви

<sup>7</sup> Краткий словарь по социологии. М.: Политиздат, 1988. – 42 с.

<sup>8</sup> Фишер Р., Юри У. Путь к согласию (перевод с английского). М.: 1992. – 56 с.

<sup>9</sup> Фишер Р., Юри У. Путь к согласию (перевод с английского). М.: 1992. – 58 с.

сифатида баҳолайдилар. Бироқ, конфликтда мақсад элементини инкор этиб бўлмайди. Конфликт – мақсадга қаратилган хулқ-атвор ва фаолият бўлганлиги боис у ёки бу даражада субъект онги билан боғлиқ. Манфаатлар, қадриятлар, мақсадлар қарама-қаршилигининг англаниб етилиши – конфликтнинг зарурий белгиси. Россиялик файласуф М.Руткевич: «... кишилараро қарама-қаршилик сифатида конфликтнинг белгиланиши манфаатлар қарама-қаршилигининг англаб етилган хусусияти сифатида кўрсатилиши зарур», деб ёзади<sup>10</sup>.

Сиёсий қадриятлар турли авлодлар томонидан турлича сингдирилади ва доимо реал сиёсий ўзгаришларга доимо сингдирилмайди. Шу боис мазкур жараён муқаррар равишда конфликтлар билан кечади. Боз устига ягона қадриятлар асосида қурилган ҳокимият институтлари ҳам доимо уларни ҳимоя қилмайдилар ва мустаҳкамламайдилар. С.Липсетнинг фикрича, «демократиянинг сиёсий институтлари нафақат консенсусга эришиш қуроли, балки кескинликни туғдириш ва конфликтларни кучайтириш воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин».

Амалда кишиларнинг реал сиёсий ҳамжамияти доимо уларнинг ҳам ҳамкорлиги, ҳам беллашувини назарда тутувчи ўзаро ҳамкорлиги орқали шаклланади. Сиёсий конфликт турли ижтимоий-сиёсий кучлар, сиёсат субъектларининг ҳокимият учун ва уни қайта тақсимлаш, ўз сиёсий мақомларини ўзгартириш, жамият ривожи сиёсий истиқболлари билан боғлиқ бўлган ўз манфаат ва мақсадлари амалга оширишга бўлган кураши, рақобати.

Конфликтларнинг умумий таърифини бериш, сиёсий конфликт таърифини аниқланишининг зарур аммо етарли бўлмаган умумий шартидир. Зеро, умумийни билмай туриб, хусусий, ўзига хосликни билиб бўлмайди. Ўзига хосликни тушунмай эса, биз ижтимоий ҳодисаларни муайян дунёсидаги ҳилма-хилликни билиш учун эшикларни ёпиб қўямиз.

Конфликтни таърифлашнинг умумий фундаментал белгиси - қарама-қарши манфаатлар билан белгиланган субъектларнинг ўзаро кураши. Умумий манфаатнинг бир-бирини инкор этувчи қарама-қаршиликларга бўлиниши қайси чегара бўйича ўтади, деган савол туғилади?

Конфликт агентлари (вакиллари) сифатида муайян ижтимоий субъектлар чиқади, айтайлик, иқтисодий маданий ва фаолиятининг бошқа кўринишларида.

Сиёсий фаолият ва муносабат субъектлари улардан тубдан фарқ қиласи. Хўш, улар қандай экан? Сиёсатда, одамлар ҳаракатини баҳолашнинг мумкин, маънавиятдан кескин фарқ қилувчи қадриятлари ва қирралари амал қиласи в.ҳ. Айтилган фикрлар сиёсий муносабатларни умуман, ва хусусан конфликтларни бир маъноли таърифлаш мушқуллигини асослайди. Немис хуқуқшуноси ва политологи Карл Шмитд (1888-1985 йиллар) “сиёсит” тушунчасини “дўст”-“душман” қарама-қаршилиги доирасида талқин этади. Сиёсат учун субъектни “дўст-душман” қатори бўйича амалий намоён бўлиши манбаи эвентуал (лат. *eventus*-ҳодиса; маълум бир вазиятда рўй бериши мумкин бўлган) конфликт

<sup>10</sup> Руткевич М. Социальный конфликт: философское измерение. Вестник Российской Академии Наук, июнь 1994, т. 64, 6. – 481 с.

бўлиб, у фавқулотда вазиятларда рўй бериши мумкин. “Дўст-душман” қарама-қаршилиги ўз табиатига кўра қонга ёки маънавиятга эмас, балки кундалик амалиётга тегишли. Халқлар“ дўст-душман” қарама-қаршилиги асосида бирлашадилар ва бу қарама-қаршилик К. Шмитд фикрича, “бугунги кунда мавжуд ва ҳар бир халқга реал имконият сифатида берилган”.<sup>11</sup>

Немис олими фақат қисман ҳақ: сиёсий конфликтда унинг энг кескин кўринишларида субъектлар ўзини “дўст-душман” сифатида ажратадилар. Аммо сиёсатнинг ижтимоий вазифаси-одамлар ҳамжамиятини бошқариш, унинг манфаатларини келишириш ва ифодалаш (артикуляция ва бирлаштириш), уларнинг шаклланиши, ҳимояси ва амалга ошиши воситаси бўлиб хизмат қилишдир. Сиёсий манфаатлар қарама-қаршилигининг вужудга келиши-қонуний, табиий ходисадир, гарчанд ҳар қандай йирик гурух (м-н, у ёки бу табақа) сиёсий фаолият субъекти сифатида чиқар экан ўз манфаатларини умумий манфаатлар сифатида тақдим этишга интилади. Шу интилишнинг ўзида зиддият яширган, негаки сиёсий жараёнда иштирок этувчи бошқа гурухлар ўз манфаатлари устунилигига даъво қилишлари мумкин.

Сиёсий конфликт - қандайдир мавҳум субъектлар тўқнашуви эмас, балки амалда мавжуд ижтимоий кучлар (агент) курашидир ва у етакчилар, элиталар, ташкилотлар, партиялар ва одамларнинг бошқа иттифоқлари ва уюшмалари тимсолида намоён бўлади. Сиёсий конфликт бу - ҳокимлик муносабатлари тизимидағи ўрни ва ролига кўра қарама-қарши сиёсий манфаатлар, қадриятлар, қарашлар, мақсадга эга субъектларнинг курашидир.<sup>12</sup> Сиёсий конфликт тушунчаси давлат ҳокимияти институтларида ва бошқарувда таъсирга эга бўлиш, ижтимоий – сиёсий аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишда иштирок этиш, манбаларни ва ресурсларни тақсимлашда қатнашиш, ўз манфаатлари якка ҳокимлиги ва уларни умумий деб қабул қилиш мумкин.

Умуман олганда сиёсий конфликт ўзаро ҳукмрон ваколат ёки ресурслар устидан баҳслашувчи икки ва ундан ортиқ томонларнинг (шахслар, гурухлар, давлатлар) рақобатона ҳамкорлиги шакли (натижаси) сифатида намоён бўлади. Конфликт – сиёсий субъектларнинг эҳтимолий ҳамкорлик шаклларидан бири. Бироқ, кишиларнинг ўз мақомларидан қониқмаслигини мунтазам равишда туғдириб турувчи, қарашлардаги тафовутлар ва ёндошувларнинг мос келмаслиги туфайли жамиятда юзага келувчи хилма-хиллик конфликтлик ҳолатни юзага келтиради.

Конфликтлар натижасида муайян субъектлар (институтлар) бошқа кучлар билан рақобатга киришиб, бошқа кучлар билан сиёсий коалициялар, иттифоқлар, битмлар тузиш орқали ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қиласадилар. Шу боис, сиёсий конфликтлар сиёсий ўйин иштирокчилардан ўз позицияларини аниқ шакллантиришни талаб қиласади. Бу эса бутун сиёсий

<sup>11</sup> Шмитд К. Понятие политического. Вопросы социологии. М.1992

<sup>12</sup> А. Я. Анцупов, А. И. Шипилов. Конфликтология М. 2003. стр.354

жараённинг самарадорилиги ва тизимлилигига ижобий таъсир кўрсатади.

С.Липсет ҳакли равища кўрсатиб ўтганидек, “Демократиянинг сиёсий институтлари нафақат келишувига эришиш, балки кескинликни кучайтиририш ва конфликтларни ошириш воситаси сифатида ҳам қўллаши мумкин”<sup>13</sup>.

Амалда одамларнинг сиёсий ҳамжамияти уларнинг ўзаро таъсирлари орқали шаклланиб, ҳам ҳамкорлик, ҳам рақобатни назарда тутади.

Шу маънода конфликтлар жамият ва ҳокимиятга мавжуд конфликтлар, қарама-қаршиликлар, мос келмаган фуқаролар позициялари ҳақида маълум қилиб, вазиятни назорат остига олувчи фаолиятни рағбатлантиришга, сиёсий жараёнларда юзага келган асабийликни бартараф этишга ундейди. Шу боис, талабалар, ҳокимиятдаги беқарорликлар ва жамият дезинтеграцияси конфликтлар юзага келганлиги учун эмас, балки масъулларнинг сиёсий қарама-қаршиликларни бартараф этишга қодир бўлмаганлиги, ёки ушбу коллизияларни<sup>14</sup> рад этиш сабабли пайдо бўлишини билишлари зарур. Немис олими Р.Дарендорф: инсон эркинлиги ва сиёсий танлаш эркинлиги «бошқарилувчи конфликт дунёсидагина мавжуд бўлади», деб қайд этади<sup>15</sup>. Шу сабабли конфликтларни мунтазам равища аниқлаш ва бартараф этиш жамият барқарор ва ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, сиёсий конфликтларнинг фақат айримларигина ҳақиқатан жамият учун бузгунчи аҳамият касб этади. Конфликтларни аниқлаш ва бартараф этиш сиёсий тизим яхлитлигини самарали ушлаб туриш, марказга интилевчи кучларни марказдан қочувчи кучлардан устунлигини сақлаб туриш имкониятини беради.

#### **4-МАВЗУ: Сиёсий конфликтология ва халқаро муносабатларнинг муаммолари. Халқаро конфликтларнинг типологияси ва моҳияти**

##### **РЕЖА:**

- 4.1. Сиёсий конфликтология ва халқаро муносабатларнинг муаммолари**
- 4.2. Халқаро конфликтларнинг ривожланиши жараёни**
- 4.3. Халқаро конфликтлар типологияси**
- 4.4. Халқаро конфликтларни тартибга солишнинг йўллари.**

<sup>13</sup> А. Я. Анцупов, А. И. Шипилов. Конфликтология М. 2003. стр.354

<sup>14</sup> Коллизия (лот. *collisio*) – «қарама-қарши қарашлар, интилишлар ёки манфаатлар тўқнашуви» маъноларини англатади

<sup>15</sup> Dahrendorf R. Life Changes: Approaches to Social and Political Theory. – Chicago: 1979. – 107 р.

**Таянч иборалар:** Сиёсий конфликт, халқаро муносабатлар, халқаро низо.

#### **4.1. Сиёсий конфликтология ва халқаро муносабатларнинг муаммолари**

Сиёсий конфликтологияда конфликтли вазиятни ечишнинг йўллари, ёндошувлар ва усувлари.

Конфликтли вазиятларда 2 хил хатти-ҳаракат амал қиласди:

А. Конфликтни ечишда бир томонлама фаолият (қадам);

В. Рақиб билан ҳамкорликдаги фаолият (музокара ва воситачилик йўли билан).

Бир томонлама фаолиятда иштирокчилар ўзларининг ҳаракатлари юзасидан келишишмайди ва бир-бирларидан мустақил равишда қарорлар қабул қиласдилар ва амалга оширадилар. Бир томонлама қадамда қуидаги хатти-ҳаракат варианларидан бири амалга оширилади:

- томонлардан бирининг ғалаба қозониши (ғалабага уриниш);
- рақиб олдиди таслим бўлганини тан олиш;
- конфликтли вазиятни тан олмаслик;
- хуқуқий инстанцияларга мурожаат.

Ғалаба қозонишга интилишда томонлар қарши курашга киришадилар, буни ўз вақтида К.Клаузевц яхши таърифлаган, агар рақиб бизнинг хоҳишимизга қарши бўлса, унда биз уни янада оғир вазиятга тушуришимиз зарур. Бунинг учун турли воситалардан, шу жумладан, ҳарбий ҳаракатлар, террористик актлар, иқтисодий блокада, сиёсий босим воситалари ва бошқалар. Бундай ҳолларда, одатда, ҳодисалар конфликтли вазиятнинг кучайишига ва базида ҳарбий қарама-қаршилик шаклига айланади. Кураш икки томон кучларининг батамом тўгашига қадар давом этиши мумкин.

Конфликтларни ечишнинг бундай ёндошуви нафиқат куч ишлатиш, вайрон этиш, иқтисодий заифликни, балки муаммони ечишнинг ўзида ҳам ҳавф туғдиради. Ғалаба қозонган ҳолатда томонлардан бирининг мақсад ва манфаатлари бошқасига тўғри келмайди. Бу муаммонинг ечилмаганлигини, ютқазган томоннинг норозилигига ва \*\*\* учун имконият излашга олиб келади. Бу эса янги конфликт учун асос бўладива доимий-барқарор тинчликни ҳавф остига куяди. Шунга ухшаш ҳавфли вазиятга АҚШнинг собиқ давлат маслахатчиси Киссенжер эътибор қаратган: «Агар иштирокчилардан бири муаммонинг ечилишидан қониқса, бу шундан далолатки, бошқа томон ёки бошқалар бундан умуман қониқмайдилар».

Бир томонлама ҳаракатни амалга оширишнинг бошқа бир ёндошуви конфликт иштирокчиларидан бирининг ҳеч қандай қаршилик курсатмасдан таслим бўлишини таклиф этади. Одатда бундай ҳолат томонлар кучи тенг эмаслиги яққол намоён бўлса ва анча кучсиз иштирокчи ўзини ёмон оқибатлардан четлаш учун ён босади. Рақиб билан курашиш вазиятига қараганда, таслим бўлган ёки ютқазган томоннинг амалга ошмай қолган мақсад ва манфаатлари конфликтнинг кейинги ривожланишида ҳавфли манба

бўлиб хизмат қиласди. Конфликтда бир томонлама ҳаракатни амалда қўллашнинг мавжуд ёндошувларидан бири – конфликтли вазиятни эътиборга олмаслик. Унинг натижаси ҳаракатсизлик ҳисобланади. Ҳодисаларнинг ривожланиши бундай ҳолларда ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Бу ёндошувнинг ҳам ҳавфи кам эмас. Г.Киссенжер: «Муаммоларни ечишдан қочиши инқирозларга олиб келади, бошқарилмайдиган инқирозлар эса катаклизм (ижтимоий ҳаётда кескин ўзгаришлар) тусини олиши мумкин»деган фикрни билдиради.

Ва ниҳоят, бир томонлама қадамнинг сўнгги варианти – конфликт иштирокчисининг хуқукий инстанцияга мурожаати БМТнинг асосий ташқилотларидан бири ҳалқаро суд бу ерда мустасно. Ҳалқаро Суд томонларнинг ҳар иккиси рози бўлганда низоларни қўриб чиқиши мумкин. Бундай вазиятда, табиийки, бир томонлама қадамлар ҳақида гапириш мумкин эмас. Биргаликда бу ерда фақат мурожаат тушунилади, ечим эса Судга боғлик.

#### **4.2. Ҳалқаро конфликтларнинг ривожланиши жараёни**

Конфликтнинг юзага келиш босқичи конфликтга мойил сиёсий субъектлар позициялари мос келмагандан, қарама-қарши томонлар орасида муайян баҳс ва рақобат предметини ифода этувчи кескинлик муҳити пайдо бўлган тақдирда юзага келади.

Конфликт йўналишини назорат қилишга уринган субъектнинг асосий вазифаси унинг асосий сабабларини, яъни иштирокчиларнинг асл мақсадларини очишдан иборат. Бунинг мураккаб томонларидан бири – ҳар бир томоннинг рақиб томонга нисбатан бўлган асосий сабабларини сир тутиши, яширишга интилиши билан белгиланади. Конфликтоген муносабатларнинг асосий сабабларини излаш мобайнида бошқариш субъекти воқеалар бошланишига туртки бўлувчи сабабдан ажратади олиши лозим.

Вазиятнинг дастлабки баҳоланишидан ҳокимият органлари рақобатлашаётган томонлар приаритетини сақлашга уринишлари ёки бирор бир томонни қўллаб қувватлаш орқали кескинликни камайтириш ёхуд юксалтиришга «хисса» қўшишлари, маълум бўлади. Бироқ, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳокимият рақобатлашаётган томонлар муносабатларининг меъёр ва қоидаларини белгилаб қўйиши орқали конфликтнинг институционаллашишига ва бу орқали уни назорат этишига уриниши лозим бўлади. Конфликтнинг институционаллашиши нафақат жамиятнинг ҳимояланишига ва давлат хавфсизлигининг таъминланишига, балки айни пайтнинг ўзида конфликтнинг ўз-ўзидан тугашига олиб келади.

Конфликтларни бартараф этишнинг стратегик ва тактик мақсадларини белгилаш орқали ҳокимият «техник» жиҳатдан: жалб этилаётган эксперт ва аналитиклар, ҳамда давлат бошқарувига жалб этилаётган мутахассисларнинг юксак малакали эканлиги; коммуникациялар ва жорий воқеалар ҳақидаги хабарларни таҳлил қилувчи марказларнинг ишончлилиги, уларнинг моддий жиҳатдан таъминланганлиги; конфликтларни бошқаришга жалб этилган ҳокимиятнинг турли қатламлари ва босқичлари орасида алоқаларни яхшилаш; ҳокимият институтлари тизимини воқеаларни самарали назорат қилишига

мослаштириш; қатыйй равишда күч ишлатиш механизмлари тайёрганын текшириб күриш каби тайёргарлик ишларини күриши лозим. Мазкур чоралар мажмуи юқори қатлам қўлида мужассамлашган захираларга мос келиши, ҳамда ҳокимият имиджини, яъни аҳоли орасида конфликтлар устидан давлат назорат ўрнатганлигини таъминлаши керак бўлади.

### 4.3. Конфликтлар типологияси

Конфликт субъектлари ва уларнинг намоён бўлиш соҳаларига қараб конфликтларни қуидаги турларга бўлиш мумкин: иқтисодий, сиёсий, миллатлараро, турмуш, маданий ва ижтимоий конфликтлар.

Жамиятнинг бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида иқтисодий конфликтларнинг моҳияти ва ёйилиш даражаси сезиларли даражада ўзгарди. Негаки, давлат мулкчилиги ҳукмонлик қилган ва бозор муносабатлари мавжуд бўлмаган жамиятда иқтисодий конфликтлар учун негиз жуда чекланган ва тор бўлади. Бунда Совет Иттифоқида ишсизлик, иш ташлашлар, синфлар кураши бўлмаган деган фикрлар тарғибот маъносида бўлмаганлиги маълум, умумдавлат миқёсида кўп йиллар давомида иқтисодий соҳада конфликтлар амалда учрамаган ёки жуда маҳаллий ва қисқа муддатли бўлган.

Бозорга ўтишда бошқача манзарани кузатиш мумкин. Моҳиятига кўра бозорнинг ўзи доимий конфликтлар учун майдондир, бироқ у рақобат кураши ёки рақибини сикиб чиқариш кўринишида эмас, балки, аввало, диалог, баъзида шеригини фойдали келишувга мажбурловчи турли ҳаракатлар (таҳдид солиш, шантаж, зўрлик) билан бирга рўй берадиган савдо битимлари шаклида юзага чиқади. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти шароитида бошқа кучли конфликтли вазиятлар ҳам юз беради: иш ташлашлар, пул муомаласидаги инқирозлар ва б. Бозор иқтисоди маҳсус ишлаб чиқилган қоидалар билан тартибга солинувчи, доимо юзага келувчи меҳнат конфликтларини ҳам тақозо этади. Гарчи меҳнат низолари ҳар қандай ижтимоий тузумда мавжуд бўлсада, улар айнан истаган товарни (ишчи кучини ҳам) олди-сотдисига асосланган бозор иқтисоди учун кўп даражада хосдир.

Катта кўламдаги иқтисодий конфликтларнинг хусусияти шундаки, уларга аҳолининг кенг қатламлари жалб қилинади. Авиадиспетчерларнинг иш ташлаши факат авиация компанияларига эмас, шунингдек минглаб йўловчиларга ҳам таллуқли. Агар иш ташлаш врачлар томонидан амалга оширилса, миллионлаб жабрланувчилар пайдо бўлади. Шу боис баъзи турдаги иш ташлашларни ман қилиш жамият ҳаётини барқарорлаштиришнинг мухим воситаси ҳисобланади.

Сиёсий соҳадаги конфликтлар - бу умуман демократик жамиятдаги одатий воқеликдир. Уларнинг хусусияти шундаки, улар катта миқёсдаги ижтимоий ҳодисаларга, қўзғолонларга, оммавий тартибсизликларга, оқибат натижада фуқаролик урушига айланиши мумкин. Ҳозирги даврдаги кўпчилик сиёсий конфликтлар учун миллатлараро жиҳат характерлидир. Деярли барча ҳолларда сиёсий конфликт бир вақтнинг ўзида миллий ҳам ҳисобланади ёки ҳар қалай унинг миллий томони бўлади (ватанпарварлик, сепаратизм ёки диний ҳаракат).

Меҳнат, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, таълим соҳасидаги манфаатлар қарама-қаршилиги билан кечувчи конфликтлар юқорида баён

қилинган конфликтларнинг икки тури - иқтисодий ва сиёсий конфликтлар билан узвий боғлиқ. Бу конфликтлар бевосита ижтимоий тузум табиатига боғлиқ эмас ва уларнинг кўлами унчалик катта эмас. Худди шундай фикрни кишилар ўртасида уларнинг иш ёки яшаш жойларида содир бўладиган турмуш конфликтларига нисбатан ҳам билдириш мумкин.

#### **4.4. Халқаро конфликтларни тартибга солишнинг йўллари.**

Қадимги даврларданоқ конфликтлар ечиш усуслари (тинч ва куч ишлатиш йўли билан) бир-бирига қарама-қарши қўйилгани маълум. Бу қарама-қаршиликнинг энг авж нуқтаси халқаро муносабатларни қамраб олади, яъни халқаро муносабатлардир.

Музокаралар тадқиқотчиси канадалик олим Г.Уинхэмнинг ёзишичи: музокаралар «қалъя» ёки «буюк девор»га ўхшайди, у восита бўлиб, музокарага киришган томоннинг қўлга киритган натижаларини сақлаш воситасидир. Музокараларнинг энг муҳим натижаси – бу барқарорликдир, айнан шу барқарорлик куч ҳавф дунёни қайта бўлиб олиш учун ҳаракат қиласидан кучлар томонидан намоён бўлади.

Шунга ўхшаш тадқиқотни рус олими С.Н.Гончарев ҳам олиб борган: Унинг ёзишича ўрта асрлардаги хитойда иккита доктрина мавжуд бўлган. Бири «тинчликни тузувчи ва сақловчи монархиялар» деб номланган, унга кўра Хитой императори ўзига бўйсунмаган халқларни бўйсундирган ва шу тариқа дунёда тинчликни ўрнатган, бири «келишилган муносабатлар» доктринаси деб номланган.

Бироқ бу икки усуlnи бир-бирига қатъян қарама-қарши қўйиши нотўғридир. Моҳиятан, ҳакиқатдан ҳам бир-бирига қарама-қарши турса-да, фалсафий жиҳатдан улар диалектик бирликни ташқил қиласиди. Яъни кўпгина урушлар музокаралар билан тўғаса, келишилган музокаралар урушлар билан тўғайди. Булардан хулоса чиқарган француз тадқиқотчиси А.Плантею шундай дейди: «Бу усуслар рақобатлашади, параллел йўналади, яъни бири-бирини истесно қилмайди».

Ғарбий цивилизация тарихида музокаралар дастлаб, урушларни натижасини ҳисоблашда ёки дунёда қайта тузишда уринишларда қўлланилган. Рус муаллифи Луковнинг ёзишича, кейинги 100 йил мобайнида олиб борилган сиёсий музокаралар моҳияти, ҳарбий конфликтларни легаллаштириш ва янги урушларни бошлаш учун воситадир. Умуман, музокаралар ҳарбий стратегиянинг бир қисми бўлиб, у бирон-бир давлатнинг кучсизлигини ёпиш учун (тўлдириш) ёки бошқасининг ўз гегемонлигини тўла намоён эта олиш механизм, воситаси бўлган. Шунга ўхшаш фикрни Г.Уинхэм билдирган: Дипломатия тарихида музокаралар эстлаб, конфликтдаги ёки конфликт олди вазиятдаги давлатлар муносабатларини изга солиш – тиклаш бўлган. Бу нуқтаи назардан музокаралар конфликтни ечишда кучлар таянган усусларга танчи, ёрдамчи восита вазифасини ўтаган.

Конфликтларни ечишда кучга таянмаган методларнинг иккинчи даражали бўлганлигини, уларнинг кучга таянган матодларга бўйсунгандиги ҳакидаги тарихий мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улар қадимги дунёда ҳам, ҳозирда ҳам мавжуд.

Куч ишлатиш методларининг устунлиги илмий изланишларда ҳам ўз ифодасини топган. Юз йил мобайнида урушлар тарихи ҳақида, уларни олиб бориш санъатиҳақида кўплаб асарлар ёзилган, бироқ музокаралар бўйича биргина Франсуа де Кальернинг асаридан ва музокаралар олиб бориш амалиёти ҳақида бир неча эслатмалардан бошқа ҳеч нарса ёзилмаган: Вестфаль шартномаси (1648й.), Карловиц (1698-1699й.).

Йиллар давомида куч методларининг устунлиги халқаро муносабатларнинг ресурслари ва таъсир доираларини тақсимловчи ва қайта тақсимловчи муносабатлар сифатида олиб борилганлигидир. Куч омили ва ҳарбий қудрат халқаро муносабатларда давлатларнинг ўрнини белгиловчи муҳим омиллардан бўлган. Рус тадқиқотчиси А.А.Мурадяна қуйидагича фикр билдиради: дипломатия санъати, - дейди у, - маълум бир йирик ҳарбий кучга таянгандагина ўзини намойиш қиласди.

Юқоридаги айтилганлардан цивилизациянинг ривожлашигина конфликтлар ечишда музокара усулларини қўллашни вужудга келтириди деб хulosha чиқариш нотўғридир. Бу хусусида америкалик муаллиф У.Юрининг анъанавий жамиятларда конфликтларни ечишдаги усуллари, аникроғи жануби-ғарбий Африкадаги яшовчи бушменлар қабиласида бу муаммоларни ечиш билан боғлиқ ёзган маълумотлари қизиқиш уйғотади. У шуларни ёзади, анъанавий жамиятларда конфликтли вазиятлар ва тортишувларнинг ҳаммаси ҳам куч билан ҳал қилинмайди. У ерда конфликтларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг бир неча чора-тадбирлари ва механизmlари бор. Уларга гувоҳларни ва исботларни кўрсатиш, тақдим этиш; инсонни аҳлоқий жиҳатларини муҳокама қилиш ишонтиришларни киритиш мумкин.

Қуролларни ишлаб чиқди. Бу қуроллар эса, инсонни ривожланиши учун эмас, балки унинг деградацияси учун хизмат қилиши мумкин холос. Инсон буни англаб етди ва конфликтларни ечишда бу усул фойдасидан кўра зарар келтириш муқаррар бўлиб қолди.

XX асрнинг II ярмидан сўнг музокараларнинг аҳамияти кучайди. Бу ҳолат эса рус тадқиқотчиси В.А.Кременюкни қуйидаги хulosalар чиқаришига олиб келди: «Музокараларнинг кучайиши халқаро музокаралар тизимини ва тузилишига кўра мавжуд конфликтлар ва низоларни ўзида акс эттириши тенденциясига эга. Бу тизим тобора универсал бўлиб бормоқда. У ўзининг ичига конфликтларни ечишнинг расмий ва норасмий усулларини қамраб олади: зўрлик ишлатмаслик, ҳамкорлик, ҳамкорликда муаммо ечимини излаш».

Дунёда сиёсий ва иқтисодий интеграциянинг қучай иши табиий равиша музокаралар усулларининг ривожланишига ва такомиллашувига, институтлашувига олиб келмоқда. Бу ҳолат, ОБСЕ ва БИТ ҳаракатларида кузатилмоқда.

*Музокараларга икки томонлама ёндошув: «торг» ва «ҳамкорлик».*

Музокаралар иштирокчиларнинг муносабати, характерига қараб ёндошувларга бўлинади. Яъни улардан баъзилари музокарани конфликтнинг давоми деб билсалар, бошқалари уни муаммонинг ечими деб биладилар.

Шунга кўра икки хил ёндошув мавжуд: «торг» ва «ҳамкорлик».

Биринчисида иштирокчилар музокарани ўз мақсадларига эришиш, максимал миқдордаги манфаатларини қондириш, ғалабага эришишнинг бир йўли деб биладилар. Улар ўзлари учун керак бўлган, ўзлари манфаатдор бўлган якун учун «савдолашадилар» бунда бошқа томоннинг манфаатлари, уларнинг қондирилиши, муаммонинг ечилиши эътиборга олинмайди. Ҳар бир томон ўзи учун фойдали жавоб учун ҳаракат қилиб, шеригини ҳам бунга кўндиришга ҳаракат қиласиди. Умуман олганда «торг» конфликтнинг маълум маънодаги давомидир, яъни музоокара столидаги олишувдир.

Иккинчи усулда икки томон ҳам ишга очик ёндошадилар, диалог ўтказадилар. Бу диалогда улар масалани бошқа томондан кўришга ҳаракат қиласидилар, ечимини топишга интиладилар. Диалогда томонлар орасида Янги муносабат шакланади, ўзаро тушуниш, ҳамкорлик бошланади.

Музокаралар давомида қуйидагилар мухим:

- муаммонинг керакли ечимини топиш учун қатъий анализ ўтказиш ва иштирокчиларнинг манфаатларини ўрганиш;

- ўз манфаат ва эҳтиёjlари билан бирга иккинчи томонни ҳам инобатга олиш. Агар бириники амалга ошмаса ҳам, ечимниadolатли деб тан олиш, қайта кўриб чиқиши талаб қиласлик лозим.

Р.Ансельрод иштирокчилар яхши ечимга эришишлари учун қуйидагиларни таклиф этади:

- конфликтлардан қочиш, бошқалар рад этмагунча ҳамкорликни давом эттириш;

- ҳасаддан воз кечиши, бошқа томон манфаатларининг қанчалик қондирилганлигига эътибор бермаслик;

- бошқа томон рад этган масалага тез эътибор қаратиш;

- кечиримли бўлиш;

- бошқа томонга хши муносабатда бўлиш, унинг ҳаракатларига мослашиш.

### **Музокара жараёнининг структураси (тузилиши).**

Музокара жараёни бир неча босқичлардан ташқил топади. Г.Киссенджерга кўра, музокараларнинг олиб борилиш жараёнининг аҳамияти – музокараларнинг асл аҳамияти билан тенг .

#### **Музокара олиб бориш босқичлари.**

**I босқич.** Ўзаро қарашларнинг, нуқтаи назарларнинг, концепцияларнинг, манфаатларнинг ойдинлаштирилиши.

Бу босқичда томонлар умумий тасаввурга эга бўлганликлари сабаб, ўзаро фикр алмашишади, томонлар позициялари ўрганилади. Бунда музокаранинг информацион-коммуникатив функцияси амалга оширилади.

**II босқич.** Дискуссия, муаммоларни ҳамжиҳат ечишнинг асосий параметрларини ишлаб чиқишига хизмат қилувчи баҳс-мунозаралар.

Бу босқичда томонлар умумий тасаввурга аниқлик киритиб, асосий эътиборни муаммони ечишнинг ўзаро таҳлил-муҳокамасига қаратадилар. Турли вариантлар ишлаб чиқилади ва натижада муаммони ҳал этишнинг ҳамкорликдаги ечими юзага келади. Айнан бу босқич нисбатан оғирроқ ҳамда

узокроқ давом этади. Бунда ҳар бир томон ўз позициясини маъқуллайди, кенгроқ имкониятларга эга бўлишга интилади, қарама-қарши томонга босим ўтказишга ҳаракат қиласди, ОАВ орқали ўз манфаатларини оқлашга интилади. Кейинчалик «сукунат даври» юзага келиши мумкин.

### **Муҳокама учун саволлар**

1. Конфликтлар тушунчаси ва уларнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрни
2. Ижтимоий ва сиёсий манфаатлар
3. Конфликтнинг юзага келиш сабаблари
4. Конфликтларнинг ривожланиш босқичлари
5. Сиёсий ва ижтимоий конфликтларнинг ўзаро боғлиқлиги
6. Конфликтларни бартараф этиш технологиялари
7. Тадқиқотчиларнинг конфликтларга нисбатан билдирган фикрлари
8. Конфликтнинг яқунловчи босқичи
9. Конфликтларнинг очиқ ва ёпиқ шакллари
10. Инсонлар ҳаётида конфликтнинг тутган ўрни

**5-МАВЗУ: Халқаро конфликтларни тинч йўл билан ҳал қилишда музокара жараёнининг роли. Халқаро ҳуқуқ ва халқаро конфликтлар**

#### **РЕЖА:**

- 5.1. *Халқаро конфликтларни тинч йўл билан ҳал қилиши масалалари.*
- 5.2. *Халқаро ҳуқуқ ва халқаро конфликтлар*

### **1.1. Халқаро конфликтларни тинч йўл билан ҳал қилиши масалалари**

Конфликт тушунчаси илмий адабиётда бир хил маънода қўлланилмайди. «Конфликт» атамасининг жуда кўп таърифлари мавжуд. «Конфликт» тушунчасига нисбатан энг умумий ёндошувга кўра, у зиддиятга умумий тушунча сифатида, энг аввало, ижтимоий зиддият сифатида

қараладиган тушунчадир.

Хар қандай зиддиятнинг ривожланиши мураккаб жараён бўлиб, у объектив зиддиятларнинг юзага келиши, авж олиши ва ҳал этилиши асосида рўй беради. Маркс назариясидаги социализм ғояси синфий конфликтларни инкор этиб келган. XX асрнинг 30-йиллари охирида бир қатор муаллифлар томонидан социалистик жамиятни «конфликтсиз» ривожланиши, антагонистик қарама-қаршиликларнинг бўлмаслиги ҳақидаги ғоя илгари сурилган. Бу ғоя социализмда ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характеристига тўлиқ мос келиши ҳақидаги шиорда ўзининг тўла ифодасини топган. Кейинчалик бундай мос келиш фақат бир-бирига қарши турган икки томоннинг бирлиги билан уйғуллашгандагина намоён бўлиши тан олинган. Мос келишлик қарама-қаршиликлар бирлиги доирасида қўшилган (бирлашган) вақтда зиддиятлар ривожининг муайян босқичи сифатида талқин қилинган. Бошқа гурух файласуфлар эса социализмнинг асосий зиддиятлари бу ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги, баъзан ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги, эски билан янги ўртасидаги зиддият деб тушунганлар. Бир гурух инглиз олимларнинг фикрича, «Конфликтлар бу ҳаётнинг муқаррар ва кўпинча ижодий бўлган бир қисмидир. Конфликтлар инсонларнинг мақсадлари фарқланганда юзага келади. Келишмовчиликлар ва конфликтлар одатда зўрлик қўлланилмасдан ҳал қилинади ва кўпинча барча жалб қилинган томонларнинг аҳволини яхшиланишига олиб келади. Бу ҳолат конфликтлар бизнинг мавжудлигимизнинг бир қисми бўлганлиги боис тўла адолатли хисобланади.

Конфликт табиатини ва унинг ўхшаш воқеликлардан фарқини тушуниш учун унинг чегараларини, яъни унинг макон ва вақтдаги ташқи доирасини аниқлаш мухим.

Конфликт чегараларини аниқлашда уч хил нуқтаи назарга асосланиш мумкин: макон - фазовий чегара, вақт чегараси, ички тизим чегараси.

Конфликтнинг макон (майдон) чегараси конфликт юз берадиган жой, ҳудуд билан белгиланади. Бу ҳудуд турлича бўлиши мумкин, масалан, турар-жой майдонидан бошланиб, бутун ер шари билан тугаши мумкин, яъни ошхонадаги жанжал ёки жаҳон уруши. Конфликтнинг макондаги чегараларини аниқ белгилаш асосан халқаро муносабатларда мухим бўлиб, конфликт иштирокчиларининг муаммолари билан боғлиқ. Бундай масала яқин ўтмишда Тоғли Қорабоғ, Днепр бўйи, Тожикистон, Шимолий Кавказ, Чеченистон ва бошқа жойларда миллатлараро конфликтларда бир неча марта ўртага қўйилди. Бу ерларда зарур чораларни кўриш учун конфликтнинг ҳудудий чегаралари зонасини аниқ белгилаш лозим бўлди.

Вақт чегаралари - бу конфликтнинг давомийлиги, унинг бошланиши ва тугашидир. Конфликт бошланганлиги, давом этаётганлиги ёки тугаб бўлганлиги ҳақида хulosса қилиш вақтнинг у ёки бу дақиқасида конфликт иштирокчилари ҳаракатларига юридик баҳо беришга боғлиқ. Бу ҳолат айниқса конфликтга янгидан келиб қўшилган шахсларнинг ролига тўғри баҳо беришда ўта мухим.\

Конфликтнинг бошланиши иккинчи тарафга йўналтирилган таъсир ҳаракатнинг объектив (ташқи) ҳаракатлари билан бошланади, бунда иккинчи

тараф бу ҳаракатларнинг унга қарши йўналтирилганлигини тушуниши шарт ва шунда у ҳам қарши кураш бошлайди. Конфликтни бошланган деб ҳисоблаш учун камида                    учта                    шартнинг                    бўлиши                    шарт:

1. биринчи иштирокчи иккинчи иштирокчига, яъни ўз рақиби манфаатига зид равишда фаол ва онгли тарзда ҳаракат қиласи; бу ерда ҳаракат деганда ҳам жисмоний ҳаракат, ҳам ахборот бериш (оғзаки нутқ, матбуот, телевидение ва б.) тушунилади;
2. иккинчи иштирокчи (рақиб) ушбу ҳаракатлар унинг манфаатларига қарши қаратилганлигини тушуниб етиши керак;
3. юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, иккинчи иштирокчи биринчи иштирокчига қарши қаратилган ва унга жавобан фаол ҳаракат-чораларни кўради. Шу дақиқадан бошлаб конфликт бошланган деб ҳисобланади.

Агар фақат биргина иштирокчи ҳаракат қиласа (бир томонлама) ёки ҳаракатларини фикран режалаштирса (ҳаракатларини олдиндан ўйлаб режа тузса, рақиб ҳаракатларини тасаввур этса, бўлажак конфликтни қандай кечишини башорат қиласа) - бу ҳолларда конфликт бўлмайди. Бироқ бўлғуси ҳаракатларни олдиндан режалаштириш конфликт учун пойдевор бўлиб ҳисобланиши мумкин, баъзи олимлар буни конфликт ривожланишининг латент (яширин) босқичи деб атайдилар. Бундай босқични ажратиб кўрсатиш халқаро аҳамиятдаги катта конфликтларни таҳлил қилиш учун муҳимдир. Собиқ Иттифоққа ҳужумни кўзда тутган «Барбаросс плани» ни Гитлер 1940 йилда тасдиқлаганда собиқ Иттифоқ билан Германия ўртасидаги ҳарбий конфликт ҳали бошланмаган эди, бу конфликтнинг латент босқичи бўлиб, очиқ конфликтнинг бошланиши 1941 йилнинг 22 июнига тўғри келган.

Халқаро муносабатлардаги конфликт фақат тарафларнинг қарама- қарши кураши сифатида биргина ҳарбий ҳаракатлардан иборат бўлиб қолмайди. Зўрлик воситаларисиз ҳал қилинадиган дипломатик конфликт, савдо, чегара, сиёсий конфликтлар бўлиши мумкин. Бироқ, ҳамма ҳолатда ҳам гап тарафларнинг ўзаро қарама-қарши ҳаракатларида (ҳеч бўлмаса сўз орқали курашиш) ҳақида боради. Шундай қилиб, конфликт доимо икки томонлама ёки кўп томонлама ҳаракат тарзида бошланади. қоида бўйича конфликт тарафлардан бирининг ҳаракати билан бошланади, бу эса кўп ҳолларда конфликт                    сабабчисини                    аниқлаш                    имконини                    беради.

Масалан, 1991йилдаги Ироқ ва Қувайт ўртасида бўлган конфликтининг сабабчисини аниқлаш қийин бўлмаган. Ироқнинг қўшни мамлакатга нисбатан агресив, босқинчилик ҳаракати БМТ ва бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан салбий баҳоланган.

Россия ва МДҲ давлатларининг ҳудудида XX асрнинг 90-йилларида бўлиб ўтган кўп сонли миллатларо конфликтларнинг сабабчисини аниқлаш эса қийинрек. Дастлабки қадамларнинг ноаниқлиги, ҳаракатларнинг чалкашлиги, ўзаро айловлар, ахборотларнинг холис эмаслиги конфликтни боришини

орқага суради, унинг тез ва асоратсиз тугашига тўсқинлик қиласди, асл айбдорларни аниқланишини қийинлаштиради.

Конфликтни тугаши бир хил натижа билан юз бермайди. Конфликт тамом бўлиши (масалан, тарафларнинг келишуви билан), конфликтдан тарафлардан бирининг чиқиб кетиши ёки унинг йўқ қилиниши (уруш туфайли ёки жиноят содир этилишида) билан рўй бериши мумкин. Ниҳоят, конфликт тугатилиши ва унинг авж олишининг тўхтатилиши учинчи шахсларнинг аралашуви натижасида ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, айрим ҳолларда жиноий конфликтлар шу тариқа тугайди. Халқаро муносабатлар амалиёти халқаро конфликтларга барҳам бериш борган сари учинчи шахслар харакатлари ва аралашуви асосида ҳал этилаётганлигини кўрсатмоқда (БМТ қўшинларини киритиш, дипломатик воситачилик ва б). Айтиш ўринлики, «БМТ тинчлик ўрнатиш мақсадида аралашишнинг бир неча турини фарқлади. Хавф остида бўлгандарга тирик қолиш учун воситаларни зудлик билан тақдим этишни мақсад қилиб қўйган инсонпарварлик ёки экстерн ёрдамдан ташқари аралашишнинг асосий категориялари қўйидагилар ҳисобланади:

**тинчликсеварлик** : адоватни тўхтатиш ва битимга эришиш мақсадида зарур бўлганда дипломатик, сиёсий ва ҳарбий чоралардан фойдаланган ҳолдаги аралашув;

**тинчликни қўллаб-қувватлаш**: битимнинг бажарилишини зарур бўлса куч ишлатиш йўли билан таъминлаш ва қузатиш;

**тинчликни барпо этиш** : узок муддатга мўлжалланган барқарорлик ваadolatни таъминлаш мақсадида конфликт сабаблари ва ўтмиш аразларини йўқотиш бўйича дастурни амалга ошириш”<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, конфликтнинг тугатилиши деб барча қарама-қарши курашувчи томонларнинг ўзаро харакатларининг тўхтатилишига айтилади.

Конфликтнинг ички тизим чегаралари - ҳар қандай конфликт муайян тизим ичиди: оиласда, хизматдошлар груҳида, давлатда, халқаро ҳамжамиятда бўлади. Ички тизим алоқалари мураккаб ва турличадир. Бир тизимга кирувчи тарафлар ўртасидаги конфликт жуда чукур, кенг қўламли ёки қисман ва чекланган бўлиши мумкин. Давлатлараро конфликтларда кескинлашган ўзаро муносабатларнинг ёйилиб кетиши, тарқалиш хавфи фақат ҳудудда эмас, шунингдек ижтимоий, миллий, сиёсий жиҳатдан ҳам кучайиши ҳамда бундай конфликт жамиятнинг энг кенг қатламларини ҳам қамраб олиши мумкин.

Конфликтнинг ички тизим чегараларини аниқлаш унинг барча иштирокчиларининг ичидан айнан конфликтлашувчи тарафларни аниқ ажратиб олиш билан узвий боғлиқдир. Бевосита қарама-қарши курашувчи тарафлардан ташқари конфликт иштирокчилари бўлиб конфликтга тўғридан-тўғри аралашмаган унинг қизиқтирувчилари, ёрдамчилари, ташкилотчилари каби шахслар, шунингдек, конфликтлашувчи шахсларнинг маслаҳатчилари,

тарафдорлари ва рақиблари, ҳакамлик судъялари ҳам бўлишлари мумкин. Бу шахслар ёки ташкилотларнинг барчаси тизим элементлари саналади. Шундай қилиб, тизимдаги конфликт чегаралари унга жалб этилган иштирокчилар доирасининг катта-кичиклиги билан белгиланади. Конфликтнинг ички тизим чегараларини аниқлаш бўлаётган жараёнларга таъсир қилиш, хусусан, тизимни бузилишдан сақлаш учун муҳимdir.

Конфликт ва консенсус ҳар қандай ҳуқуқ тизимининг икки муҳим жиҳати ҳисобланади. Моҳиятига кўра, юридик сиёsat конфликтлар бўлган жойда бошланади.

Ҳуқуқшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири конфликтларни ҳал этиш воситалари сифатида институтлар ва тартибларни, шунингдек, сиёсий ва ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш усусларини ўрганишdir.

Назарий фикр ва амалиётнинг бу масалаларни кўриб чиқишга, консенсус нуқтаи назаридан ижтимоий аҳамиятли қарорларни қабул қилиш механизмини топишга, яъни конфликтларни ҳал этишга манфаатдор бўлган барча томонлар эришган барқарор келишувга асосланган бундай ёндошувни ахтаришга тайёр эмаслиги кўринади.

Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, консенсус принципи қонуннинг ҳозирги замон назарияси ва ҳуқуқни тушуниш билан боғлиқ барча муаммоларни замонавий изоҳлашга бўлган янги ёндошувларни очиб беради. Фаншунослик атамасидан фойдаланиб шуни айтиш керакки, қонун, қонун чиқарувчи фаолиятнинг ижтимоий омиллари, қонунни амал қилиш механизми ва унинг самарадорлиги шартлари каби асосий юридик институтларни парадигматик тушунишнинг алмашуви юз бермоқда.

Ижтимоий-ҳуқуқий борлиқдаги туб ўзгаришларни акс эттирувчи янги юридик тафаккурнинг асослари шаклланмоқда.

Консенсус - коллегиал тартибда қарор қабул қилиш принципи, вето ҳуқуқининг акси бўлган принципдир. Вето - бу қонунчилик ёки бошқа актни муҳокама қилиш иштирокчиларидан бирининг қарор қабул қилишини тақиқлаш ҳуқуқидир. Консенсус, аксинча, турли нуқтаи назарларни келишириш, компромисс, ҳамкорлик асосида ижобий қарорлар қабул қилишни талаб этади. Бундай ёндошувга кўра ҳуқуқ ва қонунга жамиятда юридик консенсусга эришиш нуқтаи назаридан қараш мумкин. Айнан манфаатларни келишириш (мувофиқлашириш) ҳуқуқ тизимининг иерархиясида қонун устуворлиги ва давлатнинг ҳуқуқ тадбиқ этиш фаолияти учун қулай шарт-шароитларнинг асосий негизи ҳисобланади.

**5.2. Халқаро ҳуқуқ ва халқаро конфликтлар.** Юридик консенсус. Сиёсий ва юридик маънодаги консенсус турлича изоҳланади. Консенсус сиёсий маънода – бу кўпчилик фикри, низоли масалалар бўйича умумий келишув шакли; умумий фикр бўлса, юридик маънода - икки муҳим принцип: қарорни

қабул қилишда иштирок этганларнинг кўпчилиги томонидан унинг қўллаб-кувватланиши ва иштирокчиларнинг биттаси томонидан ҳам қарорнинг қабул қилинишига билдирилган эътиrozнинг йўқлигига асосланган қарорни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш усулидир.

Демак, консенсус - бу якка тартибдаги келишув эмас, негаки қарорни қабул қилиш жараёни барча қатнашувчиларнинг позициялари тўла мувофиқ келишини эмас, балки факат тўғридан-тўғри эътиrozларнинг йўқлигини талаб қиласи ва бетараф йўлни тутишга йўл қўяди (овоз беришда бетараф бўлганлар).

Консенсусни бундай тушуниш факат давлатлараро муносабат-ардагина эмас, шу билан бирга ички жараёнларни таҳлил этишда ҳам қўлланилади. Бу ҳолда консенсусни икки хил маънода фарқлаш қабул қилинган, тор маънода - муайян конфликтлар ва низоларни сиёсий ҳал қилиш усули сифатида ва кенг маънодаги консенсус - умумсиёсий маънода, бошқача қилиб айтганда фуқаролик тотувлиги деб ҳам номланади.

Демократик жамият - бу тенг имкониятлар жамиятидир. Ижтимоий фикр жамият барча аъзоларининг фикрларидан шаклланади. Ҳар қандай масалани ҳал қилишда барча мавжуд нуқтаи назарлар аниқланиши, муҳокама қилиниши, кўриб чиқилиши ва ҳисобга олиниши лозим. «Тарафдор» ва «қарши» овозларни механик ҳисоблаш принципига асосланган овозга қўйиш тизими жамиятнинг бўлинишига олиб келади. Унинг асосий камчилиги озчилик фикрини фактик эътиборга олмаслик ҳисобланади. Кўпчилик тазики (диктати) демократиянинг асосий жиҳатларидан бири бўлган адолатлиликни бузади. Чунки, демократиянинг вазифаси фуқароларнинг эрк-хоҳишлирини жамиятнинг ягона эрки сифатида қайта шакллантиришдир. Кўпчиликнинг чекланмаган ҳокимияти хавфли оқибатларини келтириб чиқариши мумкин. Ўз манфаатларини амалга ошириш шарти сифатида ўзгаларнинг манфаатини тан олиш консенсуснинг асосий қоидасидир.

Ҳозирги замон жамиятида консенсус одатда шахс эркинлигини, унинг қадриятлари ва манфаатларини тан олинишига асосланади. Конфликтнинг олдини олиш, албатта, содир бўлган конфликтни тўхтатиш ёки ҳал қилишдан кўра фойдали ва мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли жамият ва давлатнинг асосий куч-ғайрати конфликтларни олдини олишга қаратилган бўлади. Бу асосан ижтимоий манфаатлар ва қадриятларга, фуқароларнинг мулки, соғлиғи, ҳаётига хавф туғдирувчи давлатлараро ва криминал конфликтлар билан боғлиқ. Давлатлараро конфликтларнинг олдини олишга БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеяси каби органлари, шунингдек, ҳудудий ҳарбий-сиёсий ташкилотлар доимо эътиборни қаратиб келадилар.

Шу билан бирга конфликтларни олдини олишнинг самарадорлиги ҳозирги кунда юқори эмас.

Бу ҳол шу билан изоҳланадики, конфликтга унинг илк босқичида, айниқса, латент босқичида четдан аралашиш каби тўсиқларга учрайди. Бир томондан бундай аралашув ижтимоий фойдали, кўпинча зарур ва ҳар қандай ҳолда ҳам натижали бўлади.

Бошқа томондан эса, конфликт кўпинча томонларнинг хусусий иши деб

хисобланади. Бошқа шахсларнинг хусусий ишларига аралашмаслик нуқтаи назаридан ўз таъсирини ўтказиш, томонларни ярашишга ёки муайян ҳатти-харакатларни бажаришга мажбурлаш нотўғри, ноахлоқийдир. Шу сабабли конфликт шахсий (гурухий) муносабатлар доирасидан чиқиб кетиб, ўз фаоллиги кўлами, объектига кўра бошқа томонларнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор ижтимоий аҳамиятга эга ҳодисага айланиш вактидагина конфликтга аралashiш мумкин.

Конфликтнинг олдини олиш қарама-қаршилик вужудга келгунга қадар конфликт элементларига: иштирокчиларига, уларнинг ҳаракатлари мотивларига, объектларига, фойдаланадиган кучлари ва воситаларига таъсир кўрсатишидир. Шу боис конфликт характеристига қараб уни олдини олиш фаолияти турлича бўлиши мумкин.

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1- мавзу. Сиёсий конфликтологиянинг умумий муроаммолари.

1. Конфликтология фани нимани ўрганади.
2. Сиёсий конфликт ижтимоий ҳодиса сифатида.
- 3.“Сиёсий конфликт” тушунчасининг мазмун-моҳияти.
4. Конфликтни бошқариш ва назорат қилиш технологиялари.

### АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
2. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
3. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
4. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геоэкономика, geopolitika, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
5. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;
6. Сурмин Ю. П. Теория систем и системный анализ: Учеб. пособие. — К.:МАУП, 2013.
7. ; Козырев Г.И. Введение в конфликтологию. Высш. учеб. заведений. М.: Гуманит. изд. Центр ВЛАДОС, 2000.;
8. Атоян А.Д. Конфликтология. Москва, 2005;
9. Зеркин Д.П. Основы конфликтологии. М., 2011;
10. Ратников В.П. Конфликтология. Вопросы и ответы. М., 2014.

### IV. Электрон таълим ресурслари

11. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)

12. www.edu.Uz
13. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
14. www.nuuz.uz
15. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

**2-мавзу: Сиёсий низоларнинг динамик турлари ва ўзгариши.  
Сиёсий низоларнинг мафкуравий омили.**

1. Сиёсий низоларнинг динамикаси, турлари ва ўзгариши.
2. Сиёсий низоларнинг мафкуравий омили.
3. Этносиёсий конфликтлар.
4. Конфликтнинг юзага келиш, ривожланиш ва якунловчи босқичлари.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
2. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
3. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
4. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геоэкономика, geopolитика, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
5. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;
6. Сурмин Ю. П. Теория систем и системный анализ: Учеб. пособие. — К.:МАУП, 2013.
7. ; Козырев Г.И. Введение в конфликтологию. Высш. учеб. заведений. М.: Гуманит. изд. Центр ВЛАДОС, 2000.;
8. Атоян А.Д. Конфликтология. Москва, 2005;
9. Зеркин Д.П. Основы конфликтологии. М., 2011;
10. Ратников В.П. Конфликтология. Вопросы и ответы. М., 2014.

### **IV. Электрон таълим ресурслари**

11. www.Ziyonet.Uz
12. www.edu.Uz
13. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
14. www.nuuz.uz
15. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

**3-мавзу: Сиёсий конфликтларнинг психологик омили. Ижтимоий  
конфликтлар ва сиёсий инқилоблар.**

1. Сиёсий конфликтларнинг психологик омили.
2. Ижтимоий конфликтлар ва сиёсий инқилоблар.

3. Сиёсий конфликтлар ва терроризм.
4. Сиёсий конфликтларни ҳал қилиш технологиялари.

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
2. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
3. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
4. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геоэкономика, geopolитика, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
5. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;
6. Сурмин Ю. П. Теория систем и системный анализ: Учеб. пособие. — К.:МАУП, 2013.
7. ; Козырев Г.И. Введение в конфликтологию. Высш. учеб. заведений. М.: Гуманит. изд. Центр ВЛАДОС, 2000.;
8. Атоян А.Д. Конфликтология. Москва, 2005;
9. Зеркин Д.П. Основы конфликтологии. М., 2011;
10. Ратников В.П. Конфликтология. Вопросы и ответы. М., 2014.

## **IV. Электрон таълим ресурслари**

11. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
12. [www.edu.Uz](http://www.edu.Uz)
13. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
14. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
15. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

## **4-мавзу: Сиёсий конфликтология ва халқаро муносабатларнинг муаммолари. Халқаро конфликтларнинг типологияси ва моҳияти.**

1. Сиёсий конфликтология ва халқаро муносабатларнинг муаммолари.
2. Халқаро конфликтларнинг типологияси ва моҳияти.
3. Халқаро конфликтларнинг ривожланиши жараёни ва тузилиши.
4. Қуролли конфликтлар ва халқаро хавфсизлик.
- 5.Халқаро конфликтларни тартибга солишнинг йўллари ва шакллари.

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
2. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.

3. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
4. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геоэкономика, geopolитика, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
5. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;
6. Сурмин Ю. П. Теория систем и системный анализ: Учеб. пособие. — К.:МАУП, 2013.
7. ; Козырев Г.И. Введение в конфликтологию. Высш. учеб. заведений. М.: Гуманит. изд. Центр ВЛАДОС, 2000.;
8. Атоян А.Д. Конфликтология. Москва, 2005;
9. Зеркин Д.П. Основы конфликтологии. М., 2011;
10. Ратников В.П. Конфликтология. Вопросы и ответы. М., 2014.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

11. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
12. [www.edu.Uz](http://www.edu.Uz)
13. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
14. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
15. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

**5-мавзу: Халқаро конфликтларни тинч йўл билан ҳал қилишда музокара жараёнининг роли. Халқаро ҳуқуқ ва халқаро конфликтлар.**

1. Халқаро конфликтларни тинч йўл билан ҳал қилишда музокара жараёнининг роли.
- 2.Халқаро ҳуқуқ ва халқаро конфликтлар.
3. Қуролли конфликтларни ҳуқуқий тартибга солиш.
4. Конфликтларни ва инқизозларни ҳал этишда халқаро ташклотларнинг роли.
5. Жаҳон сиёсатида барқарорлик ва тинчлик омили.

#### **АДАБИЁТЛАР**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
2. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
3. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
4. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геоэкономика, geopolитика, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
5. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;

6. Сурмин Ю. П. Теория систем и системный анализ: Учеб. пособие. — К.:МАУП, 2013.
7. ; Козырев Г.И. Введение в конфликтологию. Высш. учеб. заведений. М.: Гуманит. изд. Центр ВЛАДОС, 2000.;
8. Атоян А.Д. Конфликтология. Москва, 2005;
9. Зеркин Д.П. Основы конфликтологии. М., 2011;
10. Ратников В.П. Конфликтология. Вопросы и ответы. М., 2014.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

11. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
12. [www.edu.Uz](http://www.edu.Uz)
13. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
14. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
15. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

#### **V. КЕЙСЛАР БАНКИ**

##### **Мини-кейс 1.**

*«Сиёсий конфликтларнинг манбаларидан бирини қиёсий таҳлил этиши»*

Марказий Осиёда азалдан кўплаб динлар мавжуд бўлган. Бир неча асрлар давомида уларнинг вакиллари бу тинч-тотув умр кечирганлар. Бизларга мазкур динларнинг ёзма, оғзаки ва меъморий манблари етиб келган. Улардан юртимиздаги ёшларни одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этадиган, диний бағрикенглик руҳида тарбия этиш учун фойдаланилади.

*Жамоатчилик орасида ва айниқса, ёшлар ўртасида диний бағрикенгликни тарзиб этиши ва унда керакли самарани олиш учун мазкур динларнинг манбаларидан нималарни мисол тариқасида келтирар эдингиз?*

##### **Мини-кейс 2.**

*«Турли динларга мансуб талабалар ўртасида диний масалада низо, тушунмовчилик юзага келди. Сизни уни бартараф этиши учун таклиф этишиди»*

Тортишиб қолган талабаларнинг бири мусулмон, иккинчиси христиан. Уларнинг ҳар бири ўз динини ҳақ деб билади. Ўзбекистон қонунчилигига баён этилган виждан эркинлиги тўғрисидаги масалардан хабарсиз. Шунингдек ўз фикрларини диний нуқтаи назардан ҳам жўяли асослаб бера олганлари йўқ. Тортишув ҳамон даврм этмоқда.

*Ҳакам сифатида сўзни нимадан бошлар эдингизу нима билан хуноса қилган бўлардингиз?*

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Конфликтология фани: предмети, функцияси ва аҳамияти.
2. Конфликтни тизимли-структур таҳлили.
3. Конфликтларни таҳлили қилиш босқичлари.
4. Конфликтологиянинг асосий йўналишларини кўрсатинг ва уларга қиёсий тавсиф беринг.
5. Конфликтларни тизимли-функционал таҳлили.
6. Конфликтларни таҳлили қилиш босқичлари.
7. Хорижий психологияда конфликт муаммоси (психоаналитик ёндошув ҳамда социотроп этологик ёндошувларнинг қиёсий таҳлили).
8. Конфликтларни тадқиқ этишнинг методологик тамойиллари.
9. Конфликтларни таҳлил қилиш босқичлари.
- 10.Фарб социологиясида конфликт муаммоси (Социал дарвинизм, конфликтнинг функционал назарияси, жамиятнинг конфликтли модели назарияларининг қиёсий таҳлили).
- 11.Сиёсий конфликтлар: моҳияти, функцияси ва структураси.
- 12.Конфликтларни таҳлили қилиш босқичлари.
- 13.Фарб политологиясида конфликт назарияси (Сиёсий грухлар назарияси).
- 14.Конфликтларни тизимли-информацион таҳлили.
- 15.Конфликтларни таҳлили қилиш босқичлари.
- 16.Фарб политологиясида конфликт назарияси (Сиёсий барқарорлик назарияси).
- 17.Конфликтларни тизимли-вазиятий таҳлили.
- 18.Конфликтларни таҳлили қилиш босқичлари.
- 19.Фарб политологиясида конфликт назарияси (Этносиёсий назариялар).
- 20.Конфликтларни тизимли-генетик таҳлили.
- 21.Конфликтларни таҳлили қилиш босқичлари.
- 22.Ҳалқаро ва минтақавий конфликтлар фани: предмети, функцияси ва аҳамияти.
- 23.Ҳалқаро конфликтлар ва сиёсий фанларнинг ривожлниши ва долзарб муаммолари.
- 24.Замонавий ҳалқаро конфликтларнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 25.Ҳалқаро конфликтларни ўрганишнинг асосий ёндашувлари.
- 26.Конфликтологик амалиётларни назарийлаштиришнинг замонавий муаммолари ( ҳалқаро ва минтақавий конфликтлар мисолида).
- 27.Фарб политологиясида конфликт назарияси (Сиёсий барқарорлик назарияси).
28. Конфликтларни тизимли-вазиятий таҳлили.
29. Конфликтларни таҳлил қилиш босқичлари.
30. Конфликтларни тизимли-генетик таҳлили.
31. Конфликтни тизимли-структур таҳлили.
32. Ҳалқаро конфликтлар тузилиши ва вазифалари (масалан Л. Козер назарияси мисолида).
33. Ҳалқаро ва минтақавий конфликтлар асосий қўринишлари ва турлари.

34. Минтақавий конфликтларни вужудга келишининг асосий сабаблари (иктисодий).
35. Минтақавий конфликтларни вужудга келишининг асосий сабаблари (маданий - психологик).
36. Минтақавий конфликтларни вужудга келишининг асосий сабаблари (диний).
37. Ҳалқаро конфликтларни вужудга келтирувчи асосий омиллар.
38. Ҳалқаро конфликтлар эскалацияси ва дескалацияси.
39. Ҳалқаро ва минтақавий конфликтларнинг сиёсий муносабатларда тутган ўрни ва роли.
40. Ҳалқаро ва минтақавий конфликтлар сиёсатнинг инструменти сифатида.
41. Конфликтли ҳатти - ҳаракат стратегиясини амалга оширишнинг тактик усуллари.
42. Конфликтларни бошқариш: тузилиши ва босқичлари.
43. Ҳалқаро конфликтларни тартибга солиш бўйича илмий тадқиқодларни шакланиши ва ривожланиши.
44. Ҳалқаро ва минтақавий конфликтлар бартароф этишда сиёсий фанларнинг роли.
45. Ҳалқаро конфликтларни бартараф этишнинг ўзига хос жиҳатлари (инструментлари, йўналишлари, тактика ва стратегиялари).
46. Турли ҳил сиёсий тизим ва тартиботларда конфликтларни бартараф этишнинг ўзига хос йўналишлари ва усуллари.
47. Конфликтларни бартараф этиш стратегиялари ва услублари.
48. Ҳалқаро ва минтақавий конфликтлар бартараф этишда музокараларнинг моҳияти, кўриниши ва функциялари.
49. Ҳалқаро ва минтақавий конфликтлар бартараф этишда музокараларнинг босқичлари ва олиб бориш технологиялари.
50. БМТ ҳавсизлик кенгаши фаолияти тамойиллари.
51. Ҳалқаро ва минтақавий конфликтлар бартараф этишда учинчи томоннинг роли ва унинг қўринишлари.
52. Ҳалқаро ва минтақавий конфликтлар бартараф этишда минтақавий ташкилотларнинг роли (ЕХХТ).
53. Ҳалқаро ва минтақавий конфликтлар бартараф этишда ҳалқаро ташкилотларнинг роли (БМТ).
54. Ҳалқаро ва минтақавий конфликтлар бартараф этишда минтақавий ташкилотларнинг роли (ШХТ).
55. Ҳалқаро ва минтақавий конфликтлар бартараф этишда сиёсий етакчилар ва фуқаролик жамиятларининг узаро хамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари.

## VII. ГЛОССАРИЙ

**Аболиционизм** – у ёки бу қонунни бекор қилишга интилевчи ижтимоий ҳаракат. Бу ҳаракат XVIII аср боши XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда қул

савдоси ва қулчиликка қарши ҳамда уни бекор қилиш учун кураш даврида кенг намоён бўлди.

**Абсолютизм** – чекланмаган монархия, давлат бошқаруви шакли бўлиб унда сиёсий ҳокимият яхлит ҳолда бир кишининг қўлида – қиролда бўлади. Давлат ҳокимиятининг ниҳоят даражада марказлаштирилганлигини изоҳлайди.

**Автократия** – давлат бошлиги чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган бошқарув. Ушбу тушунча ҳозирги давр луғатларида ҳокимиятга даъвогарлик қилувчи шахс, гурухнинг чекланмаган сиёсий хукмонликка интилиши сифатида ифодаланади.

**Авторитаризм** – (лотинга “autorities” – обрў, нуфуз ва эътибор) давлатни бошқариш усулларидан бири. Якка шахснинг давлатнинг ўз таъсири, обрўси, ташкилотчилиги, шиҷоати, жамиятни яхши билими асосида бошқариши. Авторитаризм, одатда, жамият ўз тараққиётининг мураккаб, қалтис ва масъулиятли даврларини бошидан кечираётган паллаларда сахнига чиқади. XX асрда авторитаризм асосан салбий маънода намоён бўлди. Ҳозирги дарв авторитаризмига ҳарбий-полиция фашистик тартиботлар “казармали коммунизм” шунингдек сталинизм киради.

**Агрессия** – бир давлат томонидан иккинчи давлатга нисбатан терриорияни қўлга киритиш, унинг мустақиллигини йўқ қилиш ёки чеклаш, аҳолисини бўйсундириш мақсадида ҳар қандай куч ишлатиш, тўғридан-тўғри куролни агрессия – (босқинчилик).

**Анархизм** – жамиятни давлат ҳукуқ ва институционал бошқарувнинг барча шаклларидан бутунлай воз кечишига чақирувчи фалсафий, ижтимоий-сиёсий оқим. Анархистик ғоялар қадимги дунё ва ўрта асрларда ҳам учрайди. Давлатнинг ролини бегоналаштирга қарши танқидий фикрлар Лао УЗИ, Аристинг қарашларида учрайди. Аммо анархизмнинг назарий жиҳатдан шаклланиш даври XVIII аср охирига тўғри келади. Анархизм давлатни юқоридан қўйига қадар ташкил этишнинг барча шаклларига қарши чиқади. Бизнинг кунимизда анархизм ғоялари бир қатор фалсафий, ижтимоий-сиёсий концепцияларга (масалан, “Янги сўллар”, “Яшиллар”, “сўл равикаллар” қарашларига) таъсир кўрсатмоқда.

**Аннексия** – зўрлик йўли (босиб олиш) билан бир давлатнинг, бошқа давлат, халқни босиб олиниши ва бошқа давлат чегарасида мажбуран ушлаб турилиши, мустамлакага айлантирилиши. Аннексия шароитида давлат чегаралари зўрлик йўли билан халқ иродаси ҳисобга олинмаган ҳолда ўтказилади бу халқаро ҳукуқ қоидалари ва БМТ уставига тўғри келмайди. **Антисемитизм** – ирқий шовинизмнинг энг кескин шаклларидан бири, еврей миллатини тақиб этиш ва унга душманларча муносабатда бўлган мафкура ва сиёsat. Фашистлар германиясида антисемитизм давлат сиёsatи даражасига кўтарилган. Антисемитизм халқаро ҳамжамият томонидан қораланган.

**Апартеид** – (африкаанс тилидан олинган бўлиб – алоҳида яшаш маъносини англатади). Мамлакат аҳолисининг бутун гурухларини ирқига қараб, кескин тенгсизлик ҳолати солувчи сиёсий, фуқаролик ва ижтимоий-

иқтисодий ҳуқуқлардан маҳрум этувчи ирқий \_\_ этишнинг энг жирканч шаклларидан бири.

**Абсентеизм** – (лот. қатнашмаслик) сиёсий иштироқдан бош тортиш, сиёсий лоқайдлик. У қуйидаги сабабларга кўра вужудга келиши мумкин: шахсда сиёсий маданият етарлича шаклланмагани; гурухга мансублик хиссининг йўқотилиши ёки умуман бўлмаганлиги; сиёсий институтларга ишончизликтининг ниҳоятда кучлилиги; ҳокимиятга таъсир эта олмаслик хисси; ҳаётдан мамнунлик. Яъни абсентеизм ҳаётнинг ижтимоий-сиёсий шароитларидан ўта даражада қониқмаслик ёки ўта қониқиши натижаси бўла олади. Шунга кўра у ҳокимият ижтимоий мададдан маҳрумлигини ёки сиёсий барқарорликни англашиб мумкин.

**Абсолютизм** – (лот. мутлоқ, шубҳасиз) мутлоқ ҳокимият, мустабид ҳокимият маъноларини англатади. Абсолютизм – бир кишининг (подшо, султон, император) қонун билан чекланмаган мутлоқ ҳокимиятига асосланган давлат тузуми. Абсолютизм Франция ва Англияда XVII асрда, Японияда XVIII аср бошларида, Туркия, Мисрда XIX аср охирида мавжуд бўлган. Бу турдаги давлатда ҳокимият бир киши қўлида тўпланади, давлат улкан бюрократик аппарат (давлат муассасалари), мунтазам армия, суд, полиция ёрдамида идора қилинади. Ўрта Осиё ҳудудида 1917 йил инқилобигача мавжуд бўлган хонликларни Абсолютизмга киритиш мумкин.

**Агрессия** – (лот. босиб олиш) тажовуз, босқинчилик, бир ёки бир неча давлатнинг бирор давлат, ҳалқ сиёсий мустақиллиги ва суверенитетига қарши ҳарбий қучни ноқонуний тарзда қўллаши. Агрессия тўғридан-тўғри, бавосита, қисман амалга оширилиши мумкин. Ҳар қандай вазиятда у кескинлик ортиши, қурбонлар, сиёсий в.б. вазиятларнинг нобаркарлашувига олиб келиши мумкин. Ҳалқаро ҳуқуқда агрессия учун ҳалқаро ҳуқуқий жавобгарлик тамойили амал қиласди.

**Адаптация сиёсий** – (лот. мослашиш) сиёсий тизим, сиёсий тузилмаларнинг атроф-муҳит талабларига мослашиши жараёни. У сиёсий тизим олдида турган вазифалар ўзгариши, янги мақсадлар аниқланиши, муаммоларни ҳал қилиш учун янги ёндошувлар ишлаб чиқилишида намоён бўлади.

**Актор** – (лот. арбоб) агент, сиёсий ҳаётда тўғридан-тўғри ёки бевосита иштирок этувчи сиёсий субъект. Шахслар, гурухлар, партиялар, синфлар, давлатлар в.х. ҳам актор бўла олади.

**Альтернатива** – (лот. иккисидан бири) бир-бирини истисно этувчи имкониятларнинг ҳар бири; мавжуд икки ёки бир неча имкониятдан бири, муқобиллик.

**Альянс** – (фр. иттифоқ) умумий мақсадларга эришиш ниятида айрим шахслар, сиёсий партиялар ёки давлатларнинг бирлашуви, иттифоқи.

**Антиномия** – (фр. қонунга қарши) бир хил даражага асосланган ва тўғри деб эътироф этиладиган, лекин қарама-қарши ҳукмлар тўқнашуви.

**Антисеммитизм** – ирқий айирмачилик ва миллий низони авж олдиришига уринувчи миллатчиликнинг энг кескин кўринишларидан бири. Яхудий миллатига мансуб шахсларга нисбатан душманлик муносабати ва таъкибни тарғиб қилувчи мафкура ва сиёsat. Шакллари: сегрегация, дискриминация,

геноцид.

**Антагонизм** – (гр. кимгадир қарши курашаман) муросасиз қарама-қаршиликлар.

**Апатия сиёсий** - (гр. ҳиссизлик) сиёсий воқеликка нисбатан шахсда ҳиссий бефарқлик, лоқайдлик билан белгиланувчи ҳолат. У сиёсий манфаатлар ва сиёсий фаолиятга жалб этувчи турткilar кучсизланганда ёрқин намоён бўлади, инсон сиёсатга таъсир эта олиш имконияти ва қобилиятини йўқотиши натижасида вужудга келади.

**Артикуляция** – (лот. бўғин-бўғин, тушунарли сўзлаш) сиёсий тизим функцияси. У қарор қабул қилувчи ташкилотларга талабларни баён этиш вазифасини бажаради. Демократик сиёсий тизимларда бу вазифани – манфаат гурухлари, сиёсий партиялар, парламент; авторитар сиёсий тизимларда – корпоратив институтлар бажаради.

**Архетип** – (гр. ибтидо) жамоа ботиний онгидаги яширин маданий стереотиплар. У бевосита тарзда хулқ-авторимизга, танловимизга таъсир кўрсатади.

**Сиёсий банкротлилик** – алоҳида сиёсий етакчи, сиёсий партия, давлат хукмрон доираларининг муваффақиятсизликка учраши, ўз ваъдаларининг устидан чиқа олмаганликлари, инқирозга учраган сиёсатни тубдан қайта ўзгартириш, омманинг сиёсий ишончини қозонган сиёсий етакчилар билан ўзгартириш ва ҳ.к.

**Большевизм** – сиёсий йўналиш, шунингдек, сиёсий фаолиятнинг сиёсий технология, усул ва йўллари. Ленинча большевизм (яъни необольшевизм) россия социал-демократик ҳаракатининг сўл оқимини англатади. Кейинчалик у аҳолига нисбатан зўравонликка асосланган технология йўлини тутган сўнг коммунистик Партия фаолиятига айланган.

**Байналминалчилик** – (интернационализм, арабча “байналминал” - миллатлараро) жаҳондаги барча миллат ва элатларнинг тенглиги, хамжиҳатлиги назарияси ва амалиёти. Инсоният тарихи турли миллатлари ва элатлари орасида иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий алоқалар ўрнатилиб, уларнинг тобора мустаҳкамланиб бориши жараёнидир. Бундай муносабатларсиз ижтимоий тараққиёт амалга оймайди. Байналминалчилик миллатчилик ва миллий бикиклиknинг хато ва камчиликларини очиб ташлаш жараёнида вужудга келади. Байналминалчилик умуминсоний воқеа бўлиб, давлатлар ўртасидаги чегаралар ва турли тўсиқлар барчага пурт етказмаслиги кераклигини таснифлайди.

**Биржа** – (лотинча “bure” - ҳамён) стандартлар, яъни андозалар ёки намуналар бўйича сотиладиган оммавий товарларнинг мунтазам фойдаланадиган савдо шаклларидан бири бўлиб, товар биржаси, қимматбаҳо қофозлар (акциялар, облегациялар ва бошқалар) биржаси, фонд биржаси, валюта, яъни чет эл пуллари биржачи ва шу каби турларга бўлинади. Биржа мунтазам иш олиб борувчи улгуржи бозорнинг энг ривожланган шакли бўлиб, унда товарлар, стандартлар бўйича алмаштирилади, қимматбаҳо қофозлар ва валюта сотилади. Биржанинг ярмаркадан фарқи шундаки, товарларни сотиш чоғида мавжуд товарлар юзасидан битишувлар амалга оширилмайди.

**Божхона** – давлат чегарасидан ўтказиладиган мол-мулклар ҳамда транспорт воситаларини назорат қилувчи, шунингдек, юк эгаларидан белгиланган тартибда (пошлина) ва бошқа йиғимларни ундирувчи давлат муассасаси. Божхона давлатнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилувчи органларидан биридир.

**Бозор иқтисодиёти** – жамият тараққиётини тезлаштирувчи иқтисодий алоқалар мажмуи. Бозор иқтисодиёти моҳияти шундан иборатки, у барча жамият аъзоларини ишлаб чиқариш ва истеъмол орқали доимий иштирокчиларига айлантиради. Шу боисдан бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришнинг кун сайин такомиллашувига, маҳсулот сифатининг яхшилашиб боришига, миқдорнинг эса кўпайишига сабабчи бўлади.

**Бюрократизм** – қоғозбозлик, сансоларлик, ишнинг моҳиятига чукур ёндашмаслик, бюрократизм ҳокимиятнинг (муассаса хизматчиларнинг) халқ оммасидан ажralиб қолган вазиятда вужудга келади. Бюрократизм – бу ижтимоий бошқарув шаклларини, далилларни бузиб кўрсатиш, бир шахс ёки ижтимоий гурӯҳ манфаатлари йўлида давлатчиликни бузиб кўрсатилиши. Энг кенг ривожланган ва ифодаланган шакллари давлат бошқаруви соҳасида амал қиласи.

**Волюнтаризм** – (лотинча “volentare” - ирода) –

1. Фалсафада волюнтаризм идеалистик оқимлардан бири бўлиб иродани борлиқнинг энг юқори тамойили деб қарайди.
2. Психологияда волюнтаризм иродани инсон руҳий ҳаётининг асосий омили деб қарайди.
3. Сиёsatда волюнтаризм ҳақиқий, инсон онгидан мустақил равишда мавжуд бўлган қонуниятларни инкор қилиб, имконият ва шароитларни эътиборга олмаган ҳолда шахснинг ўз субъектив иродаси орқали фаолият кўрсатишидир.

**Виждон эркинлиги** – бу фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳукуқидир. “Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси” – БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган халқаро ҳукуқий хужжатдир. Бу хужжатда инсонларнинг ҳукуқ ва эркинликлари, ҳаёт кечиришини таъминлайдиган ҳукуқ ва эркинликлари белгиланган.

**Геосиёсат** – (юононча “geo”-ер ва “politike”-давлатни бошқариш санъати.) – давлатлар ташки сиёsatини амалга оширишга географик омиллар (давлат эгаллаб турган ҳудуднинг қулайлиги ёки ноқулайлиги, катта ёки кичик эканлиги, тупроғининг серҳосиллиги, тоғ ва дашту-чўлларнинг кўп-камлиги ва ҳ.к.)га алоҳида ургу бериш геополитика назариясига биноан миллатларнинг ва давлатнинг табиати, географик жойлашганлигига боғлиқ.

Геосиёсат глобаллашувидан фойдаланиб XVII-XIX асрларда мустамлакачи давлатлар ўз босқинчилик сиёsatини амалга оширдилар. XV асрда фашистлар германияси, Япония ва шўро истебдод давлати геосиёсий сиёsatни амалга ошириди.

Хозирги замон геосиёсати жаҳон ва ҳар бир давлат сиёsatда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Лекин хозирги замон сиёsatи тинчлик, хамкорлик, яратувчанлик сиёsatини амалга оширишга қаратилган, умужаҳон

демократияси, халқлар тенглиги жамоатчилариға сұянағы.

**Глобаллашув** – лотинча “глоб” сүзидан олинган бўлиб, айни уни “Думаликлашув” деб таржима қилиш мумкин. Ер шарининг, ер қуррасининг фан техника ютуқлари туфайли инсоният ихтиёридаги худди бир бутун шарга, куррага айланишини тушунтириш учун ишлатилади.

Глобаллашувнинг ижобий томони шунлан иборатки, у халқларнинг, давлатларнинг, миллий мадания ва иқтисодиётининг яқинланишинитузлаштиради, уларниң ривожланиги учун янги имкониятлар очади. Унинг салбий томони шундан иборатки майда, қолоқ, этик гуруҳлар ва мамлакатларнинг маданияти, тили урф – одати куяайиб бораётган глобаллашув жараёнларидақайта миллатлар, йирик минглаб маданиятлар, бой тиллар билан рақобатлана олмай ўз – ўзидани жтимоий – иқтисодий, инсоний – забоний ҳаётдан четга чиқиб келади. Бундай шароитда хар бир онгли фуқаронинг вазифаси – ўз миллатининг рақобатбардошлигини кўрсатиш, бунинг учун унинг фаол сиёсати, тадбиркорлик иқтисодиёти, маданиятида салмоқли салмоқли ютуқлари учун курашади.

**Геноцид** – халқаро жамоатчиликнинг кўриниги бўлиб бутун бир аҳоли гуруҳларини ирқий миллий, этник ёки диний алломатларига кўра барчани жисмоний жисатдан қирғин қилиш унинг асосий мақсадидир.

Миллий маданий соҳада геноцид - бу у ёки бу миллатни ирқий ёки диний гурухнинг тилини, динини ва маданиятини: миллий тилда ўқитишни тақиқлаш, библиотекаларни, музейлар, мактаблар, тарихий ёдгорликлар, маданий иншоатлар ва х.к.з. йўқ қилиш демакдир.

**Глобал муаммолар** – ушбу муаммолар ўзининг даҳшатли оқибатлари, жиноятга келтирадиган зарари билан бошқа хар қандай муаммолардан қисман фарқ қиласи. Бу муаммоларни жамият хаётида рўй берадиган бирдан – бир муаммога қиёслаб бўлмайди. Улар ўзининг кўллами ва миқёсларига кўра дунёning жуда катта қисмига ёйилган бўлиб, кўпчилик мамлакатлар ва халқлар хаёлтига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Глобал муаммолар моҳиятига куйидаги турларга бўлинади: Инекничний ядро халокатидан сақлаш; ялпи ва умумий умумий тинчликни таъминлаш; халқаро терроризм муаммоси шу жумладан миңтақалардагитеррористик харакатларга биргалиқда кураш; гиёхвандликка қарши биргалиқда кураш; жамият муаммоси; энергетика муаммоси; қашшоқлик муаммоси; очарчиликка қарши кураш; хайвонот ва ўсимликлар дунёсини сақлаш; экология; спид ва х.к.

**Давлат хокимияти** - Халқ хокимиятининг маҳсус қурилмаси – давлат орқали амалга оширилади. Давлат ўзининг органлари орқали сиёсиё хокимиятни амалга оширади. Хокимият давлат қўлида тўпланганидагинабир ерда мужассамлашиши ва самарали амалга оширилиши мумкин. Давлат ўзига тегишли хокимият воситасида мажбурлов ва таъсир чораларини қўллайди. Давлат хокимияти қонунидир, яъни давлатнинг, давлат органларининг ваколатлари қонун билан белгилаб қўйилади.

**Давлат бошқарувининг президентлик шакли** – давлат бошқарувининг самарали шаклларидан бири, давлатни бошқариш санъати, назариёти ва амалиётининг тараққиёти натижасида тараҳий тенеригача таяниболинган

асосий йўллардан биридир. Президент Республикаси ҳозирги кунда энг кўп тарқалган давлат бошқаруви шаклидир. Расмий маълумотларга кўра БМТга аъзо 192 давлатдан 142 таси Президент лавозими мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти президентлик республикасидир. Президентлик республикасининг парламентар республикадан фарқи: президент бевосита халқ жамиятидан сайланиб давлат ва ижроия хокимият масъулиятини ўз ичига олади.

**Давлат тузилиши ва унинг шакллари** – Давлат ўз тузими жихатдан асосан уч турга федератив, конфедератив ва унитар тарзда бўлиниши мумкин.

Унитар давлат (яхлит) федерациядан фарқли ўлароқ, вилоят, ўлка, туман губерня, графилклар сингари мъмурий – худудий қисимлардан ташкил топган тузилма.

Федаратив (мураккаб) давлатлар эса давлатчиликнинг автоном (мухтор) давлатлар эса давлатчиликнинг автоном (мухтор) штатлар, худудий ер бирликлари каби қисимлардан тузилган (М: АҚШ да штатлар ва б.)

Конфедерация – давлат тузилишининг шундай бир шаклини, унга кўра, конфедерацияни таъсис этувчи давлатлар, ўз мустақилликларини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда, муайян бир мақсадда (харбий, хўжалик, мухим ички ва ташқи сиёsat масалаларини хал қилишда) ўз кучларини уйғунлаштириб, иш кўрадилар.

**Давлат чегараси** – давлатнинг зарурий белгиларидан биридир. Ҳар қандай давлат ўз худудий чегарасига эгадир. Давлат худудининг бошқа бир давлат худуди билан туташ чизиги давлат чегараси деб аталади. Давлатимиз худудий чегарасининг умумий узунлиги 6221 км. ни ташкил этадижумладан Қозогистон билан чегара – 2203 км, Туркманистон – 1621, Тожикистон билан 1161 км, Қирғизистон билан – 1093 км, Фвғонистон билан - 137 км. дан иборат.

**Девальвация** – (лотинча, *devalete* пасайиш, камайиш, қийматлизаниш) – миллий валюта курсининг олтин стандарти ва валюталар қатъий курси тизимиға нисбатан камайиши, пасайиши. Девальвация натижасида чет эл валютаси қиймати ошиб, импорт қилинадиган товарлар ва хизматлар нархларни ошиши мамлакат ичкарисида ишлаб чиқариладиган товарлар нархи тушиши юз беради.

Амалда миллий валюта девальвайяси ахҳамиятининг фаол даромади камайишига ва унинг турмуш даражаси пасайишига олиб келади. Девальвацияга тескари жараён ревальвация деб аталади.

**Демократия** – (Қадимги замон тилида “*demos*” халқ ва “*kratos*” – хокимият) – “Халқ хокимияти” маъносини англатади.

Демократиянинг муҳим хусусияти шундаки унда халқ хокимияти яъни озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши қоидаси расмий равишда эълон қилинадиҳамда фуқароларнинг эркинлиги ва тенг хукуқлилиги эътироф этилади. Бу шартлар жамият ҳамда унинг аъзолари ҳаётининг асосий қонуни – ушбу давлатнинг конституциясида акс эттирилади.

**Дипломат** – (юононча “*diploma*” – “иккига буқланган хужжат” сўзидан олинган ва ушбу хужжатни манзилга етказувчи шахс “Дипломат”, деб аталади) – давлатнинг хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа

бошқа соҳалардаги фаолиятини таъминлаш ҳамда унинг миллий манфатларини химоялашни амалга оширишга қаратилган расмий фаолияти. Дипломатия – ташқи сиёсатининг, давлат халқаро фаолиятининг ажралмас қисми.

**Деспотизм** – 1) Давлат тузилиши тизими хокимиятнинг зўравонлигига, халқнинг хар қандай хуқуқидан маҳрум этилганлигини характерловчи чекланмаган монархияга 2) чекланмаган хокимиятга, халқнинг эркин хуқуқини бўғишга. Деспот – чекланмаган ва қаттиқ қўл хукмдор, золим.

**Евро** – “Европа” қитъаси номининг қисқартирилгани бўлиб шу қитъага тегишли пул бирлигини мамлакатларнинг ягона валютасидир.

1998 йилда Европанинг ягона валюта – иқтисодий фазоси вжудга келтирилди. Европа марказий банки ташкил қилиниб, Европа иттифоқи мамлакатларнинг умум пул-кредит сиёсати амалга оширила бошланди ва январдан Европа Иттифоқи бўйича ягона пул бирлиги “Евро” киритилди. 2002 йил 1 июлдан миллий валюталар муомаладан узил – кесил чиқарилди.

**Европа давлатлари иқтисодий уюшмаси** - 1957 йилда Германия, Франция, Италия, Бельгия, Голландия ва Люксембург давлатлари томонида шартнома асосида тузилган иқтисодий уюшма ташкил топган кундан бошлаб хозирги кунгача мазкур уюшмага ғарбий Европадаги 26 давлат аъзо бўлган.

Уюшманинг мақсадларига мувофиқ

- А) Давлатлар аро божхона уюшмаси тузилган
- Б) Мехнат кучи, хизматлар ва капиталлар умумий бозори тузилган.
- В) Кишлоқ хўжалиги ва транспортда ўзаро келишилган тадбирлар ўтказилмоқда.
- Г) Давлатларнинг иқтисодий камчилигини яқинлаштириш тадбирлар амалга оширилмоқда.
- Д) Уюшма аъзолар билан бошқа мамлакатлар билан ўзаро келишилган савдо – сотик сиёсатини амалга ошириладилар.

**Инвестиция** - (лотинча “investicio” - жойламоқ) маблағни маълум бойликни, қўшимча даромад олиш мақсадида, ишлаб чиқариш, ёки бошқа соҳаша жойлаштириш, маблағ сарфлаш демакдир, “инвестиция” ва “маблағ сарфлаш” тенг кучли сўзлар дейиш мумкин. Тадбиркорлик ва бошқа фаолиятлар турларига қўшиладиган барча моддий ҳамда номоддий бойликлар инвестиция хисобланади.

Бу бойликлар қуидагича бўлади:

Бу бойликлар қуидагича бўлади:

- пул воситалари, мақсадли банк омонатлари хиссалар, акциялар, сугурта хужжатлари ва бошқа қимматли қоғозлар;
- Кузатиш мумкин бўлган ва кўчмас мулк
- Муалифлик хуқуқидан келиб чиқадиган мулкий ва номулкий хукуқлар, бошқа интелектуал хукуқлар.
- Бошқа бойликлар

Инвестициялар узок, ўрта ва қисқа муддатли инвестицияларга бўлинади. Узок муддатли инвестициялар, асосан, қиммат баҳо ва мураккаб лахзаларда амалга ошириладиган, улар узок муддат давомида ўзини –ўзи қоплайди. (10 ва ундан

ортиқ йиллар) қисқа муддатни инвестициялар одатда бир йилга бўлинади.

**Интеграция** - (лотинча “*integratio*” ўзаро мослашиш ва бирлашиш) миллий иқтисодиётларнинг сифат жихатдан янги шароитларга эга бўлиши ва мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтиришмақсадида иқтисодий равишда бирлашиши, бир-бирига ўзаро таъсир этиши жараёнининг кучайиши. Иқтисодий интеграция ҳамкорлик, иқтисодий сиёсатда устивор йўналиш деб ишлаб чиқариш ривожланишни белгиланган мамлакатлар ўртасида, асосан ишлаб чиқариш алоҳида юз беради ва бу жараённи амалга ошириш мақсадида мамлакатлар қатор чора тадбирларни қўллайдилар интеграция жараёни ривожланиши даражасига боғлиқ ҳамда беш боғонага ажратилади.

- 1) Эркин савдо минтақаси;
- 2) Умумий бозор;
- 3) Божхона иттифоқи
- 4) Валюта – иқтисодий иттифоқ;
- 5) Сиёси иттифоқ;

Мазкур борада Европа иқтисодий ҳамкорлиги (ЕИХ) Европа иттифоқи намуна бўлиб хисобланади.

**Интернет** – Ягона тилда мулоқот қилувчи компьютерларни бутун дунё бўйлаб (глобал) тарқалган тармоғидир. У халқаро телерадио тармоғига ўхшаш хеч кимга тебе эмас ва унинг хеч дим тўлашигача бошқармайди. Шунга қарамай у шундай боғланганки, гўёки у ягона сизга ишлагандек имкон яратади. Бугунги кунда интернет 190 дан зиёд мамлакатларда бор 600 млн. Ортиқ абонентга ҳизмат қиласи. Тармоқ хажми хар ойда 7, 10 % га кўпаймоқда тармоқдаги барча компьютерларнинг ягона умумий фарқи TCP/ip тили деб номланади. Компьютердан фойдаланувчилар бу тил орқали ўзаро мулоқатда бўладилар.

**Инфиляция** – (лотинча “*inflatio*” – шишиш, кўпирги) нарх – навонинг тез суратларда – ошиши реал товарлар таклифларга нисбатан пул массаси ортиб, пулнинг қадр-қиймати ва харид қобилиятининг қадр – қиймати ва харид қобилиятининг пасайиб кетиши. Иқтисодиётда вжудга келадиган муаммолар пул босиб чиқаришни кучайтириш орқали хал қилинса ёки қоғрз пуллар хажмини ўзгармаган холда товар хажми камайса, инфиляция юзберади. У аҳоли турмуш даражасини пасайишига сабаб бўлишдан ташқари корхоналарни уин муддатли инвестициялар жорий этишга мажбур қиласи, ишлаб чиқариш салоҳиятини ва техникани янгилашга қаратилган – интилишларни сўндиради.

Бу билан иқтисодиётнинг қайта режаланишига тўсқинлик қилибина қолмай, унинг келажакда ривожланишнинг сусайишига олиб келади.

Инфиляция турлари:

- 1) интеграциялашган инфиляция – иқтисодий омиллар асосида рўй беради;
- 2) Кредит инфиляция – хаддан ташқари кредит экономияси натижасида вжудга келади;
- 3) Урмаловчи инфиляция – суст суръатларда ривожланувчи инфиляция;

- 4) **Қатағон инфилация** – нархларнинг юқори суратлари кўтарилиши;
- 5) **Маъмурий инфилация** - нархларни бошқариш йўли билан ошириш натижаларида юзага келади;
- 6) **Гиперинфилация** – нархлар ўта тезликда ўсади.
- 7) **Ижтимоий инфилация** – нархлар ортади, атроф мухит химоя этишга харакат қилиниши натижасида ўсади.
- 8) Иқтисодий тушкунчиликнинг ишсизликнинг ортиши боғлиқлиги ва иўлаб чиқаришнинг қисқартириш билан боғлиқ инфилация.

**Импичмент** – айблаш, давлат жиноятчисини сўзга тортиш. Бир қатор мамлакатларда(Буюобритания, АҚШ, Япония) давлат жиноятчиларини. Мансабдор шахсларни ҳаттохи давлат бошлиғи – президентини конститутциясида кўрсатилган моддаларни бузганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш қонун йўли билан мустахкамланган. Маъсулият амалга ошириш қийин қонунчилик палатаси, ушбу масалани кўриб чиқиш эса юқори палатага юклатилган.

**Инагурация** – Давлат бошлиғи лавозимига киришиш олдидан ўтказиладиган тантанали маросим. Янги президент ва вице президент хокимиятини тантанали қабул қилиш маросими. Шунингдек хайкалларни кўргазмалари очилишида ҳам инагурайияни ифодалайди.

**Иттифоқлар (ассоциациялар)** – бир-бирига яқин ижтимоий уюшмалар томонидан таъсис шартномалари ёки Низомлар асосида вужудга келувчи ижтимоий уюшмалар.

**Иудализм, яҳудийлик** - мил. ав. 2-минг йилликда Шимолий Арабистонда яшаган кўчманчи яҳудий қабилалари орасида вужудга келган дин. Аввал политеистик, кейинчалик мил. ав. 1-асрда тўла ҳолда монотеистик тасаввурларга асосланади.

**Иҳтилоф сиёсий** – ўзаро бир-бирини истисно этувчи манфаатлар ва мақсадлар билан белгиланувчи қарма-қарши ижтимоий ҳаракатларнинг тўқнашуви.

**Коалиция (иттифоқ)** – Бирлашиш, келишув иттифоқ. Партиялар, давлатлар, давлатлар томонидан умумий иқтисодий, сиёсий, харбий мақсадларга эришиши мақсадида тузиладиган ихтиёрий иттифоқ. Европанинг бази давлатларида ҳокимиятни биргаликда бошқариш мақсадида бир нечта сиёсий партиялар бирлашадилар. давлатлар аро харбий сиёсий иттифоқ мисол этиб фашизмга қарши курашда Гитлерга қарши коалиция тузилганлигинимисол келтириш мумкин.

**Конститутция** – (лотинча “constitutio” – тузилиш, тартиб) – Давлатнинг асосий қонуни.

Маълумки , хар бир давлатда, унинг ички ва ташқи хаётини тартибга солиш учун, давлат механизми режали ишлаб туришини таъминлаш мақсадида юзлаб турли қонунлар ишлаб чиқлади. Аммо, бу қабул қилинган қонунлар ва қонуности актлари давлат хаётининг айрим соҳаларига тегишилди. Бу қонунларни ҳаммасини бир мақсад , бир ғоя ва бир тартибга бўйсундирадиган ягона умумдавлат асосий қонун керак, ану шу мухим қонун конституция дейилади. Конституция барча бошқа қонунлар, қарорлар, кўрсатмалар ва

ечимлардан юқори туради, уларга нисбатан энг олий манбадир. Конституция давлатдаги тартиб-қоидаларининг хуқукий асосидир. Конституция аксарият давлатларда олдиндан тайёрланиб, ёзилиб мухокамадан сўнг қабул қилинади. Тарихда биринчи конституция 1778 йилда АҚШда қабул қилинган ва хозиргача у кучда.

**Коррупция** – (лотинча “*corruptio*”- порага сотиш, айниш, таназзул) – мансабдор шахснинг бойиш мақсадида уз мансаби билан боғлиқ хуқуқларни системол қилишдан иборат жиноят. Коррупция энг қадимий жамиятлардан бири: Қаерда давлат бўлса, давлат аппаратининг турли тармоқларида, пастдан юқоригача, коррупция бутун жаҳонга ёйилган жиноятлардан биридир.

Бу масала билан хаттоки бирлашган миллатлар ташкилоти алоҳида шуғулланиб маҳсус курслар қабул қилинган ва коррупцияни қўйидагича таърифлаган:

- 1) Мансабдор шахслар томонидан давлат мулкини уғирлаш, талон-тарож қилиш ва ўзлаштириш;
- 2) Ноқонуний фойда олиш учун ўз хизмат лавозимини систеъмол қилиш;
- 3) Ижтимоий бурч ва шахсий тамагирлик манфаатлар ўртасидаги зиддият.

**Кўппартиявийлик** – хозирги замон жамиятининг ажralmas белгиси, унинг демократиялашуви даражасининг муҳим пойdevor қўрсаткичидир. Кўппартиявийликнинг ўзига хос белгиси, бу сиёsat хилма-хиллик, жамиятда бир неча сиёсий партиянинг мавжукдлигидир. Сиёсий партиялар фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини парламент давлат хокимияти, маҳаллий вакиллик идоралари, аҳолининг ўзини – ўзи бошқариш уюшмалари ва хакозолар орқали ифода этиш ҳолда рўёбга чиқариш мақсадида фаолият кўрсатувчи кишилар бирлашмаларидир.

**Либераллаштириш** – ижтимоий хаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, иқтисодиётга давлат аралашувини, корхоналарга иқтисодий эркинликлар ва хусусий мулкининг давлат томонидан химояланиши.

**Лоббизм** – Қонуният органида фаолият кўрсатувчи йирик монополиялар агентлиги ёки ташкилий гурух бўлиб улар манфатларни ифода этган қонунларни, заказларини, ёрдамга бериладиган маблағни (субсидияни) Олиш йўлида қонун чиқарувчilarни мажбурлаш (керак бўлса сотиб олиши) йўлини тутувчи тушунча.

**Менежмент** – (французча “*menagment*” – хўжалик ишлари билан шуғулланиш) – самарали ишлаб чиқариш ффаолиятини таъмин этиш, манавий ҳамда моддий захиралардан фойдаланиш шакллари, усууллари ва воситалярининг жами.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда менежмент қўп тармоқли бўлиб, унга ўрганиш, ўқиш ва билиш, менежмент соҳасидаги ишларни таомиллаштириш жуда кенг тараққий этган ўқув – ўрганув йўналигидир.

**Менталитет** – (лотинча “*mens*” – ақл, идрок) – жамият, миллат, бирлик ёки алоҳида шахснинг алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, мамънавий салоҳияти, уларнинг хаёт қонунларини тахлил этиш кучи, муҳим ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий

куввати, жамият, миллат ёки шахснинг менталитети унинг ўзига хос анъаналари, расм-руслари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади.

**Миллат** – (арабча “миллат” - ҳалқ) – кишиларнинг ягона ҳолда сўзлашиши, яхлит худудда истекомад қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва рухиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги.

**Миллатчилик** – капитализм даврида жаҳоннинг мустамлакалар ва истрополиялар, қолоқ ўлка ва илфор давлатлар, озод ҳалқлар ва мустабиллик исканжасидаги ҳалқларга бўлиниб кетишига қарши курашувчи демократик, маърифатпарвар ҳамда инсонпарвар кучлардан фарқли ўлароқ бу зиддиятларни ўз миллатини манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-хуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишига интилевчи сиёсий оқим.

**Миллий валюта** – мамлакат худудида барча товар ва хизматлар учун нархларни ифодалаш вазифасини ўтувчи ва қунуний химояланган ягона тўлов воситаси. Ҳар бир мамлакатнинг ўз пул бирлиги мавжуд. Россияда рубль, АҚШ дадоллар қонуний тўлов воситаси хисобланади.

Тартибда турли булимлар, қимматбазо тошлар ва металлар пул вазифасини ўтган. Ҳозирги пайтда муаммода фақат қофоз пулларишлатилади ва уларнинг қиймати олтин ёки қимматбахо металларга боғланган.

**Миллий сиёсат** – ушбу сўз бирикмаси, одатда, икки маънода ишлатилади. Биринчиси – муайян миллий давлат амалга оширилшан умумий сиёсат. Маълумки, давлат асосан, миллий негизида шаклланади масалан Франция-французлар асосий миллатни ва аҳолининг қўпчилигини ташкил қилган давлат.

“Миллий сиёсат” сўз бирикмасининг иккинчи маъноси шундан иборатки, қўпчилик давлатларда, айниқса мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мансуб мамлакатларда миллатлар аро муносабатларга тегишли сиёсат маъносини билдиради.

Ҳозирги кунда ўзбеклар Ўзбекистон аҳолисининг деярли 4/5 қисмини ташкил қиласиди.

**Миллатлараро зиддиятлар** – ижтимоий зиддиятларнинг ўзига хос, этник кўриниши.

**Миллат сиёсий** – сиёсий тизим ривожланиши, устивор қадриятлари, меъёрлари, мақсадларига доир яқдил бўлган фуқаролар бирлиги.

**Миллатчилик** – умумий маданий анъаналарга асосланган ягона тил (ёки яқин диалектлар), урф-одатлар, манфаатлар, миллий рамзлар, институционал бирдамлик (ягона хукумат, давлат ёки миллат суверенитети, худудий яхлитлик), одамлар онгига миллатга мансублик билан боғлиқ лояллик ва умумий ҳислар ёки ирова тамойили, мафкура. Миллатчиликнинг вужудга келиши Француз Инқилоби ва Европада Напалеон экспансияси билан боғланади. Сиёсатшуносликда миллатчилик ва ривожланиш тушунчалари ўзаро боғлиқ ҳолда келади.

**Миллий мафкура** – фуқароларнинг ўз ижтимоий мақомини ошириш билан боғлиқ манфаатлари миллий мансублик билан боғланадиган мафкуралар.

**Миллий сиёсат** – давлатнинг муайян сиёсий хужжатлари ва хуқукий қоидаларида акс эттирилган, миллатлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи мақсадли фаолият.

**Миллий хавфсизлик** – давлатларнинг қадриятлари ва манфаатлари, бу манфаат ва қадриятларга солинаётган таҳдидлар, ҳамда ана шу қадрият ва манфаатларни амалда мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган хавфлардан ҳимоя қилиш усулари борасида расмий қабул қилинган қарорлар тизими.

**Миллий хавфсизлик концепцияси** – давлатнинг қадриятлари ва манфаатлари, бу қадриятлар ва манфаатлар учун мавжуд таҳдидлар, ҳамда уларни амалда мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган хавфлардан ҳимоя қилиш усуллари борасида расмий қабул қилинган қарорлар тизими.

**Митинг** - қандайдир масалани ҳал этиш, ечимини топиш учун чақирилган йиғин. Унинг мақсади мунозара эмас, одамларни амалий ҳаракатга ўтишлари учун руҳан тайёрлаш.

**Мухолифат** – (арабча “мухолифт” – келишмовчилик, тескарилашиш, қарама-қаршилик, зиддият) давлат, Президент, хукумат йиқи сиёсий ҳамда ижтимоий ташкилотларнинг расмий сиёсатига, хукумрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, эътиқод, маслак, йўл.

Мухолифат уч хил бўлиши мумкин: а) парламент досирасида; б) парламентдан ташқарида, В) сиёсий партиялар ичида. Ички партиявий мухоливат муайян партия раҳбариятининг расмий сиёсатига қарши чиқувчи кишилар гуруҳидан иборат. Парламент мухолифатиқонун чиқарувчи органга айланган, аммо унда озвиликни ташкил этган депутатлар ва партия фракциялари хисобланади.

**Монархия** – Давлат бошқарув шакли бўлиб, унда хокимият томонида бир шахснинг қўлида давлат бошлиғида бўлиб, у насилендан наслга, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиш (падсио, кирол, император, султон ва бошқалар) хусусиятига эга. Монархия турли шаклларда номоён бўлади: чекланмаган монархия, бу қўлдорлик ва феодал тузумларда амал қиласи. Чекланган монархия (Парламент монархияси) – хокимият монархия парламент томонидан чекланган. М: Буюк британия, Норвегия, Швеция, Дания ва бошқалар.

**Неакансерватизм** – неаконсерваторлар ахолининг кам таъминланган қатламлари фойдасига ресурсларни қайта тақсимлаш масаласида йирик капиталга солинаётган солиқларга қарши чиқадилар. Улар тенг тақсимлашнинг ашади душмани сифатида давлатнинг ижтимоий дастурларини қисқартириши талаб этадилар. Уларнинг фикрича, хозирги давлат кишилар учун натижалар эмас балкит имкониятлар тенглигини яратиб бериши зарур. Давлатнинг “Согин сигир” га айланиши инсонни бузади, ишдан чиқаради, хар бир киши ўз фаолиятда давлатга эмас, балки ўзининг кучига ишониши керак.

**Неолиберализм** – мафкурунинг ҳарқандай кўриниши ўзгаромасдан қола

олмаслиги каби либерализм ҳам ўзгармасдан келмади. У ижтимоий-иктисодий ўзгаришларнинг таъсири остида XX асрнинг 30 йилларида неолиберализмга ўсиб ўтди. Неолибераллар давлатнинг иктисодий муносабатларини тартиба солиш, фаол ижтимоий сиёсат олиб бориш зарурлигини тан оладилар. Улар сиёсий дастурнинг негизини бошқарувчи ва бошқарилаётганларнинг ўзаро келишуви, сиёсий жараёнда омманинг иштирок этиши зарурлиги, сиёсий қарорларни қабул қилиш амалиётини демократлаштириш ташкил этади.

**Парламент** – (французча “parler” – сўзламоқ; Парламент расмий сўзлашиб жойи, нотиклик кошонаси, сухандонхона). Давлатнинг қонун чиқарувчи олий органи. Парламент биринчи бор XXII асрда Англияда давлат хокимиютининг вакиллик органи сифатида вужудга келиб, XVII-XVIII асрларда бошқа мамлакатларга этилди. Парламент давлатдаги аниқ вазиятга қараб бир палатали ёки икки палатали бўлиши мумкин. Парламент Францияда сенат ва миллий ассемблеядан, Англияда лордлар палатаси ва жамоалар палатаси, АҚШ да сенат ва вакиллар палатасидан иборат.

Парламент қонун чиқарувчи хокимиётни амалга оширади. У қонун бўйича белгиланган сондаги депутатлардан иборат бўлиб, худудий сайлов округлари бўйича, одатда кўпартиявийлик асосида белгиланган ёшга тўлган фуқаролардан сайланади.

**Плебисцит** – (лотинча “pledius” – оддий халқ, “Seium” - қарор) – умумхалқ овоз бериши орқали аҳолининг фикри – хохишини билиш усусларидан биридир. Плебисцит халқнинг сайловларда овоз бериш усусларидан бири сифатида қўлланилади. У давлатни бошқариш шаклини ўзgartириш тўғрисидаги масала юзасидан ўтказилади.

**Республика** – (лотинча “res” – иш, фаолият ва “publikus” – жамоатчилик фаолияти) – давлатни бошқаришнинг асосий шаклларидан биридир. Бошқаришнинг Республика шакли ўрнатилган мамлакатларда давлат хокимиётининг олий органлари муайян муддатга сайланиб қўйилади.

Тарихда Республиканинг хар хил турлари бўлган. Қадимги юнонистонда ва ўрта асрлар даврида, айрим давлатлар бошқариш шаклига кўра, аристократик ёки демократик республика шаклидабўлган.

**XIX – XX** - асрларга келиб, республика давлатини бошқаришнинг энг кенг тарқалган шаклига айланди. Ҳозирги даврда республиканинг учта асосий тури мавжуд: Президентлик республикаси, парламентар республика ва аралаш республика.

**Референдум** – (лотинча “referendum” – эълон қилиниши лозим бўлган хабар) жамиятни демократик бошқариш жараёнида қўлланиладиган тадбирлардан бири, баъзи муҳим масалаларни умумхалқ овозига, умумхалқ сўровига, халқ муҳокамасига қўйиб хал этиш.

Референдиумни давлатнинг олий органи ўтказади. Референдиум – жамиятни демократик асосида бошқаришни таъмин этишга эришиши учун олиб бориладиган кўпчилик курашида эришилган ютуклардан бири.

Референдиум шакллари уч хил бўлади: 1) умуммиллий референдиум – бутун мамлакат миқёсида ўтказилади; 2) Махаллий референдиум - федератив давлат субъектларида ўтказилади. 3) Маъмурий худудий референдиум эса худудий

бирлиқда ўтказилади.

2002йил 27 январ референдиумида халқимиз икки саволга жавоб беради: 1. Ўзбекистон парламенти икки палатани бўлишини маъқуллайсизми? 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколати беш йилдан етти йилга узайтирилиши маъқуллайсиз? Халқимиз бу икки саволга “ҳа” деб жавоб берди.

**Рақобат** – ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектлари (ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, тадбиркорлар, ёлланма ишчилар ва б.) ўртасила қулайроқ ишлаб чиқариш шароитига, арzon ишлаб чиқариш ресурслари ва ишчи кучига эга бўлиши, унумли технология, иш жойи, яхши бозорни қўлга оли, умуман, юқори даромад олиш имконияти учун олиб бориладиган кураш.

**Радикал** – лот. туб, асосий, кескин.

**Радикализм** – 1) бирор масалани ҳал қилишда кескин ҳаракат ва тадбирларни қўллаш, мурасасизлик; 2) сўл қарашларни ифодаловчи оқим, ҳаракат.

**Расизм** – (ирқчилик) мафкура. Унга кўра ҳалқ бир-биридан «табиати» га кўра фарқланиб, раҳбарлик ва бошқариш учун яралган «олий», ҳамда тарихий ривожланиш учун ахамиятсиз «қўйи»ларга бўлинади. Шу билан бирга расизм ҳалқларни ирқий мансублигига кўра ажратиш, камситишга қаратилган амалиёт сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин (баъзан бутун бир давлат миқиёсида: фашистик Германия, XX аср 70-йилларигача ЖАР).

**Ратификация** – (лот. тасдиқламоқ) аҳдлашувчи давлатларнинг мухтор вакиллари томонидан тузилган ҳалқаро шартнома ёки битимнинг олий давлат ҳокимияти томонидан тасдиқланиши. Ратификация шартномага (битимга) юридик куч беради.

**Рационал** – лот. оқил, мақсадга мувофиқ, асосли.

**Рационал-танқидий парадигма** – сиёsatни тушунтиришдаги асосий парадигмалардан бири. У сиёsatни унинг ички хусусиятлари орқали тушунтиради.

**Рақобат сиёсий** – бирор мақсадга эришишдан манфаатдор шахслар, гурухлар, партиялар ўртасидаги сиёsatнинг қандайдир соҳаси бўйича мусобақа, беллашув, тўқнашув.

**Раҳбарлик сиёстӣ** – ҳокимиятни амалга ошириш механизmlаридан бири. Жамият учун мухим қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унинг мақсадлари, вазифалари, истиқболларини аниқлаш билан боғлиқ фаолият.

**Реакцион** – (лот. қарши фаолият) эски тартибларга қайтиш тарафдори, барча илфор, прогрессив нарсаларга қарши.

**Реванш** – (фр. қасос) мағлубият учун ўч олиш; аввалги мағлубият ўрнини босувчи ютуқ.

**Реваншизм** – урушда енгилган давлат ёки ундаги муайян гурухларнинг ўз мағлубиятлари учун ўч олиш ва бой берган мавқени қайтариб олиш учун янги урушни тайёрлашга қаратилган сиёsat.

**Регион** – лот. вилоят-минтақа.

**Регионал (минтақавий) ихтилофлар** – мамлакатлар ўртасидаги ихтилофларнинг минтақавий даражада кескин шаклда намоён бўлиши. Очиқ

куролли тўқнашувларда, уруш хавфи мавжудлигига намоён бўлади.

**Садизм** - фр. ёзувчиси Маркиз Де Сад (1740-1814) исмидан олинган бошқаларнинг азоб чекишидан роҳатланиш.

**Сенат** – (лотинча “senatus, senex сўзидан” ёши улуғ, хаётни кўрган, тажрибали дегани) – жаҳон ижтимоий – сиёсий тарихида қадимдан маълум тушунча. Милоддан аввалги Рим давлатида уруғлар оқ соқолларининг кенгаши “Сенат” деб аталган. Сенат хукуматининг олий органларидан бири. Хозирги даврда АҚШ, Франция, Италия каби катор давлатларда шу жумладан Ўзбекистонда қонун чиқарувчи олий орган икки палатасининг бири.

**Санкция** – (лот. бекор қилинмайдиган қарор) 1) олий инстанция тамонидан бирор актни тасдиқланиши билан унга қонун кучининг берилиши; 2) маъқуллаш; 3) хуқуқга оид: бирор қонунни бузушнинг хуқуқий оқибатлари; 4) замонавий ҳалқаро хуқуқда: ҳалқаро шартномалар бузилганда қўлланувчи (иқтисодий, молиявий, ҳарбий) чоралар.

**Сателлит** – (лот. йўлдош, давлат) сателлит бошқа йирик давлатга тўла қарам, лекин формал жиҳатдан тўла мустақил давлат.

**Сегрегация** – (лот. ажратиш, четлятиш) ирқий камситишнинг бир тури. Унга кўра бирор ирқ вакилларига башқалар билан шаҳарнинг бир қисмида яшаш, бир мактабда ўқиш, театр, ресторанлаарга кириш ва ҳаказолар тақиқланган. Тарихда яхудийлар, негрларга нисбатан фаол қўлланган.

**Секуляр** – (лот. дунёвий) ижтимоий, сиёсий соҳаларнинг диний таъсиридан халос бўлиши, дунёвийлиги.

**Сепаратизм** – (лот. ажралган) ажралишга, бўлинишга интилиш. Кичик миллатларнинг мустақил давлат тузишга интилишида намоён бўлади.

**Сепарат шартнома** - душман билан унга қарши каолициядаги ўз иттифоқчиларидан алоҳида тузилувчи шартнома.

**Сиёсий институтлар** - Жамиятнинг қарор топган давлат ташкилоти муассасалари ва ундаги лавозимлар таркиби тушунилади. Улар муайян сиёсий фаолиятни амалга оширадилар.

**Сиёсий партия** - (лотинча “Part”, “Parts” – қисм, гурӯҳ, эски ўзбекчада арабча “Фирка” сўзи – гурӯҳ тўда) – умумий ғоя ва манфаат, ижтимоий сиёсий мақсадлар асосида одамларни ихтиёри равишда унаштирувчи турғун ташкилот, фуқаролик жамияти билан давлатни бири-бирига боғловчи энг муҳим воситалардан бири, ҳозирги замон хуқуқий демократик давлати хаётининг зарурий омилларидан бири. Сиёсий партиялар сайлов тизими воситасида марказдаги ёки жойлардаги хокимиятни қўлга киритиш ёхуд ундаги лавозимларни сайловдаолган улушларига қараб муттаносиб равишда тақсимлаб олишга харакат қиласди.

**Сиёсий тузим** – Давлат ички тузилиши кенгашларининг ўзаро алоқалари ва таъсирининг энг муҳим, доимий хусусиятларини иродаловчи ижтимоий-сиёсий муносабатларининг мажмуи, йифиндиси. У сиёсий хокимиятни умуман давлат муассасалари тизимини ва унинг асосий ташкилий шаклларини белгилаб беради.

Сиёсий тизм хар бир мамлакатнинг мавжуд шарт шароитларини инобатга олиб

белгиланади. Сиёсий тузим, одатда мамлакат конституциясида ва шу асосида чиқарилган бошқа қонуний хужжатларда мустахкамлаб қўйилади.

**Сиёсий кучлар ва манфаатлари мувозанати** - биргаликда фаолият кўрсатувчи сиёсат субъектларининг ижобий ва салбий сифатларини белгиловчи, шунингдек, улар фаолиятининг мақсадлари ва вазифалари мос келиши ёки келмаслигини акс этирувчи кўрсатгич тизими. Сиёсий кучлар мувозанати таҳлили сиёсий жараён унинг ривожланиши ва тараққиёт йўналишларини ҳамма йўналишларда тадқиқ этишнинг муҳим шартидир.

**Суверенитет** – (французча “Souverainete” – мустақиллик, олий хокимият) унинг мазмuni:

Давлат суверенитети – давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги тўла мустақиллиги демакдир.

Давлат суверенитетлигининг асосий белгилари:

- А) Давлатнинг барча органлари ва фуқароларга қаратилган қонунларни қабул қилиш;
- Б) Уруш ва жанглик масаласини ҳал қилиш;
- В) Охирги босқичда суд хокимиятини амалга ошириш;
- Г) Мансабдор шахсларни тайнаш;
- Д) Авф этиш – жиноят ҳосил қилган шахсни жазодан озод қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг конституциясида давлат суверенитетлиги масаласида алоҳида боб ажратилган бўлиб унинг биринчи моддасида “Ўзбекистон – суверен демократик республика” дейилади.

**Толерантлик** – (лотинча “Tolerantia” – чидамлилик, бағрикенглик, сабртоқатлик, ён бериш) – бошқа динлар ижтимоий тартиблар миллий ва диний урф-одатлар, ўзга дини ва сиёсий қарашлар, эътиқодлар ва турсуш тарзига нисбатан сабр бардошлиқ, чидамлилик, андишалик бўлиш маноларини англатади.

Демак толерантлик деганда турли хил данларни инкор этмаслик; динлараро бағрикенглик тушунилади.

**Тоталитаризм** – (лотинча “Totalitare” – яхлит, тўлиқ) – бир шаҳснинг, ижтиоий синф ёки гурухнинг (масалан, ҳарбийлар гурухи) якка хокимлигига сўзсиз бўйсунишга асосланган, вақтинча ва ўткинчи сиёсий тартиб, давлатни бошқариш шаклларидан бири. Тоталитар давлат бошқаруви шакли ўрнатилган мамлакатларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида давлатнинг тўла хукмронлиги ўрнатилади, ошкора ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг фаолияти устидан қаттиқ назорат олиб борилади. Демократик ташкилотлар фаолияти чеклаб қўйилади. Бир сиёсий партияning якка хукмронлигига асосланган.

**Унитар давлат** - (французча “Unitaire”, лотинча “Unitar” – бирлик, яхлит, бирлашган, бир бутунни ташкил қилувчи) – ташкил қилиш қисмлари давлат мақомига эга бўлмайдиган давлат. Бундай давлатда конституция, ягона фуқаролик, олий қонун чиқарувчи, ягона бошқарув ва суд органлари мавжуд бўлади. Унитар давлатнинг у ёки бу қисмида фаолият кўрсатаётган давлат органлари махаллий давлат органлари хисобланади.

Унитар давлат маъмурий-худудий бирликларининг чегалари марказий

органлар томонидан қабул қилинган қонунлар асосида ўзгартирилади ва бунинг учун маҳаллий давлат органлари ёки ахолининг розилиги талаб қилинмайди.

**Федерация** – (лотинча “Foederate” – иттифоқ бўлиб мустаҳкамлаш – давлат тузилиши шаклларидан бири. Федератив давлатлар мураккаб тузилишга эга давлатлар деб ҳам юритилади. Федератив давлат, одатда давлатларнинг ўзиёсий мустақиллигини ихтиёрий равишда ва муайян доирада чеклаш йўли билан ягона иттифоққа бирлашуви натижасида юзага келади.

Федерацияга ҳос белгилар:

1. Федерация худуди, унинг субъектлари, янги таркибий қисмлари баъзи давлатларда штатлардан (АҚШ, Мексика, Бразилия) баъзиларида кантон ва ярим кантонларидан (Швейцария) иборат бўлади.

Федерация субъектлари ўзиёсий конституциясини қабул қилиш хукуқига эга бўлади, лекин баъзи федератив давлатларда (Хиндистон) субъектлар ўзларининг мустақил конституциясига эга эмас. Федерация бошқа кўпгина аъломатларига кўра бошқа тузилмалардан ажralиб туради.

**Халқаро ташкилотлар** – мустақил давлатлар ёки миллий жамиятлар (ассоциациалар) минг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий мақсадларга эришиш учун тузилган бирлашмалар, мамлакатлар ўртасида кўп томонлама хамкорлик қилишнинг энг мухим турларидан бири. Халқаро ташкилотларнинг умумий хусусиятлари шундан иборатки, уларнинг вазифалари ва фаолияти хар бир давлат чегарасидан четга чиқади. Халқаро ташкилотлар БМТ терминологиясида “Хукуматлараро ташкилотлар” деб юритилади. Хозирги кунда жаҳонда 350дан ортиқ хукуматлараро ташкилотлар мавжуд.

**Цивилизация** – (лотинча “Civilis” фуқаровий, ижтимоий, яъни харбийлар ва диндорлар хукмронлигисиз) жамиятнинг ўзиёсий тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларни хамда уларни янада кўпайтириб, такомиллаштириб бориш усусларининг мажмуи.

Цивилизациянинг тарихий урушлар ва диний жаҳолатпарастликка қарши, дунёвий жамият учун кураш тарихидир.

**Шовинизм** – (французча “Chauvinisme” – ашаддий миллатчилик, миллий устунлик ғояси ва сиёсатнинг ифодаси.

XIX асрнинг бошларида Францияда пайдо бўлган шовинизм атамаси оддий аскар Н. Шавеннинг номидан келиб чиқсан. Эндиликда миллий экстремизмнинг намоён бўлиши маъносида хам ишлатилмоқда.

Буюк давлатчилик шовинизмни муайян сиёсий кучларнинг, кўпмиллатлик давлатлардаги етакчи миллатларнинг бошқа миллатларга нисбатан афзаллиги устуворлиги ғояси асосида мафкуравий, сиёсий ва иқтисодий хукмронлигини англаради.

**Хуқукий демократик элчихона** – суверен давлатнинг бошқа суверен давлат хукумати қошидаги дипломатик ваколат хонаси, шу ваколатхона жойлашган бино. Бу ваколатхонани элчи бошқаради. У ўзиёсий давлатнинг расмий вакили ҳисобланиб, дипломатик унвонлардан бирига эга бўлади.

**Хуқукий демократик давлат** – жамият тараққиёти ва давлат шаклларининг ривожланиши жараёнида юзага келган, давлатни ташкил қилишнинг энг

мукаммал шакли ва мазмуни. Хуқуқий демократик давлат учун кураш бундан 4-5 аср муқаддам бошланиб, факат XX асрнинг иккинчи ярмида хақиқатга айлана бошлади.

Хуқуқий давлатнинг асосий белгиси шундаки, бундай давлат хуқуқ доирасида харакат қиласи, жамият ва инсон билан барча муносабатлари хуқуқий меъёрга асосланади. Хуқуқий давлатнинг ва фаолият кўрсатишида давлат органлари, мансабдор шахслар, барча ташкилотлар бевосита иштирок этадилар. Хуқуқий давлатда конституция ва қонуннинг устуворлиги тобора кенг ва тўла таъминланади.

### VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2016.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-23 жиллар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимиға бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-104 б.
5. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрга тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси 07-12-2016.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
7. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
8. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
9. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геоэкономика, geopolitika, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
10. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;

11. Сурмин Ю. П. Теория систем и системный анализ: Учеб. пособие. — К.:МАУП, 2013.
12. ; Козырев Г.И. Введение в конфликтологию. Высш. учеб. заведений. М.: Гуманит. изд. Центр ВЛАДОС, 2000.;
13. Атоян А.Д. Конфликтология. Москва, 2005;
14. Зеркин Д.П. Основы конфликтологии. М., 2011;
15. Ратников В.П. Конфликтология. Вопросы и ответы. М., 2014.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

16. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
  17. [www.edu.Uz](http://www.edu.Uz)
  18. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
  19. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
  20. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
-